

ИБРОҲИМ ЖУМАЕВ

**МЕҲРДАН
ЯРАЛГАН ДУНЁ**

Очерк ва публицистик мақолалар



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2007

Жумаев, Иброҳим.

Меҳрдан яралган дунё: Очерк ва публицистик мақолалар / Иброҳим Жумаев. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. 120 б.

Кечаги кун билан бугунги кунни қиёслаб эртанги кунингни белгилаб ол, деганларидек, таниқли журналист Иброҳим Жумаевнинг ушбу китобига жамланган очерк, публицистик мақола ва шингил лавҳаларда бугунги ҳаётимизда кишиларни қийнаб келаётган муаммолар, қувонч-ташвишлар ўз аксини топган ва қайси бир жиҳатлари таҳлил қилиниб, ибратли хулосалар чиқарилган. Ўйлаймизки, бу ибратли хулосалар Сиз азиз ўқувчиларни бафарқ қолдирмайди.

ББК 60.56

4702620104–43 катъий буюртма 2007
Ж **М 352 (04)–2007**

© **Иброҳим Жумаев,**
Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2007 й

ISBN N 978-9943-03-045-9

ОЧЕРКЛАР

НУРЛИ ИЗЛАР

Куёш борлиққа кучсизгина нур таратиб, ётоғидан бош кўтарди. Тепалик ёнбағрию сайҳонликни қоплаган лолалар куёш нурларидан янада оловланди. Бундай манзарага кўз тикиш, табиийки, кишининг баҳри-дилини очади. Шу асно у табиат сеҳрига меҳр билан боғланиб қолади, беихтиёр.

Худди ана шу меҳр ҳали ширин уйқунинг таъсиридан қутулолмай кўзларини ишқалай-ишқалай ўтовдан чиққан йигитчани лолазор томон бошлади. У бир зум тўхтаб атрофга боқди, куёшга, беғубор осмонга нигоҳ ташлади. Тоғлару қир-адирлар ҳам қочиб қутулолмади унинг нигоҳидан. Тепалик чўққисидаги бир туп лолага кўзи тушдими ёки шу тепаликка чиққиси келдими, ишқилиб, шу томон одим ташлади. Оёқ яланг эди. Оёқлари остидаги сирпанчиқ қумлар уни тепаликка чиқишига тўсқинлик қилар, ҳар бир қадам ташлаганида пастга томон сирғалаверарди. Излари зумда қум остида қолаверарди...

Онасининг “Ердан, хув, Ердан, кел болам, чойингни ич!”, деган овози келди. Хиёл тўхтаб, орқасига ўгирилди ва “ҳозир” дегандек, кўли билан ишора берди. Сўнгра тепаликка – гул ёнига чўккаларкан, табиатнинг яна бир мўъжизасидан лол қолди. Кўрсичқон инининг оғзи шу бир туп лолага тўғри келгану гулни нобуд қилишга “кўзи” қиймаганми, тупроқни гулнинг икки томонига чиқариб ташлаган. Гўёки гул инга соябон. Уй “қуриш” эса давом этипти.

Йигит жимгина кузата бошлади. Кўрсичқон тумшуғи, орқа оёқларини ишга солиб, навбатдаги қумни гулга зиён етказмай ён томонга чиқарди. У қандайдир хавфни сезди шекилли, инига кирди, сўнг оҳиста бошини чиқариб, “қулоқ” солди. Сўнгра “Бекорга ҳадиксирамаган эканман”, дегандек тезда ўзини ичкарига урди.

“Шу кўрсичқон ҳам сенинг меҳрингга ошино бўлибди-да”, деган хаёлда йигитча ҳали шудринглари куёш нурида йилтиллаб турган гулни кафтлари орасига олди. Тавоф қилгандек шудрингли кўлларини юзларига суйкади. Худонинг бугунги кунига ҳам шукрона айтаркан, бир зумда миясини турли ўй-хаёллар чулғади. Ким билади, унинг тақдирига табиат кўриқчисими ёки чорвадорлик ёзилган? Отасининг кўлидан таёқни оладими, униб-ўсган шу яйловда яйраб-яшайдими ёки овулдошларига маориф-маданият келтирадими? Чорва ортидан отаси кам бўлмаган ҳарқалай, етти фарзанд тарбияляпти. Оила тўкин-сочин.

– Чўпонлик қиламан, – беихтиёр овоз чиқарди. Ичида эса бошқа нидо: “Йўқ, бўлмайди!”

Шу пайт овул оралаб “кино” машинаси кетаётганига кўзи тушди. “Киночилик ёмонми?” – хаёлидан лип этиб шу фикр ўтди.

Ўсмирнинг ўй-хаёлларини ўғирлаб, орзуларини эргаштирган киночиликнинг ҳам ўша даврда ўзгача завқ-шавқки, обрў-эътибори бор эди. Радио, телевизор, ҳатто оддийгина асфальт йўл ҳақида ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса билмасди. Болалару катталар ойлаб орзиқиб кутадигани кино эди, холос. “Кино мошин” кўринса бўлди, овулда байрам эди шу кун. Болалар киночини ўраб олишар, киночи нима иш буюрса – қутини машинага элт, тушир, буёққа кўй, у ёққа кўй, дея берган топшириқларини бажонидил бажаришарди. Ҳатто, киночи кўноқ бўлган хонадон гўёки сийлангандек бахтиёр бўларди. У киноларни тушунтириб борарди. Бир кўйилганда олдин киножурнал, сўнг иккита бадий фильм намойиш этиларди. Кўпчилик болалар кинони қанчалик орзиқиб қутмасин, ярмигача аранг кўриб, она-оталари тиззасига бош кўйгунча уйкуга кетишарди...

Ердан киночиликка қизиқди. Ҳатто, киночидан кино аппаратига қандай қилиб ленталарни ўрашни қунт билан ўрганди. Бир қараганда ўша даврда бу иш ҳам мураккаб эди. Лентани ўрнатиш ва бир неча жойдан айлантриб ўтказиш, сўнг аппарат қопқоғини ёпиб, ғалтакни айлантриб, аппаратни ҳаракатга келтириш, экранга нур ва тасвирири тушириш ҳар бир болага завқ бағишларди. Шубҳасиз, дилида киночи бўлишни орзу қиларди. Бу туйғу Ердан дилида ҳам куртак отарди...

Куш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган, тоғу тошлардан безак таққан Қизилқумнинг бепоён чўлу биёбонларида умргузаронлик қилиш осонмас. Қахратон қишда, жазирама ёзда юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида жонини жабборга бериб яшашнинг ўзи бўлмайди. Барча қийинчиликларга елка тутиб, мардлик, фидойиликда ибрат бўлган, бўлаётган бағри кенг кишилар билан учрашсанг, даврасида бўлсанг яйрайсан, тасаннолар айтасан. Ҳа, уларга бундай сабр-бардош, матонат авлодларидан ўтган. Ҳар бир ота-она ўзидан қолаётган зурриёдини бақувват, соғлом бўлиб ўсиши, шу муҳитга чидамли бўлиши йўлида бор куч-қудратини сарфлайди. Ана шундайлардан бири Норбой оға эди. У падари бузруквори Медет бободан сўнг чорвадорлар оиласи сулоласини давом эттирди. Испанкудукни макон этди. Беш ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказди. Кўпчилик фарзандлари ота изидан борди. Катта ўғли Аяп ўқиди, маълумотли мутахассис бўлди. Кўп йиллар Женгелди ширкат хўжалигида йўриқчи, директор бўлиб хизмат қилди. Ҳукумат мукофотларига сазовор бўлди, обрў-эътибор топди.

Ердан эса... Унинг йўли чорвачиликдан айри тушди. Учтепада бешинчи синфгача ўқиди. Женгелдидаги ўрта мактабни тугатгач, мақсадини отасига билдирди. Норбой оғанинг ҳам дилида фарзандлари ўқиб, турли касб эгалари бўлишлари илинжи йўқ эмасди. Каттаси ўқиб, йўлини топди. Бироқ, у шу ердан кетмади. Чўлда хизмат қилаяпти. Норбой оға Ерданнинг ҳам кўнглига қаради. “Майли, болам, биздан ҳам киночи чиқса чиқсин-да”, деб розилик берди. Ҳа, отахон ўғлига оқ фотиҳа берганда, уни ҳали катта дўхтир бўлиб, вилоят ва республика миқёсида обрў-эътибор қозонишини қаёқдан биларди...

Испанкудук—Учтепа—Женгелди—Конимех ўспирин йигит билган, кўрган макон эди. Киночи бўлиб, юртига кино санъатини олиб киришни дилига жо қилган Ердан азим Тошкентга қараб йўлга тушди. Техникумни тугатгач, Тошкентда бир оз ишлади. Соҳани чуқур эгаллашга интилди. Ундаги интилувчанлик, ҳар бир ишга ўта қизиқувчанлик билан ёндашиш хислатлари касбини мукамал эгаллашга олиб келди. Бу Навоий шаҳрида ишлаган кезларида яққол намоён бўлди.

Тақдир ўйини унинг ҳаётида бурилиш ясаганини изоҳлаб, воқеани давом эттирсак ноўрин бўлмас. Бу “ўйин”га ҳам баъзилар “киночидан дўхтир чиқаркан-да”, дея истехзоли қараш қилдилар. Ким нима деган бўлса дегандиру, бироқ “Қизилқум бағрида истиқомат қилаётган одамлар соғлигини муҳофазалашда ерлик ёшлардан шифокорлар тайёрлаш”га ҳукумат эътибор қаратди ва кўплаб иқтидорли, ҳаракатчан ёшлар сафидан Ердан ҳам ўрин олди. 1959 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти талабаси бўлди. 1965 йилда киндик қони тўкилган Конимех заминига шифокорлик дипломи билан кириб келди. Шифокорлик фаолияти бошланди...

* * *

Дарвоқе, 60-йиллар бошида Қизилқумда тиббий хизматнинг аҳволи қандай бўлган? Чўл ҳудудида деярли шифокорнинг ўзи йўқ эди. Бироқ, касаллик кўп. Турли касалликлар кенг тарқалган бўлиб, кўплаб болаларнинг умрига зомин бўларди. Ширкатларнинг марказий кўрғонларида биттадан фельдшер хизмат кўрсатарди. Баъзан бу ҳам йўқ эди. Тасаввур қилинг, ўртадаги хўжаликда бир фельдшер бўлмаса, беморга юз чақиримлар масофа босиб шифокор изланарди. Иложсизликдан маҳаллий “табиб”, қушночлар хизматидан ёки мол дўхтирдан нажот кутардилар. Туман марказига беморни олиб келиш ва олиб кетиш эса у вақтларда минг машаққат эди.

Чўл ҳудудларида истиқомат қиладиган аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишда асосан учта масалага алоҳида эътибор қаратилди: Биринчи галда соҳанинг моддий техника базасини яратиш, тиббий иншоотлар қуриш ва уни малакали шифокорлар билан таъминлаш, бирламчи звеноларни ташкил қилиш ҳамда доимий ёрдам кўрсатиш. Бу йўналишлар вазирлик диққат марказида бўлиб, муҳим қарорлар қабул қилинди. Юқорида тилга олганимиздек, дастлабки қувончли натижалар сирасидан ўрин олган воқеа 1965 йилда 5 нафар тиббиёт ходими (маҳаллий кадрлар) Конимех тиббиётининг турли тармоқларида иш бошлаганидир. Ўрта тиббий ходимлар етишмаслигининг олдини олиш мақсадида “Қизил ярим ой” жамияти томонидан икки йиллик курслар очилди. Бу бугунги кунда вилоятда фаолият

кўрсатаётган замон талабларига жавоб берадиган иккита коллежнинг илк дебчаси эди.

Конимех туманида 1968 йилдан тиббиёт соҳасида ривожланиш бошланди. Соҳани шифокорлар, ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминлаш яхшиланди, фельдшерлик- акушерлик пунктлари ташкил этилди, улар дори-дармон, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди, туман маркази билан алоқа изга туша бошлади. Вертолёт, самолётга эга бўлган санавиация ташкил этилди.

Қийин жараёнда ишлаш Ердан Норбоев ва унинг шифокор тенгдошлари зиммасига тушганди. Катта, қайноқ ҳаёт қозони уларни чиниқтирди, кўп нарсага ўргатди. Шу билан бирга чўл шароитининг тиббиёт тажриба мактабига асос солинди. Фидокорона меҳнати, касбини ардоқлаши, асосийси, юртни, халқни севиши, беморга меҳрию ширин тил, одамийлиги билан муомала-муолажа қилиши ёш шифокорга обрў-эътибор келтира бошлади.

Эл-юрт ташвиши билан яшаш, унинг оғирини енгил қилишдек шарафли иш пешанасига ёзилганидан ва бу бахт эканлигидан сурур ва гурур ичида яшаётган Ерданга тақдир худди шундай умр йўлдошини дуч қилди. Хонзода Мўминова касби фтизитор шифокор эди. Хонзода чўл худудида энг кўп тарқалган сил касаллигининг олдини олишга астойдил киришди. Овулларда, хонадонларда бўлди. Касалликнинг келиб чиқиш сабабларини ҳар бир кишига чуқур тушунтиришга интилди. Сил касалликлари диспансерининг бош шифокори сифатида ҳам даволаш билан бирга касалликни тарқалмаслиги учун чораталбирлар кўрди ва қаттиқ назорат ўрнатди. Узоқ овуллардан келиб, даволаниб кетган кишилар доимо шифокорлар назоратида бўлди. Уларнинг мақсади бир кун бўлса ҳам инсон умрини узайтириш ва уларни узоқроқ яшашини таъминлашга қаратилди.

Ердан Норбоев бош шифокор ўринбосари сифатида ташкилий ишларга, кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир тиббиёт ўчоғининг қаерда жойлашганини, у ернинг шарт-шароитига мос билимга эга бўлган қандай шифокор зарурлигини доимо назарга оларди. Натижада касаллик камая бошлади.

Ёш шифокордаги интилиш, салоҳият, муомала-муносабат вилоят соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари, раҳбарлари

назарига тушди. 1976–1982 йилларда Бухоро вилояти (1982 йилгача Кармана, Конимех, Қизилтепа туманлари Бухоро вилояти таркибида бўлган) соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг умумий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида ишлади. Бу ташкилотчилик, талабчанлик, ишбилармонликни талаб қиладиган оғир соҳа эди. Ердан Норбоев мустақкам ирода, катта қобилият эгаси эканлигини кўрсатди. Унинг бевосита раҳбарлигида вилоят тиббиётининг моддий техника базаси яратилишида кўп ишлар қилинди. Бухоро вилоят касалхонаси, тери-таносил касалликлари диспансери, санитария-эпидемиология станцияси, юқумли касалликлар шифохонаси ва руҳий касалликлар диспансери, туғруқхона, болалар касалхонаси, Қизилтепа, Навоий (ҳозир Кармана) ва бошқа туманларда касалхоналар, поликлиникалар, дорихоналар, Моҳи Хосса санаторийси қурилишига бош-қош бўлди. Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллиги юбилейи муносабати билан Афшона қишлоғи қайта қурилди ва шу ерда биринчи бор қишлоқ врачлик амбулаторияси биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тўғриси, ўша даврда қишлоқда тиббиёт маскани қурилишини вазирликда ҳам унчалик хушлашмасди. Бироқ бошқарма бош шифокори Шавкат Ғуломович Йўлдошевнинг бу борада саъй-ҳаракати катта бўлди. Натижада, қишлоқларда кўплаб қишлоқ врачлик амбулаториялари фаолият кўрсата бошлади...

* * *

– Суҳбатимизга шу ерда нуқта қўямиз. Кейинги сафарга ҳам гап қолсин-да, – деди Ердан оға кулиб. Сўнг гап тамом дегандек, эшик томонга қараб, – Хонзода, опке, – деди...

Дарҳақиқат, юқоридаги воқеаларни ўз ичига олган Ердан оға билан бўлган суҳбатимиз 2002 йилнинг 5 июнида бўлиб ўтганди. Тиббиёт ходимлари касб байрами муносабати билан вилоят тиббиётининг отахони, жонкуяр шифокорнинг суратини газетада чоп қилиш мақсадида Жумамурот Мирзаев билан туман марказий шифохонасига боргандик. Ердан оға эса бизни қўярда-қўймай хонадонига бошлаганди...

– Навбатдаги суҳбат таътилдан қайтгач бўлади. 1982 йилдан сўнгги ишлар ва ҳаётимдаги чуқур хотираларни жазасан, – деди Ердан оға омонлаша туриб.

Алқисса, суҳбатимиз роппа-роса уч ойдан сўнг давом этди. Телефонда учрашиш вақти келишиб олингач, Ердан оға тўппа-тўғри уйга келишни тайинлади.

Учрашдик. Конимех бош шифокорининг кайфияти жуда баланд эди. Хушчақчақлик, болаларча соддалик билан бизни қарши олди.

– Таътилда Қорақалпоғистонда, Қозоғистонда бўлдим. Офайниларни кўриб қайтдим. Мен ҳақимда китоб жазаётганингни айтдим, – деди завқ билан.

* * *

1982 йилда Навоий вилояти ташкил этилди. Иззат Раҳматович Фуломов вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, Ердан Норбоев биринчи ўринбосар этиб тайинланди. Ишни давом эттириш ва давом эттирганда ҳам янгидан ташкил этиш, қайта қуриш, жиҳозлаш сингари муҳим вазифалар кўндаланг турарди. Бу юмушлар ечимининг асосий қисми ўринбосарнинг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги билан чамбарас боғлиқ. Ердан Норбоев жараёнда вазиятни чуқур мушоҳада қилиб чиқди. Вилоят ҳудуди катта, масофа узоқлиги, аҳолининг тарқоқлиги, ичимлик сув камлиги муаммоларнинг бош сабабчиси эди.

Вилоятнинг ташкил этилиши барча қишлоқ ва овулларда тиббий хизмат кўрсатишнинг кўплаб ечимталаб масалаларининг бартараф этилишида муҳим босқич бўлди. Кичик қишлоқ ва участка касалхоналари, фельдшер-акушерлик пунктлари кенгайиб, болалар, ич касалликлари бўлимлари ташкил этилди. Кадрлар тайёрлашда аҳоли сони инобатга олинди ва маҳаллий кадрларга эътибор кучайтирилди. Шифохоналар машиналар билан таъминланди. Лабораториялар, кўчма лабораториялар иш бошлади. Кўчма лабораториялар Томди ва Конимех туманларидаги узоқ хўжаликларга қўл келди. Чорвадорлар йилига неча марта кўчса, лаборатория ҳам шунча марта кўчарди. 80-йилларда Конимех туманида тиббий хизмат кўрсатиш бир қадар яхшиланди. Касалхоналардаги ўринлар сони 470 тани ташкил этди. Ўринлар учун маблағ таъминоти йўлга қўйилди. Вилоят бўйича 1986 йилга келиб ўринлар сони 1433 тага ошди. Шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланиш даражаси кескин ўсди. 17 та

ФАП, 13 та дорихона, 3 та сут маҳсулотлари ошхонаси, 4 та жонлантириш бўлими, 17 та тиш даволаш, 18 та ЭКГ, 23 та физиотерапия, 17 та лаборатория, 4 та кардиология хонаси қисқа фурсатда қуриб битказилди. Амалга оширилган ишларни санаш... Буларнинг барчаси тиббий муассасаларнинг моддий техника базасини яратиш, кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш, санэпидемиологик барқарорликни ташкил этиш, эмлаш, профилактик ишларни, санитария-тиббиёт маданиятини кенг тарғиб қилиш ва ошириш сингари муҳим тадбирларни оқилона, тўғри амалга оширилганлигининг самарасидир. Эришилган муваффақиятлар Ердан Норбоев ва ўша давр тиббиёти дарғаларининг фидойилигидан, ишни тўғри ташкил қилганликларидан далолатдир. Минг афсуслар бўлсинки, сўнгги қатағонлар вилоятнинг мард йигитлари қатори И. Фуломов, Э. Ботирбоев, Е. Норбоев, В. Абдулқодиров сингари эл соғлиги йўлида жонини камарбаста қилиб юрган шифокорларни ҳам четлаб ўтмади. Эл назаридаги бу шифокорлар бир муддат “депсинсалар-да”, ўзларининг юрт-халқ олдида айбсиз эканликларини меҳнатлари билан исботладилар.

Келинг, шу ерда қайғули, ҳаётнинг қора нуқталарига барҳам берайлик-да, Қизилқум тиббиёти тарихини ўзида мужассам этган Ердан оғанинг хотираларига қулоқ тутаюлик.

“ҚИЗИЛҚУМ БЕЛБОҒИ”

Мамлакатни чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда Қизилқум чорвадорларининг ўрни катта эди. Шу боис ҳукумат бу юрт чорвадорларига қулай шарт-шароит яратиш, маданий ҳаётларини тубдан яхшилаш чора-тадбирларини кўра бошлади. Ўша вақтда Ўзбекистон Марказий қўмитасининг биринчи котиби, ҳукумат раҳбарининг бевосита кўрсатмаси остида Қизилқум овул-қўрғонларини бир-бирига боғловчи йўл қурилиши бошланди. 70-йиллар бошларида Қизилқум бағрини “тилиб” ўтган Нурота–Томди–Зарафшон йўли ишга тушди. Қизилқум белбоғи, деб ном олган бу йўлнинг очилиш маросимида республика раҳбари ҳам иштирок этди. У Ердан Норбоев ва бошқа Қизилқумнинг фидойи йигитлари билан самимий кўришар экан: “Энди бу юртни янада обод қилиш,

халқининг саломатлигини сақлаш, фарзандларининг баркамол вояга етиши сизларнинг ватанпарварлигингизга, фидойилик билан ишлашингизга боғлиқ”, деганди.

Ердан оға республика раҳбари билан учрашганидан, яқиндан суҳбатлашганидан мамнун эди ва умрининг охиригача ҳам қизилқумлик чорвадорлар соғлигини муҳофаза қилиш йўлида бутун кучи, меҳру садоқатини бахшида этди.

МАТОНАТ

Сунами, трина, тўфонлар, қор бўронлари сингари табиий офатлар дунёни ларзага солиб турибди. Улар келтириб чиқараётган ҳалокатлар, ташвишларни телевидениеда кўриб, эшитиб, кишилар бошига ёғилаётган фалокатлардан хабардор бўлиб турибсиз. Худди ана шундай ҳолат 1968–1969 йил қишида қизилқумлик чорвадорлар иродасини синовдан ўтказди. Тинимсиз қор ёғиб туриши оқибатида қалин қор Қизилқумни ён-атрофдаги шаҳар, қишлоқлардан узиб қўйди. Одамлар ҳаётини сақлаб қолиш, жамоат чорвасини асраш учун Республика, вилоят раҳбарлари, ташкилотлари оёққа турди. Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Акрам Нарзиев бошчилигида тиббиёт ходимлари барча фельдшер-акушерлик пунктларида бўлишди, пулсиз тез ёрдам сумкалари тарқатилди. Энг узоқ Дўнгалак, Пахтакор, Испанкудук, Утемурод, Боймурод ФАПларида шифокорлар чорвадорлар билан елкама-елка туришди. Танклар, бронотранспортёрлар ёрдамида кўплаб кишилар ҳаёти, чорва сақлаб қолинди. Вертолётлар ёрдамида ҳар бир қўрага, уй томига дори-дармон, нон, озиқ-овқат, ёқиш учун гишт, керосин ташланди. Ана шундай оғир дамларда Республика Министрлар Советининг Раиси вертолётда чўпонлар ҳузурига келди.

Ердан Норбоев ана шу кезларда қизилқумликларнинг иродаси мустаҳкамлигига, матонатига гувоҳ бўлганди ва тан берганди. Қийин шароитда, ўз ўтовида эмас, қўй кўрасида ҳар бир қўй-эчкини асраб қолиш учун тунларни тонгларга улашарди чорвадорлар. Ўз соғлиқларини, аҳвол руҳиятларини ўйламасдилар. Шифокорлар эса, улар билан деярли қадамба-қадам юришди. Ҳатто, улар қиш ўтгунча

ойлаб уйларига, фарзандлари ҳолидан хабар олиб қайтишга имкон тополмадилар. Қиш ҳақиқий матонат синови бўлганди ўшанда.

ВАБО ТАШВИШИ

Бу воқеа ўтган асрнинг 70—80-йиллари орасида бўлганди. Қарағатада вабо касали аниқланди. Оғир эпидемик вазият юзага келди. Вабога қарши курашда бутун жамоатчилик иштирок этди. Москва, Санкт-Петербург, Тошкентдан 96 нафар олим-профессорлар келди. Касални аниқлаб, тарқалишининг олди олинишида фельдшер Фароғат Қўшбармақов ва участка шифокори Рустам Нурназаровнинг хизмати катта бўлди.

УКОЛ МАШМАШАСИ

Ўшанда Ердан Норбоев навбатчи эди. Вақт ярим кечадан ошган. Касалхона ҳовлисида шовқин эшитилди. Оғир касал келди, деган ўйда шифокорлар ёрдамга шошилишди. Дарҳақиқат, йигирматача одам гавдали, бақувват бир эркакни суяб келишяпти. Бемор кайфияти ниҳоятда тушкун аҳволда, нажот сўраётгандек, Ердан оғага мунгли нигоҳ билан боқади.

— Ҳаммасига мана бу айбдор, — дея беморни олиб келганлардан бири довдираб қолган кишини шифокорга рўбарў қилди ва қўшиб қўйди. — Агар у ўлса, бу ҳам соғ қолмайди.

Беморни текшира туриб, Ердан оға воқеа тафсилотларини суриштира бошлади. Беморнинг игна урилган терисига назар ташлади-да, чўл офтобида товланиб, “пишиб” кетган терини икки бармоғи орасида қисиб кўрди. Сўнг, ранги ўчиб, минг бир ташвишлар гирдобиде турган фельдшерга юзланди.

— Шприцингни ол-чи?

У сумкасини ковлаб шприцни олиб, узатди. Ердан чироқ ёруғига тутди-да, бехос кулиб юборди. Унинг беғубор кулгисидан бемор ҳам, фельдшер ҳам ҳушёр тортишди.

— Эй, каллаварам, игна шприц ичига кириб кетган-ку, — дея фельдшерга юзланди.

— Йўғ-е, — дея бемор ҳам, фельдшер ҳам ўтирган ўринларидан бехос туриб кетишди. Аслида, воқеа бундай бўлганди: қоронғи тушиб қолган паллада, “бемор”нинг иссиғи кўтарилди, дея ўтовга фельдшерни чақиришди.

Атрофида “бемор”нинг оғайнилари зийраклик билан кузатишяпти. Фельдшер игнани бемор баданига урди, бироқ игна йўқолди...

Ваҳоланки, шприцнинг носозлиги туфайли игна қалин терига ботмай, шприц ичига ўтиб кетади. Бу ўтирганларнинг эътиборини тортди. Шунда бирови: “тамом, игна думбага кетди, энди у юраккача боради”, дея ваҳима қилиб юборди. Бирдан ғала-говур бошланди. “Бемор”нинг касали “хуж” қилди, фельдшер шошиб-гангиб қолди. Бир зумда юк машинасига ўтиришиб, Қарағатанинг Чўнтивой қишлоғидан 100 километрдан ортиқ масофадан Конимехга қараб йўлга тушишди... Ваҳималар гирдобиди ўзини у дунёга кетаётгандек, ҳис қилаётган “бемор” бир зумда соғайди. У Ерданни қучоқлаб, “раҳмат сенга, мен соппа-соғман”, дея хайр-хушлашиб, оғайнилари билан ортга қайтди.

АКУШЕРКА ТАМАРА

Конимехда, Тамара Васильевна Романовани жуда қадрлашади. Кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У оғир дамларда қизилқумликлар билан елкадош бўлди, кириб бормаган хонадони деярли қолмади. Минглаб оналарга ёрдам кўрсатди, доялик қилди.

...Ўшанда, Тамара чорасиз қолди. Аёлдан қон кетяпти. Нима қилиш керак? Телефон йўқ, тез ёрдам йўқ. Беморни эса Нурота шифохонасига элтиш зарур. Сарибелдан оз йўлми? Эндигина овулга кириб келган юк машинасининг хабарини эшитгач, ўша ёққа югурди. Ҳайдовчидан ёрдам сўради.

– Опажон, ҳозиргина, 500 километр юриб келдим. Бир суткадан бери ухлаганим йўқ, боролмайман, – дея ҳайдовчи ялинганнамо тихирлик қила бошлади.

Тамара қанча ялинса ҳам натижа бўлмади. У қайтиб келиб, милтиқ олиб яна ҳайдовчиникига борди. Уни чақириб, кўз ўнгида милтиққа иккита патронни жойлади.

– Шуни яхши бил. У аёл ўлим ҳолатида. Ёрдам берилмаса, она-бола нобуд бўлади. Нобуд бўлса, сен ҳам нобуд бўласан, нобуд бўлганингда ҳам жиноятчи сифатида, – дея дўқ-пўписага ўтди.

Ноилож ҳайдовчи машинани йўлга туширди. Тамара ҳайдовчи ёнида милтиқни унга қадаганча ўтирди. Ҳайдовчи: “опа милтиқни туширинг”, деса ҳам миқ этмади. Унинг фикри-ёди тезроқ шифохонага бориш, аёлни асраш эди. Аёл эса тобора ҳолсизланиб борарди. Кучли ҳаяжон Тамаранинг асабларини таранг қилган эди. Машина Нуротадаги туғуруқхона эшигига келиб тўхташи билан Тамара ҳушидан кетиб йиқилди.

Зудлик билан Конимехга Ердан Норбоевга қўнғироқ қилиниб, воқеа тафсилоти билдирилди. Ердан оға Нуротага етиб келди. Аёлни ҳам, чақалоқнинг ҳам, Тамаранинг ҳам ҳаёти сақлаб қолинди. Инсонга меҳр, касбга садоқат бундан зиёда бўладими?

ТУН. ЙЎЛДАГИ ТУҒУРУҚ

Ердан Норбоев санитария-эпидемиология станцияси бўлими шифокори Худойберган Очилов билан овулларга чиқишди. “Қизилқум” ширкат хўжалигининг Толдиқудуқ фермасида ҳомиладор аёлга зарур ёрдам кўрсатишга тўғри келди. Аёлни олиб алламаҳалда йўлга тушишди. Тунда, ярим йўлда аёлни тўлғоқ тутди. Туғуруқхонагача етиб боришнинг иложи бўлмади. Наилож, машина чироғи ёруғида туғуруқ ўтказишга тўғри келди. Ташвиш келса, кетма-кет келади, деганлари бежиз эмас экан. Туғуруқ амалга ошгач, аёлдан қон кета бошлади. Бу жуда хавфли эди. Керакли дори-дармон, асбоб-ускуна йўқ. Аёл борган сари мажолсизлана бошлади. Унга қон қуйиш зарур эди. Аёлдан қон гуруҳини сўрашганда, зўрға 3-гуруҳлигини пичирлаб айтди. Шифокорлар бир-бирига сўзсиз тикилишди. Нима қилиш керак. Шунда Худойберган Очилов таваккалдан бошқа йўл йўқлигини, қон гуруҳи аёлга мос тушишини, қон ўтказишни таклиф қилди.

Бу имкониятсиз иш эди. Бироқ, бошқа чора ҳам йўқ. Ўртада ҳаёт-мамот турарди. Аёлга тўғридан-тўғри қон ўтказилди ва туғуруқхонагача етиб келдилар. Бола ҳам, она ҳам асраб қолинди. Шифокорларни ҳаёт синовидан ўтказиб, дунёга келган бола “Қизилқум” ширкат хўжалигида катта мутахассис бўлиб хизмат қиляпти. У ўзининг ва онасининг ҳаётини сақлаб қолган шифокорларни ҳаётлик даврларида доимо сўраб турди.

Матонатли шифокорлардан бири И. Тўракулов қаҳратон қиш тунларидан бирида узоқ овулдаги чўпонларга ёрдам кўрсатиш учун боради. Оғир беморнинг ҳаётини сақлаб қолади. Бироқ ўзи бахтсизликка учраб ҳалок бўлади. Қизилқумликлар бу шифокор ноини яхшилик билан ёдга оладилар.

ЗИЛЗИЛА

1976 йилдаги ер қимирлаши натижасида Газлида оғир вазият юзага келди. Бутун мамлакат, жумладан, Бухоро вилояти аҳли оёққа турди. Газлида аҳолини қутқариш отрядлари тузилди. Вилоят тиббиёт ходимлари отряди Е.Норбоев бошчилигида тузилган табиий офат рўй бергач, бир соат ичида воқеа жойига етиб келди. Зудлик билан 130 нафар тиббиёт ходими жабрланганларга ёрдам кўрсатишга киришди. Харобалар, тупроқ остида қолган минглаб одамлар қутқарилди, кўчма тиббий пунктларда тезкор биринчи ёрдам берилди. Шифокорлар туну кун тик оёқда бўлдилар. Эл бошига иш тушганда касбга, инсонийликка садоқат намуналарини кўрсатдилар.

1000 ЙИЛЛИК ТЎЙ ИШТИРОКЧИСИ

Буюк мутафаккир, тиб илмининг асосчиси Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллик юбилеи дунё миқёсида нишонланиши қалбларга ғурур, ифтихор бағишлади. Юбилейни ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Ибн Сино таваллуд топган Афшона қишлоғи мутлақо янги чирой очди. Бу ерда катта қурилиш, ободончилик ишлари олиб борилди. Янги қишлоқ врачлик амбулаторияси, дорихона қурилди. Бу ишларда ҳам Е. Норбоев тиббиёт ходимларига, қурилиш ишларига бош-қош бўлди.

Е. Норбоев хотирасида муҳрланиб қолган яна бир воқеа — Эрондан Ибн Синога тегишли ҳужжатлардан нусха кўчириб келишдек хайрли ишда иштирок этганидир. Буюк табибнинг тасвири туширилган нишон билан тақдирланиши у учун катта бахт эди.

* * *

...Ердан оға Конимех тупроғида ўсиб-улғайган, юртга муносиб хизмат қилган кишилар билан доимо фахрланарди. Яхудо Утепов бир академик, иккита профессор, тўртта фан номзоди тайёрлади. Профессор Эркин Идрисов, (ТошМИ), Жуманазаров (Чимкентда) халқимиз саломатлиги йўлида самарали меҳнат қиляптилар.

* * *

1980 йилда Бутундунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг конференцияси Олмаота шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Е. Норбоев Бухоро вилояти чўл шароитида биринчи ёрдамни ташкил этиш мавзусида маъруза қилди. Кўтарилган масалалар дунё бўйича оммалаштирилди. Шу ўринда айтиш жоиз: қонли иситмага йўлиққан бемор деярли тирик қолмаган. Бу касаллик Конимех туманида унчалик хавф туғдирмайди. Сабаби, ҳудудда шифокорлар касалликни даволаш йўллари пухта билишади...

* * *

Ниҳоят, яна икки ой илгариги ҳолат такрорланди.

– Келиб қолдик. 1992 йил, нуқта. Буюғи ўн йил қолди, – дея Ердан оға суҳбатни якунлади ва эшикка қараб:

– Хонзода, опке, – деди хурсандчилик кайфиятида.

Дастурхонга таом, ноз-неъматлар тортилди. Ердан оғани ҳозирги ҳолатда улкан-улкан вазифаларда ишлаган, казоказоларнинг қабулида бўлган, Республика, вилоят раҳбарларининг, халқнинг ҳурмат-эътиборини қозониб келаётган димоғдор, кеккайган киши, деб тасаввур қилиш амри маҳол эди. Ундаги самимийлик, беғуборлик, оддийлик, гўёки ўзини тенгдошдек тутишлик хислатларини сўз билан таърифлашга ожизсан киши.

– Хонзода, дудорни ол, – дея деворга илинган дуторга имо қилди.

Тенг қилмай, дуч қилмайди, деганлари айнан Ердан оға ва Хонзода опаларга айтилгандек. Опа ҳам ўта самимият билан дуторни олиб, ўланни бошлади.

Тўқилса тирикчиликка кўрк бергай,
Гуллар кўп ер бетида кўрип билген,
Ўрик гул, энг алғашга савр гул,
Биринчи кезлашгандек бола гашик...

Ердан оға ҳам дутор чалиб, ўлан айтишдан роҳатланади. У давраларга файз ва завқ-шавқ олиб киради. Унинг қадами етган хонадонда хурсандчилик чечаклари гуллайди, бахт киргандек бўлади.

Ердан оғани суратга туширдик. Қозоқча, қорақалпоқча миллий тўн ва бош кийимларида суратга тушаркан, у фаҳр билан: бу қорақалпак ҳокимининг, буниси қозоғистонлик дўстларнинг сарпоси, дея изоҳ берарди. Ҳа, бу ана шундай қалби дунё инсон меҳнатларига берилган юксак мукофот – қадр эди. У фахрланишга, гурурланишга ҳақли эди...

* * *

Учинчи учрашув. Ердан Норбоев ҳаёти билан боғлиқ 1992 йилдан кейинги ўн йиллик воқеаларни эшитиш насиб қилмади. Ердан оға бевақт бандаликни бажо келтирди. Бироқ, кейинги ўн йилликда Ердан оға босиб ўтган излар, қилган хайрли ишлар барчанинг шундоққина кўз ўнгида.

Мустақиллик. Ердан оға қалбини ҳам нурафшон қилди. Дилидаги яраларга малҳам бўлди. Қалblари ёшлик шижоатига тўлди. Куч-ғайрати билан эл саломатлигини сақлаш, янгиликларни ҳаётга кенгроқ олиб киришга интилди.

Вилоят қайта ташкил этилгач, Ердан Норбоев вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди. Ишни яна бошдан бошлади. Барча соҳаларда янгилиниш – ислоҳот ўтказишга киришилди. Нурота, Хатирчи, Учқудуқ, Қизилтепа, Конимех, Кармана туманлари марказий шифохоналарини замонга мос таъмирлаш, янги корпуслар қуриш, Навоий шаҳар марказий поликлиникаси, урология маркази қуриш, жиҳозлаш ишлари тезкорлик билан бошланди, қисқа фурсатда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошди. “Саломатлик” дастури асосида қишлоқ врачлик пунктлари қуришга киришилди. “Salomatlik” тиббиёт ходимлари газетаси ташкил этилди.

Ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилишда фидойилик қилган тиббиёт ходимларига Ердан оға ўзининг кўп йиллик тажрибалари, билим-салоҳияти, одамийлиги билан бош-қош бўлди. Пала-партишликка, ноҳақликка, порахўрликка мурасисиз эди у. Ҳалол, меҳнатсевар, халқпарвар шифокорларни қўллаб-қувватларди, улар билан яйраб суҳбатлашарди.

Ердан Норбоев умрининг сўнги беш йилини қадрдон конимехлик элдошлари бағрида ўтказди. Туманда бош шифокор бўлиб, тиббиётда кўплаб ибратли ишлар қилди, ёшларни ёрқин истиқбол сари етаклади. Конимех аҳли ва шифокорларнинг дилидан энг яхши шифокор ва энг яхши инсон, устоз бўлиб жой олди. Ҳурматга мушарраф бўлган шифокор хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Ердан Норбоев босиб ўтган ҳаёт йўлидан ёрқин, нурли излар қолдики, у абадий ўчмайди. Авлодларни яхшиликка, яхши ишларга, эл-юрт ободлиги, саломатлиги йўлида виждонан ҳалол-пок хизмат қилишга чорлайверади.

ЎРГИМЧАК ЧАНГАЛИДА

Мисоли бир олтин кўза бу дунё,
Суви гоҳо ширин, аччиқдир гоҳо.

Яқин ўтмишга бир назар ташланг...

Тоталитар тузум “даҳо”лари ўзбеклар шаънига не-не туҳматларни ёғдиришмади: “пахта иши”, “ўзбек иши”... Шу туҳматлар туфайли минглаб киши азият чекди, нафсониятимиз, қадр-қимматимиз оёқ ости қилинди. Етмиш йил ҳукмронлик қилган у тузум қурбонига айланганлар, аслида, эл-юртнинг ишига бел боғлаган, лекин ўзлари билиб-билмай ҳукмрон тузум ишига ҳисса қўшган фидойилар эди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида таваллуд топган авлод вакиллари даҳшатли уруш йилларини, қаҳатчиликни, оғир меҳнатни, жабр-зулмни бошидан кечирди. Вайронага айланган мамлакатни тиклаш, жамоа ҳўжалиklarини оёққа қўйиш улар зиммасига тушди ва бу меҳнат қадларини дол қилди.

Асли қизилтепалик, бугунги кунда Навоий шаҳрида истиқомат қилаётган, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тўқсон бобо Шариповнинг фикрларига эътибор беринг:

– Урушдан қайтгач, молбоқарлик қилишни буюришди. Хизмат ҳақим кунига икки пиёла сут, раҳм қилишса, ўн беш кунда икки кило арпа беришади. Тепангда дарғазаб назоратчи туради. Арпа, тариқ, жўхори, зоғора нондан тўйиб

ейишнинг ўзи у кунларда бахт эди. — Фрондан нафақат тани, қалби ҳам жароҳатланиб қайтган отахон ўша дамларни ҳаяжон билан эслайди: — Баъзан омон қолган жонингдан ҳам тўйиб кетардинг. Э, у кунларнинг қай бир жафосини айтай! Яратганнинг ўзи у кунларни ҳеч бир бандасининг бошига солмасин! Мустақилликнинг садақаси кетай! Бу кунларга етганларнинг армони йўқ энди. Бошимизда давлатимиз парвона. Мустақилликнинг меъморига — раҳбарига мингдан-минг ташаккур!

Ўша, эшлаш ҳам киши дилига ғашлик соладиган кунларни нафақат навбахорлик Ҳазрат Бахронов, балки минглаб кишилар бошидан кечирди, улар турғунлик даврининг аъзоси сифатида сабот-матонат билан эзгу мақсадлар йўлида меҳнат қилдилар, давлат сиёсатини амалга оширдилар. Бир сўз билан айтганда, қийин даврда машаққат чекдилар ва кўп муҳим ишларни амалга оширишга улгурдилар. Афсуски, охир-оқибат ўзлари бел боғлаб хизматини қилган сиёсатнинг қурбонига айландилар.

Уларни айблашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Давр ўзгарди, замон ўзгарди. Етмиш йил давомида “темир интизом” ва қаттиққўллик билан тутиб турилган империянинг асл башараси яққол кўзга ташланди. Тўғрироғи, мустақилликнинг илк кунлариданоқ кўплаб тарихий ҳужжатларнинг “сир-синоат”лари очилди. Мустақиллик шабадасигина “пахта иши”, “ўзбек иши” деган тухматларни елга совурди. Адолат тантана қилди. Эски тузумлар парчаланиб, янгиси — ҳақиқий халқларвар тузум барпо этилди. Янги мафкура дилларга кириб келди. Мустақил юртимизнинг нурафшон келажаги сари дадил одимларканмиз, унинг узоқ ўтмишига бир қур назар ташласак, мустақилликнинг нақадар тотли неъмат эканлигини, унинг қадри ҳеч бир сўз билан таърифлаб бўлмаслигини янада теранроқ ҳис этамиз. Ватан деган туйғу қалбимизни шундай чулғайдики, уни асрашдек олижаноб ҳислар меҳр-муҳаббат билан юракларда тўлқинланади, узиб бўлмас илдизлар панжа ташлаб, бутун борлиғимизни қамраб олади. Шундай экан, ўтмиш эртағимизни қийёслагувчи борлиғимиздир.

Азиз ўқувчи! Шу ўринда юқорида Тўқсон бобо тилга олган оғир давр машаққатларини бошидан кечирган Ҳазрат Бахронов ҳаёт-фаолиятига бир карра назар ташлаб, хулоса чиқарайлик.

Очиқ деразадан учиб кирган кичкинагина асалари ўзини деразанинг юқори кўзидаги ўргимчак тузоғига урди. Урди-ю ундан қутулиб чиқиш учун жон ҳолатда урина бошлади. Қанотларига зўр берди, кошки тузоққа тушган оёқларини, қанотларини чиқара олса. Визиллаб фарёд чекди, нажот истади. Эҳ аттанг, қани нажоткор! Дераза кўзининг бурчагида пайт пойлаб турган ўргимчак узун-узун оёқларини бир-бир босиб ўлжаси томон бостириб кела бошлади...

– Сиз Бахроновмисиз? – деб сўради жамоа хўжалиги идораси биносига чақиртирилган Ҳазрат акадан нотаниш йигит.

– Ҳа, менман!

– Мен махсус ишлар бўйича терговчи Рўзиевман! Сизни пахта масаласида чақиртирган эдим.

Ҳазрат ака унга қарама-қарши ўтираркан, хонани бир зум кўздан кечирди. Барчаси ўша-ўша, фақат баъзи бир нарсаларнинг ўрни ўзгартирилган, эскирганлари янгисига алмаштирилган.

Бир зумлик сукунатни яна терговчининг йўғон овози бузди.

– Сиз, Наврўзов билан ҳамкорлик қилганмисиз?

– Мен у одамни кўрганман, лекин бирор марта ҳамсуҳбат бўлмаганман... Менга халқнинг нонини туя қилиб орттириладиган сохта обрўнинг кераги йўқ. Ёшлигим оғир, уқубатли даврларга тўғри келди. Сув келса симириб, тош келса кемириб яшадик. Дастурхонимизда нон қолмаган пайтда ҳам ўғрилиқ қилмадим. Ота-онам ҳар нарсага қаноат қилишга ўргатган. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ келишини қулоғимга қуйишган. Ҳалол ва тўғри яшашни ўргандим. Афсуски, менинг очиқ кўнгиллигим, одамларга ишонувчанлигим, инсонни инсон каби севишим баъзиларга қўл келди, ўзимга душман бўлди. Энг ёмони, иродасизлик деган балонинг...

1981 йил. Куз оқшомларидан бири. Туманнинг биринчи раҳбари Ғофур Ўринов кабинети. Раҳбар хўжалик раисига бир муддат тикилиб турди-да, сўнг қатъий қилиб:

– Биз товаравед Рустам Ҳамроев билан гаплашдик! – деди. – Бугундан эътиборан терим суръатини оширасиз! Етмаганига қўшасиз. Юқоридан келган буйруқ шундай!

– Ахир бу ...

– Гапни кўпайтирманг!..

Ҳар беш кунда райқўм бюроси бўлиб туради. Унда барча мутахассису бригада бошлиқлари иштирок этади. Пахта топширишнинг бориши муҳокама қилинади, туманнинг биринчи раҳбаридан “юмшоқ-юмшоқ” сўзлар эшитишади. Ҳар бир йиғилишда “Зарафшон” жамоа хўжалигида йиғим-терим масаласида сусткашликка йўл қўйилаётганлиги, бу ерда иш тўғри ташкил қилинмаётганлиги танқид остига олинади. Ана шундай йиғилишлардан бирида, хўжалик тўрт кун ичида давлат режасини бажариши, акс ҳолда хўжалик раиси қаттиқ жазоланиши тўғрисида янги топшириқ берилди.

“Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан” деганларидек, райқўм топширигини бажармагани учун Ҳазрат Бахронов ишдан олинди. Жамоа аҳлининг эътирозларига қулоқ солинмади. Оқимга қарши сузсанг — муқаррар сувга фарқ бўлишингни билсанг-да, ўзингни унга уришга қатъиятлик кўрсата олсанг, нега бу иродасизлик бўлсин?..

–Ўртоқ Бахронов, мен сизни айблаётганим йўқ. Фақат эртага Каттақўрғонга бориб-келишимиз керак! — Терговчининг охири гапи шу бўлди.

...Қамоқхона ичкарасига кириши билан темир эшиклар тарақа-туруқ ёпилди. Ҳазрат ака ялт этиб орқасига қаради. Эшикнинг кўша-қўша қулфлари шарақлади. Турма қоровулининг жиддий башарасига кўзи тушаркан, миясида нимадир ярқ этгандек бўлди, оёғининг учигача музлаб кетди. “Эҳ Худо, ўзинг асрагин!”, дея кўнглига тушган ваҳимани қувмоқчи бўлди. Бу ваҳима яна учта темир эшикдан ўтгач, ўн чандон ошди. Боши ғувиллаб, қулоқлари том битгандек, аросатли бир ҳолатга тушди. Уни етаклаб бораётганлар кўзига аллақандай кўланкадек кўрина бошлади.

Сўроқ хонасига олиб келишди ва ўтиришга курси қўйишди. Курсига ўтирди эмас, ўзини беҳол ташлади. Чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, юзларидаги терни артди. Хонада совуқ сукунат. Қўш терговчи ва Ҳазрат ака бир-бирларига унсиз тикилишди. Бир зумлик жимлик Ҳазрат акага ўзини босиб олиш учун имкон берди.

Эшик очилди. Соч- соқоли ўсиб кетган кишини хонага олиб киришди. “Ё алҳазар! Наҳотки, бу ўша киши бўлса?” —

хаёлидан кечди Бахроновнинг. Совуқ ҳисдан вужуди сесканиб кетди.

– Бу кишини танийсизми? – деб сўради терговчи дағаллик билан Ҳазрат акадан.

– Танийман! – деди Ҳазрат ака.

– Сиз-чи? – дея савол берди терговчи соч-соқоли ўсган кишига.

– Танимайман! – деди у Ҳазрат Бахроновга беписандлик билан назар ташлаб.

– Мен бу кишини завод директори сифатида танийман, у билан ҳеч қандай олди-берди қилган эмасман, – дея изоҳ берди Ҳазрат ака.

У кейинги сўроқларида ҳам шу гапни кўп бор такрорлади. Эҳ, кошки тушунишса, тушунишни исташса эди. Йўқ, қаёққа қарамасин, нажоткор топилмади. Илтижолари мустажоб бўлмай, кўзга кўринмас хиёнатнинг чигал тўрларига чувалашиб кетди. Ва ана шу лаҳзадан бошлаб қалбида нажот иташ илинжи эмас, балки курашиш, исёнкорлик ҳисси жўш урди.

II

...Ҳаёт-мамот жангги бошланди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини озми-кўпми татиган, бутун умри одамларга ризқ-насиба – бол ташиш билан ўтган асалари ўргимчак фитнасига таслим бўлгиси келмади, жон-жаҳди билан ўзини ҳимоя қилишга киришди. Ўргимчак: “Энди ўзимникисан, қўлингдан нимаям келарди, галварс!” қабалида ўлжасига бамайлихотир яқинлашаркан, ноҳос, рақиб найзасига рўбарў келди.

– Ие, ҳали шунақами? Шошмай тур, ҳолинга маймунларни йиғлатмасамми! – Ўргимчак ўзини тезлик билан ортга олди. Сўнг аста-секин яна яқинлаша бошлади. Маълум масофада туриб, узун оёқларини шундай тез ҳаракатга келтирдикки, бир зумда бандининг қанотларини арқонга ўраб ташлади. Қанотлар пирпираши бир қадар тинса-да, дум томони ҳаракатдан тўхтамади. Бироқ, барибир тўхтовсиз ҳаракат асаларини ҳолдан тойдирди. Ўргимчак унинг тинчишини узоқдан кузатиб турди. Асалари бир лаҳза нафасини ростлаш мақсадида жим қотди. Бу фурсатни кутган ўргимчак яна юришни бошлади. Хавф яқинлашганини сезган банди жадал қаршиликка ўтди. Қанотларидаги тўрлар дош

беролмади. Ўргимчак яна шиддат билан ташланди ва асаларининг бир қаноти ҳамда белини ўрашга эришди...

...Ўзбекистон Компартияси XVI Пленумидан кейин республикада сиёсий вазият кескин ўзгарди. Раҳбар кадрларни ноҳақ ишдан бўшатиш, тирноқ остидан кир қидириш кучайди. “Пахта иши”, “ўзбек иши” деган машмашалар кенг қулоч ёзишига имкон яратилди ва бундан марказдан ташланган десантчилар – Гидлян, Иванов бошчилигидаги махсус гуруҳ “террори” авж олди. Ўша кунларнинг ҳар лаҳзаси ваҳимали бўлди. Вилоят ва туман партия қўмиталарининг биринчи котиблари, ижроқўмларнинг раислари, ташкилот ва хўжалик бошлиқлари бирин-кетин ҳибсга олина бошлади, баъзилари ўз жонларига қасд қилишди. Боз устига матбуотда жиноятчиларнинг “асл башаралари” кўрсатилиб, шов-шувли мақолалар пайдо бўлиб, қалбларга гулгула солди. Тергов ишларининг кенг жабҳада олиб борилиши ваҳималарни янада бўрттириб юборди...

Ҳазрат Баҳроновга очилган тергов ишлари якуний паллага кирди. Хўжаликда бригада бошлиқлари, ҳисобчилар, мутахассислар “чиғириқ”дан ўтказилди. Юқоридан топшириқ қаттиқ бўлиб, “гидлянчи”ларга: “Билганингни қил, мушугингни пишт, дейдиган одам йўқ!”, дея ҳуқуқини улуг қилиб қўйишгач, улар билганларидан қолишмади.

– Сизнинг ҳисобингизга ўтказилган пулни пахта сотиб олиш баҳонасида ўзингиз “туя” қилгансиз! – деди терговчи эшикдан кирган бригада ҳисобчиси Т. Пўлатовга.

Келбатли терговчининг тикилиб турган вазоҳатидан ваҳимага тушса-да, табелчи:

– Мен пул олиб еганим йўқ! – деди юрак ҳовучлаб.

– Нега еганинг йўқ? Ҳе, сени ўша... – Терговчи ўша вазоҳати билан ўрnidан ирғиб турдию, ҳақоратлаганча табелчининг ёқасидан олди. Қўрқиб кетганидан табелчи беихтиёр ғулдиради:

– Хўп, хўп, тўлайман!..

Терговчи кибр билан мийиғида кулди. Кейин қатор турганларга сўз қотди:

– Яна ким бор қаршилик қиладиган?

Хона сув қуйгандек жим-жит. Ким ҳам гапира оларди? Умрини меҳнатга бағишлаганлар “давлат кишиси”нинг бу

важоҳатиға юрак ютиб бир сўз демоққа ботина олмади. Лекин “исёнчилар”нинг қалбларида важоҳат бор. Ахир, пахта деб ҳузур-ҳаловатдан кечиб, заҳар ютиб яшаяптилар. Кошки бирлари икки бўлган бўлса! Аксинча, бугунги кунда “сен ўғрисан”, деган таъна тоши елкаларини яғир қилган. Қанчадан-қанча оғир меҳнатларга кўкраklarини қалқон қилиб, қийинчиликларни бартараф этиб келган бу инсонлар ана шу таъна юкини кўтаролмай қадди дол, боши эгик, қалбларида фигон, киприкларида нам. Баъзилари болаларининг ризқини қийиб, бисотидаги ягона сигирини сотиб, пулини қўшқўллаб аждаҳо комиға ташлаган.

Энг ёмони, “Еганингда ўйлаб есанг, бўлмайдими?”, деган ҳақоратомуз дўқ-пўписаларни эшитиш. Шу турушида ҳам юраги эзилган инсонни бундан ортиқ таҳқирлаш мумкинми? Кошки келаётган минг-минг пуллар “олди-берди” бўлиб, жамоа хўжалиги хазинасига тушаётган бўлса?..

– Ўртоқ Бахронов, раислик қилган даврингизда пахта сотиб олишда ўзингизни айбдор, деб ҳисоблайсизми? – деди терговчи унга навбатдаги саволни бераркан.

– Мен ҳеч қачон айбли иш қилган эмасман. Нимаики хатоға йўл қўйган бўлсам, бари қаттиқ тазйиқ остида бўлди. Буни халқ билади. Шундай бўлса-да, мен ўғирликка, талон-тарожға йўл қўймадим. Жамоа хўжалигининг бир тийин пули ортиқча сарфланмади. Шунинг учун ҳам виждоним пок...

– Майли, буёғи суд ҳукмиға ҳавола! – дея совуққонлик билан ишини яқунлади терговчи.

“Кўпға келган тўй”, деб индамай охирини кутиш керакмикан? Неға ҳукуматимиз бирор-бир чора-тадбир кўрмайди? Наҳотки, ҳақ ҳам, ноҳақ ҳам барабар жавоб берса? Ҳақиқат борми ўзи? Бўлса, у қаерда? Шуми инсонпарварлик асосида тузилган давлатнинг ҳақиқати? Барибир ҳақиқатнинг тағига етаман – Москваға бораман!..

Хаёллар, хаёллар. Дунёнинг минг бир чеккасиға етаклайди. На уйқуда, на ейиш-ичишда ҳаловат бор. Ўзини илгари айбсизман, деб ҳисоблаганлар энди шундай ипсиз ўраб ташландики, ҳаракат қилмаса, ўпқонға тушиб кетиши ҳеч гап эмас.

Шунча терговларда унга бирор-бир асосли айб қўйилгани йўқ. Пахта сотиб олган бўлса, тумандаги бошқа хўжаликларға таққослаганда, жуда кам олинган. Унга қилинган харажатлар

аниқ кўрсатилган. Ўғирлик, талон-тарожлик қилинмаган. Наҳотки ноҳақлик дарёсига фарқ бўлиб кетаверса?..

Ўшанда пахта иши билан Навбаҳор туманида олтмишдан ортиқ кишининг устидан жиноят иши қўзғатилган эди. Улар орасида хўжалик раҳбарлари, мутахассислар кўпчиликни ташкил қиларди. Галдаги райқўм йиғилишида Ҳазрат Баҳронов ўз фикрини дадил ўртага ташлади:

– Москвага бориш керак!

Кўплар унинг гапини қўллаб-қувватлади. Баъзилар:

– Ўзингизни қўл-оёғингизни ўзингиз боғлаб бермоқчимисиз? Бу ердан чиқмаёқ ушлаб қамашади, оҳ-воҳингизни ҳеч ким эшитмайди! – дейишди.

Йўқ, барибир истак голиб чиқди. Ҳазрат Баҳронов Москвага отланди. Йўлга чиқишдан бир кун олдин яхшигина тараддуд кўрди. Тумандошлар имзоси билан Москвага жўнатилган хатларни, жумладан, ўша пайтдаги собиқ иттифоқ раҳбари номига ёзилган хат матнини ҳам қайта-қайта ўқиб чиқди. Хат мазмуни ўзига маъқул тушди, шекилли, кулиб қўйди. Унда ўзбек халқининг социалистик ғоялар туфайли иқтисодий ривожланаётган ўлкада эришаётган ютуқлари, бу борада “катта оғаларимиз”нинг “беминнат” ёрдами борлиги, совет қонунчилиги адолат асосида йўғрилганлиги ҳақида батафсил ёзилганди. Хат якунида “ҳурматли Михаил Сергеевич, Сизнинг олижаноблигингизга, совет ҳукумати ва қонунчилигининг адолатли эканлигига чуқур ишонамиз. Ўзбекистоннинг Навоий область Навбаҳор районининг бир гуруҳ фаоллари, иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат ветеранлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, кўп фарзандли оталар ҳар кимнинг қилган ишига қараб, қонун бўйича талаб қўйилишини Сиздан илтимос қилади, – дейилганди ва ниҳоят: – ҳурмат ва эҳтиром билан...” – дея қатор имзолар қўйилганди.

... “Москва, Кремль. Хайрият юрагимдаги дарду армонларни эшитадиган жойга етиб келдим, – деб ўйлаганди Ҳазрат ака. – Бу ер ҳақиқат юраги! Арзимга қулоқ солишади”.

Шу ҳақда ўйларкан, унинг қадами бардамлашди. Хаёлан ҳукумат раҳбарлари билан бўладиган учрашувни кўз олдига келтирди. Бу ерда ишлаётган халқпарвар, эътиқоди бутун кишилар кўз ўнгида гавдаланаркан, уларга ўзича меҳр билан интилди.

У қалбини чулғаган ҳис-ҳаяжон билан қабулхонага яқинлашди. Не кўз билан кўрсинки, ҳаммаёқ одамлар билан тирбанд. Суриштира, улар мамлакатнинг турли бурчакларидан бир илинж билан келишган. Баъзиларнинг қабул рўйхатига ёзилганига бир ойдан ошган.

Елиб-югуриб, қабулга киришга муваффақ бўлди. Лекин уни нописандлик билан қабул қилишди. Улар учун бундай ташрифлар одат тусига айланиб қолганлиги, унга ўхшаган неча-неча кишилар бу даргоҳга умид билан келиб-кетаётганлигини тушуниб етди. Ва бу ердан ҳафсаласи пир бўлиб чиқди. Бошқа белгиланган жойларга хатларни жўнатди, баъзи раҳбарларга киришга уриниб кўрди. Ер қаттиқ, осмон узоқ. Афсус, “адолатпарвар” давлатнинг “халқпарвар” раҳбарлари билан юзлашиш, уларга дардини айтиш насиб этмади. Москвага келишда қандай орзулари бор эди-я? Шу сафар Арбат хиёбонларида кезишни, шаҳарнинг энг гўзал гўшаларини томоша қилишни ният қилганди. Кўнглига қил сифмади...

– Болам тур, кўп ўйланаверма, чой дамладим, ичиб ол! – дея Ҳайитгул ая ўғлининг ёнига чўкди. Ўғлининг рангирўйига қараб, онанинг кўзида ёш милтилади. Бошини ён томонга буриб, енгининг учи билан билинтирмай аста артдида, шу кўйи оҳиста тут дарахти томон юрди. Онанинг ортиқ гапиришга мажולי қолмаганди. Йиғлаб юбориб, ўғлининг тошиб турган дардига дард кўшишни истамади. Дарахт остидаги чорпояга кўрпачаларни қайта солди. Ҳозиргина келтирган чойнагининг устига сочиқ ташлаб қўйди.

– Онажон, бугун ҳаво эрталабданоқ исияптими? – деди Ҳазрат ака чорпояга чиқаркан.

– Болам, Худонинг куни-да, ол, чойингни ич!

Она дастурхонни очди. Ўғлининг “иштаҳам йўқ” деганига қарамай, дастурхонга ундади. Ҳазрат ака пиёлани қўлига олиб, эндигина ҳўплаган эдики, ҳовлига иккита йигит кириб келди. Улар салом-аликни насия қилиб, чўнтакларидан махсус дафтарчаларини кўрсатиб, топшириққа биноан, бу уй-жойни ва мол-мулкни рўйхатдан ўтказишларини маълум қилишди.

– Марҳамат, мана шу жой менга тегишли, уйга кириб, кўринг! – деди уй соҳиби мезбонлик одобини сақлаб.

Йигитлар уйларни бирма-бир кўздан кечириб бошладилар. Каттагина китоб жавонини ҳам титиб кўришди. Бир неча

йиллар тунда ҳам, кунда ҳам хаёлида бўлган, доим тўғриликка бошловчи буюк зотлар — Алишер Навоий, Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Фафур Фулом каби улуғ алломаларнинг асарларини ерга, оёқ остига ташлай бошлашди. Китоблар устидан сирғалиб тушган каттагина китобнинг варақлари очилиб кетди. Ундан Навоийнинг сурати боқиб турарди. Ҳазрат Бахронов китобни энгашиб олди-да, ундаги суратга тикилди. “Кечирасиз, мен балки ноқобиллик қилгандирман, балки ўғитларингизга қулоқ солмагандирман. Лекин Сиз айтган нодонлар, жоҳиллар бор жойда ноҳақликлар ёнма-ён туришига энди ишондим”, кўнглидан ўтказди у. Кейин Алишер Навоийнинг куйидаги мисраларини хаёлан такрорлади:

Ким кўрди экан жаҳонда оё хушлуғ,
То бир киши айлагай тамонно хушлуғ,
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуғ,
Омада дурур ёнида юз нохушлуғ.

“Бу нохушликлар бошим узра чарх уриб турса, қайга борай?” Беихтиёр юрагидан ана шу фарёд отилиб чиқди. Кўллари титраб, китобни оҳиста ёпди.

— Сиз неча йил раис бўлгансиз? — деган саволдан ўзига келган Ҳазрат ака “меҳмон”ларга қаради.

— Ўн беш йил.

— Ўн беш йил раис бўлиб, орттирган бисотингиз шуми, ё... Меҳмоннинг “ё” деган шамаси унинг ғурурига тегди.

— Менинг нимаики нарсам бўлса, бари шу ерда. Бу уй жамоа хўжалигиники. Шунча йил ишлаб орттирганим, ана, кўзларини жавдиратиб туришибди. — У супада тўпланиб турган фарзандларини кўрсатди. — Ана шу — қоракўзларимдир. Мен молу давлат кетидан қувмадим. Халқим олдида ҳам, оқ сут бериб, меҳру дунёсини бахшида қилган онажоним, раҳматли падари бузрукворим руҳлари олдида, меҳр билан ўстирган фарзандларим, жуфти ҳалолим олдида шуни айтаманки, мен ҳеч қачон номаъқул иш қилмадим. Хонадонга нимаики келтирган бўлсам, меҳнатим эвазига келтирдим. Фақат, фақат қалбим... — Унинг тили айланмай қолди. Биринчи бор юрагидаги аламли оғриқлар кўз ёш бўлиб отилиб чиқди. Бу алам бутун оилани титратди. Ҳайитгул ая, умр йўлдоши

Тошбиби опа ва фарзандларининг кўзларидан шашқатор ёш оқди.

Тафтишчи йигитлар ҳам бунга дош беролмадилар. Не ажабки, уларнинг тош юракларида раҳм-шафқатми ёки улуғвор инсоннинг юрагидан отилиб чиққан нидоларми, ишқилиб Ҳазрат аканинг кўнглига ботмайдиган юмшоқ сўзлардан топиб гапиришди. Сабр-қаноат қилишни, оқ-оққа ажралишини айтишди. Улар кетишга чоғлангач:

– Келинлар, бир пиёла чой ичиб кетинлар, – дея Ҳазрат ака уларни чойга таклиф қилди.

Йигитлар қўлларини кўксиларига қўйишиб, узр сўрашди.

– Саксонни қаршилаётган онажоним сизларни таклиф қилаяпти. Мен сизлардан мурувват кутиб, айтаётганим йўқ. Ўзбекнинг хонадонига кирган киши албатта бир пиёла чой ичиб кетиши улуғ удумларимиздан ҳисобланади. Буни унутманг, – деди Ҳазрат ака.

Йигитлар ўз удумларини бузиб бўлса-да, бир пиёладан чой ичдилар. Шу ўринда, қалби ғуссага тўлиб турган бўлса-да, юзидан табассум уфуриб турган бу инсоннинг матонатига тан берган бўлсалар, ажабмас.

III

...Ҳаёт-мамот жангги давом этмоқда. Ўлжанинг таслим бўлмаётгани ўргимчакнинг жаҳлини баттар чиқараяпти. У ўлжаси атрофида айланиб, унга яқинлашиб, заҳрини сололмаётганидан афсус чекаяпти. Ўзининг ғўрлигидан алами кўзиётган асалари жон-жаҳди билан танасини чирмаб олган ипларни узишга ҳаракат қиларди. Ниҳоят, бир неча тола иплар узилди. Банди бўлган қаноти ёзилди. Ўзини бир оз эркин ҳис қилди, ором олди. Бироқ, ўргимчак янги режа асосида яна ҳужумга ўтди. Асалари икки қаноти, белу думларининг баравар ҳаракатга келтириши натижасида бўлса керак, ўргимчакнинг иплари дош беролмай узилаверди. Очкўзнинг тинкаси қуриди, дераза кўзининг узоқ бурчагига бориб, яна ўлжасини зимдан кузата бошлади. Фурсатдан фойдаланган банди икки оёғидаги ипларни узишга интилди. Афсуски, уринишлари зое кетди. Икки оёғидаги иплардан қутулишнинг иложи топилмади. Икки оёғида осилганича, муаллақ қолаверди...

“Чўкаётган хасга ёпишади”, дейдилар. Вақтнинг ҳар бир дақиқаси юракка ваҳм, илинж солади. Эшикнинг ногоҳ “тиқ” этгани, интиқлигу умидворлик билан киши нигоҳини тортади. Ҳозирча бирор томондан бирор-бир хабар, нажот йўқ. Москвадагилар “бу масалани Республиканинг ўзида ҳал қиламиз, кўмаклашамиз”, дейишганди. Қани ўша кўмак? Қайтанга вазият жиддийлашиб, у ёқдан-бу ёққа қимирлашнинг имкони қолмаяпти.

Чархпалакдаги кўзачалар сувни лик тўлдириб олса-да, ўз “адолат тарози”сидан четга чиқолмаяпти. Маълум мувозанатда кўзачалардаги ортиқча сув ўз ўзанига қайтаяпти, новга эса улардан бир текисда сув қуйиляпти.

Ҳаёт чархпалаги, уни айлантирувчи шахслар қўлида, кўзга кўринмас иплар билан шундай чамбарчас боғланганки, уни қаёққа бураса, шу ёққа айланаверади. Нодонни доно, донони хор айлайди. Айниқса, Гидлян ва Иванов сингарилардек марказдан фатво олиб, тизгинни қаттиқ ушлаган, инсонийлик, меҳр-мурувватдан узоқ турган кимсаларга адолат тарозиси топширилса-чи?

Топширилди ҳам. Улар тарозига “адолат” тошини эмас, “жиноят ва жазо” тошини қўйдилар. Бу юк шунчалик оғирки, уни одамлар гарданига юклайверса, охир-оқибат уларни беланги қилиши ҳеч гап эмас. Бундан зулмкорлар хузурланаверадилар.

Нега бундай бўлади? Бизнинг юртда ҳақиқат юзига тик қарайдиган инсонлар, ҳуқуқ ҳимоячилари йўқми? Бор, керагидан ҳам кўп. Лекин уларнинг кўплари тизгиндан чиқолмайди. Чиққанлари эса...

Бу ҳақда В. Илюхиннинг “Қабоҳат ёхуд...” китобида тўла маълумот берилган. Халқ тақдири, деб ўз тақдирини қурбон қилган, ҳалол, покиза йўл билан узоқ йиллар йиққан обрў-эътиборидан айрилган ва шу йўлда сўнгги дамгача курашган ҳуқуқ посбонлари бисёр. Лекин тоталитар тузум қонунлари мажмуаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, моддаю банду қисмларга бойки, “арбоб” унинг қайсисини истаса, ўшанисини қўллайверади.

Ниҳоят, Ҳазрат аканинг қалбида умид учкунлари, аллақандай бир илинж пайдо бўлди. Кўп йиллар одамлар орасида

ишлади, яшади. Қўлидан келган ёрдамини, яхшилигини аямади.

Бугун эса кўзлари жавдираб, ана шу одамлардан нажот тилаяпти. Балки ундан хатолик ўтгандир. Қилган хатоларининг ўрнини босадиган ишлар ҳам қилган-ку, ахир! Беайб парвардигор, дейдилар!

Шундай қилиб, суд мажлиси бошланди. Зал сув қуйгандек жим-жит, нигоҳлар бир нуқтага қадалган. Бу нигоҳларга кишининг дош бериши амримаҳол. Том-том битилган китоблар ҳам “айбдор” қаршисидаги стол устида қат-қат турибди. Кўзлар зимдан китобларга, “айбдор”га қадалади. Гувоҳлар, қораловчилар хизмат бурчларини ўтаб бўлдилар. Жиноят аниқ: ”Пахта сотиб олишда туманнинг биринчи раҳбари Ўриновга ҳамтовоқлик қилган, Наврўзовга пора берган ва ўзи ҳам пора олган”. Гувоҳларнинг бири дилидагини тилига чиқариб, виждонан гапирса, бошқаси юзингда кўзинг борми, демади. Балки у ҳам ҳақдир. Бу ёғи ҳакамга боғлиқ. Ҳозир ҳукм олдидан сўнги сўз берилади.

У залда ўтирганларга юзланди. Томоқ қириб олди. Лекин боқишлари тик, теран нигоҳлари залдаги нигоҳларга қадалди. Аммо, баъзи нигоҳлар пастга, баъзилари эса дераза томонга бурилди. Кўзларига тик боқадиган нигоҳларни тополмади у.

– Мен билан бирга судланаётган Раҳмат Ҳотамов, Умрзоқ Усмонов, Абдулла Содиқовларда ҳеч қандай айб йўқ! Мен юқорининг буйруғини бажардим. Буларга мен топшириқ берганман. Сиз, ҳамюртларимга, ҳакамларга қарата айтадиган сўнги сўзим – мен ҳеч қандай жиноятга қўл урган эмасман! Бу – ҳозирги давр ҳукумат раҳбариятининг юргизган сиёсатининг меваси. Бу сиёсатнинг қурбони бўлишни истамайман. Мен бугун бир ҳақиқатни англадим: ёшлигимдан сажда қилиб, бутун борлигимни тикиб келган жамият пуч экан. Менга қандай жазо берса берар. Лекин бир кун келиб, ҳақиқат юзага чиқади. Паймонам етиб, ўша кунларни кўролмасам, бу ҳақиқатни кейинги авлодлар барибир билиб олади. Бунга имоним комил!..

Ҳукм ўқилиши эртага қолдирилди. Ўйчан тарқалган одамлар судланаётган инсонлар тақдирига қанчалик ачинишмасин, қўлларидан ҳеч иш келмайди. Инсон тақдири инсон қўлида, ҳакам измида. Ҳакам эса қонун измида.

Тақдирдан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Яралганидан пешанасига “ёзиб” кўйилган...

...Тут дарахти тагидаги чорпояга Ҳайитгул ая беҳол келиб ўтирди, ёстиққа суянди. Кўйлаги этакларини йиғиштириб, енги билан юзини артганча елпинди. Яккаю ёлғиз ўғли эрталаб онаси билан хайрлашиб чиқиб кетганидан (суд ҳукми билан Ҳазрат Баҳронов 5 йилга озодликдан маҳрум этилди) буён унинг ороми йўқ. Тун-кун кўзда ёш, уйқу йўқолган, соғлигининг мазаси қочаяпти. Ишқилиб...

Невараси узатган бир пиёла чойни кўлига оларкан, кўзи пиёладаги шамага тушди-ю, пиёлага тикилганча қотди. Кўзида яна ёш томчилари пайдо бўлди. Илгарилари чойда шундай шама кўринса қувонарди. “Болам, қара, меҳмон келаяпти, меҳмон атою Худо!” дерди. Меҳмоннинг бўйбастини изоҳлаб берарди. Одамни биров сўраб келса, Худо сўради, деб мамнун бўларди. Кейинги йилларда келган “меҳмон”лардан шундай безиллаб, юраги зирқираб, жавдираб қарайдиган бўлди. Яқиндаям бир-иккитаси келиб-кетди. Ўшандан буён эшикдан биров бош суқмайди! Эҳ, қанийди, ҳозир ўзинг кириб кела қолсайдинг, болажоним!..”

– Болам, шу пойтахтга, судларнинг каттасига бир хат ёзсанг, шоядки, инсофга келишса. Қалам, дафтар ол. Айтганимни ёз! – деди она неварасига.

Она неварасига уқтираркан, хаёлан шу хат манзилига тезроқ етиб борди-ю, ўғли эшикдан кулиб кириб келди. Бўйларига гиргиттон бўлиб, бағрига босди. Ажин босган чехраси сал ёришиб, дарвоза томонга боқди. Сўнг яна ўйчан неварасини шошилтирди:

– Ёз, болам, ёз! Мен, “Зарафшон” жамоа хўжалигида кўп йиллар раислик қилиб, охир-оқибат 1986 йил 13 август кунини 5 йил озодликдан маҳрум қилинган Ҳазрат Баҳроновнинг онасиман. Она учун фарзандининг азият чекиб турганини кўриш қанчалар оғир эканини билсангиз эди... Айниқса, мендек оналарга... 12 фарзанд кўриб, шунинг ўнтасини ерга бердим. Бир қиз, бир ўғилга эга бўлиб қолдим, холос. Энди тириклигимда шуларнинг азобини кўрмай. Ўғлим жиноятчи бўлса эди, мен сизга ялинмасдим. Мен унинг қандайлигини биламан, барча оғир кунларни бирга кўрдик. Болам барчасига чидади, қаноат қилди. Бугунги кунда эса...

Ҳайитгул ая юрагида зардоб бўлиб турган гапларни йиглаб-сиқтаб, тўкиб солди. Муҳаббат хатни буклаб хатжилдга жойлади-да, юзига “Тошкент. Ўзбекистон Олий судининг раиси О.Йигиталиев”га, деб ёзиб қўйди. Эртасига онаси билан Тошкентга жўнади. Улар нажот излаб Республика ҳукумати раҳбарларига мурожаат этишди. Лекин барча илтижолари дарёга ташланган тошдек изсиз кетди...

1986 йил 20 ноябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий суди жиноий ишлар судлов коллегияси ажримига кўра, Ҳазрат Бахроновга қўйилган айблар ўзгаришсиз қолдирилди. Унда Бахронов Навбахор туманидаги “Зарафшон” жамоа хўжалиги раиси лавозимида ишлаб, 1981 йил пахта мавсумида туман парткўмининг биринчи котиби Ўринов, Навоий пахта тозалаш заводининг директори Наврўзов бошчилигидаги жиноий гуруҳга кириб, бош бухгалтер Ҳотамов Р. кассир Содиқов А. иқтисодчи Усмонов У. ва бошқа шахслар билан жиноий тил бириктириб, 1981 йилда “Зарафшон” жамоа хўжалигида “Янги қўрғон” пахта пункти орқали 576 тоннаю 380 килограмм пахтани кўшиб ёздириб, шу топширилмаган пахта эвазига Навоий пахта тозалаш заводи жорий счётидан “Зарафшон” жамоа хўжалиги жорий счётига 254188 сўм қонунсиз маблағ ўтказилишига сабаб бўлганликда, кўшиб ёзилган пахта учун жамоа хўжалик пахта заводи ходимларига пора сифатида пул берганликда айбланади. Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ!

Нажот эшиклари таққа-тақ ёпиқ.

“Қўлингни орқага қил. Кўп анқайма, дадилроқ бўл! Еяётганда охирини ўйлаб есанг бўларди...” Суд ҳукмидан кейинги эшитган, сўнг яна эшитган энг “яхши” гаплар, энг “яхши” муомалалар ана шулар. Айниқса, фарзанди тенгилардан бу гапларни эшитиш суяк-суягидан ўтиб кетди. Бардош қилиш керак. Бошқа илож йўқ. Ҳали олдинда узун зулматли йўл турибди. Бу йўлнинг қанчадан-қанча ўйдум-чуқурлари, бурилишлари бор. Барчасига чидаши, охиригача бориши шарт. Боролмаса... Йўқ, ҳеч қачон... Армон билан кетишга ҳаққи йўқ!

— Ҳа, нега тўхтаб қолдинг? — Каттақўрғон қамоқхонасидаги ўша биринчи кўрган темир эшикларга кўзи тушиб, сесканганча бир зум туриб қолганини сезмай қолди у.

Қоровулнинг пўписасидан ён-атрофига қаради-да, “кўргилингинг шу экан-да”, дея ичкарига қадам ташлади.

“Ниҳоят, мана жойингга келдинг, оғайниларинг билан отамлашиб ётавер”, дея бир эшикни очиб, ичкарига итариб юборишди. Ҳазрат ака кимдир кўрсатган ўринга бориб ўтирдую, бошини кафтлари орасига олди, бармоқлари титраб бошини қисди, юрагини алам кемирарди. “Наҳотки барча-барчаси тугади. Эл нафратига учрадим. Йўқ-йўқ, нафратга учрайдиган нима иш қилдим?..”

...Уруш. Бу балойи азим Ҳазрат ва у тенги болаларнинг ўйинқароқ даврини азоб-уқубатли, турмуш қийинчиликларига кўмиб ташлади. Далада ҳам, рўзғорда ҳам бажариладиган барча ишлар аёллар ва болалар зиммасида эди ўшанда. Бир кеча-кундузда бор-йўғи озгина ором олинарди, холос. Ер ҳайдаш, экин экиш, ғўза парвариши, буғдой ўриш ва йиғиштиришу янчиш, ипак қурти боқиш, хуллас, бажариладиган ишларнинг санаб адоғига етмайсан. Назорат эса жуда қаттиқ. Белгиланган иш вақтидан бир дақиқа кечиксанг, тамом, эшитган гапинг-ку садқаисар, кунлик нон нормасидан ҳам маҳрум бўласан. Дарвоқе, шу йилларда қишлоқда жамоа хўжалигининг новвойхонаси бўларди. Шу ерда нон ёпилиб, қўшвонларга кунига битта кулча, қолганларга ишига қараб яримтадан бериларди. Ана шу насибадан айрилиш... Йўқ, Худо кўрсатмасин, бунини...

Декабрнинг изғирин кунлари. Далалар қирриққина қор билан қопланган. Бу қор кучли совуқ туфайли яхлаб, ғўзапоялар танасию кўсакларга шундай мустақкам ўрнашиб олганки, уни силкиган билан тушмайди. Ғўзапояга беш-олти марта бориб келгач, қўл музга айланиб, бармоқлар ҳеч нарсани сезмай қолади. Беихтиёр, қўллар уф-уфлаб иссиқ нафасга тугилади. Жовдираб, атрофга қарайсан. Бу азоб барчанинг бошида бор. Тепангда “ҳабўл”, дея мирғазаб турибди. Сал қад ростласанг, ҳақорат эшитасан, ҳатто қамчи ейиш ҳеч гап эмас.

Минг азоб-уқубат билан терган кўракни чувиш керак. Намозшомдан ярим кечгача бир қанор ё кўпроқ — қанча улуш тегса, шуни бажариш керак. Оналарга ёрдам берасан. Аслида, ёрдам тугул ишбошилар ҳали ёш бола, деб қараб туришмайди. “Ие, кап-катта йигит-ку, у ҳам ғалабага ҳисса

қўшиши керак-да”, дея унинг улушини ҳам ташлашади. Хайриятки, ана шундай узун кечаларда одамлар дилига таскин берувчи инсонлар бор экан. Шундай кишилардан бири мулла Абдурахим поччаси эди. У “Бобо Равшан”, “Гўрўғли” дostonларидан айтиб, “бу кунлар ўткинчи, яхши кунлар олдинда”, дея одамларнинг юракларига далда берарди. Ана шу узун кечаларда поччаси айтган дostonлар ёш Ҳазратнинг қалбидан чуқур жой олди. У мактабга қатнаб (ўн ёшида биринчи синфга борган эди) саводи чиққанда, биринчи марта “Рустамхон” дostonини ҳижжалаб ўқиб чиқди ва бу дostonни кейинчалик деярли ёд олди. Хуллас, шу кўйи Ҳазрат ўқишга муккасидан кетди. Лекин мактабга бориб-келиш билан бирга даладаги нормасини бажаришга ҳам улгурарди.

Ҳазрат Бахронов бир дақиқа вақт топди, дегунча китоб ўқишга тутинарди. Қўш қўшиб ер ҳайдаётганда ҳам, ғўза қатор ораларини от билан культивация қилаётганида ҳам, буғдой янчганда ҳам қўлидан китобни қўймади. Хаёлида эса ўқиб чиққан китоб бетларини қайта-қайта такрорларди. Ундаги билимга чанқоқликни отаси сезар, баъзида ўғли китобни бошининг остига қўйиб ухлаб қолган кезларида унга термилиб, хурсандлигидан кўзларидан ёш оқарди. “Якка-ю ёлғизим... Ишқилиб пешанангни Худо ярлақанган бўлсин, болам!”, дерди лаблари пичирлаб. Ҳазратдаги интилишни кўплаб қишлоқдошлари ҳам биларди.

Шуниси қувонарлики, мумтоз шоирларнинг китоблари унга доимий йўлдош бўлиб қолди. Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий, Саъдий ва Фирдавсий, Умар Хайём ва Бобораҳим Машраб асарлари унинг ҳақиқий дўстига айланди... Шунингдек, замондош шоир-ёзувчилар асарларини ҳам севиб ўқиди, ўзи ҳам шу йўлдан боришни истаган эди. Лекин инсон пешанасидаги ўша тақдири азал муҳр этган битикдан қочиб қутулолмаскан. У ўзи учун очилган ҳаёт эшикларига қадам қўяркан, қишлоқ хўжалиги ходими аталмиш касб уни қарши олди. Бунга норози бўлмади-ю, бироқ қалбининг тубидаги адабиётчи бўлишга интилишдай орзу-ният унга сира тинчлик бермасди. Бу илинж уни бир умр адабиёт ихлосманди бўлиб қолишига олиб келди.

Самарқандда ўқиб юрган кезларида, уни бир киши йўқлаб борди. Ҳазрат у билан самимий суҳбатлашди.

— Ўғлим, мен қишлоқданман. Тўғри, сен ҳам, мен ҳам бир-биримизни яхши танимаймиз. Мен жамоа хўжалиги раиси Бозоров бўламан. Сен ҳақингда кўп эшитдим ва бугун йўлим тушганди, бир кўриб ўтай дедим, — деди меҳмон суҳбат асносида. Ҳазратда у одам самимийлиги, сермулоҳазалиги билан катта таассурот қолдирди. Бозоров ўрнидан тураркан, чўнтагини ковлаб 20 сўм пул чиқарди.

— Ҳазратжон, энди айбга буюрмайсан, қўлимни қайтармайсан. Сенга қўлимдан келган ёрдамим шу, — дея пулни узатди-да: — Сендан умидимиз катта. Энди одамларни мажбурлаб ишлатадиган замонлар ўтаяпти. Буёғи қишлоқ хўжалигини илмий асосда ривожлантириш сендек кадрларга боғлиқ, — дея қўшиб қўйди.

Ҳазрат меҳмонни кузатиб, кафтлари орасига қисимлаб турган пулга ўйчан тикилди. У умрида биринчи марта дилкаш суҳбат таъсирига тушиб, илк бор бегона кишидан мурувват кўриб турибди. Уни тўлқинлантирган нарса 20 сўм пул эмас, одамийликнинг кўзга кўринмас ришталари эди. Пулга зориқиб қолса, дарсдан бўш пайтлари икки-уч ўртоғи билан темирйўл бекатига бориб, вагонлардан юк тушириш, ортиш каби юмушларни бажариб, тирикчилигини ўтказиб турганди. Яхшилик — яхши киши фазилати бўлиб, инсон қалбини орзуларга тўлдириб, келажакка комил ишонч билан боқиш туйғуларини жунбушга келтира олганда, унга тўғри йўлни кўрсата билгандагина, инсон бу буюк сўзга мушарраф бўла олади. Раис ана шундай кишилар тимсоли сифатида Ҳазратнинг шуурида бир умрга муҳрланиб қолди.

У ўқишни битириб қайтгач, ўзи туғилиб ўсган жамоа хўжалигида бош агроном бўлиб иш бошлади. Уруш тугаганига ўн тўрт йил бўлган, лекин қишлоқ хўжалигида аҳвол ўзгарган эмас эди. Майдонларда ҳосилдорлик паст. Одамлар меҳнат кунига ғалла оларди. Жамоа хўжалигининг иқтисоди эндигина оёқ босиб, шаклланаётган эди. Хуллас, ёш агрономнинг олдида жуда кўп ишлар турарди.

У дастлаб майдонлардаги шўрни ювиш кераклигини деҳқонларга тушунтирди. Унинг маслаҳати бўйича бир йилдан

сўнг зовур қазииш ишларига киришилди. У ҳар бир сувчи, механизатор ва жамоа хўжалигининг ишини ўз назоратига олди. Уларга йўл қўйган нуқсонларини атрофлича тушунтирар, бу нуқсонларни баргараф этиш чораларини кўрсатарди. Бу ишлари билан одамлар қалбига илиқлик киритиб, меҳнатга муҳаббат туйғуларини сингдирарди. Илгариги ҳосилотлар иш услубидан юраклари зада бўлган деҳқонлар қалбида Ҳазратга нисбатан ишонч уйғона бошлади. “Асли, бўладиган бола эди”, дея уни алқашарди.

Олтмишинчи йиллар бошида иккита жамоа хўжалигининг бирлашуви натижасида Навоий номли жамоа хўжалиги вужудга келди. Бу жамоа хўжалигига учинчи раис бўлиб Ҳазрат Баҳронов сайланди. Ёш раис хўжалик иқтисодини тиклашга астойдил киришди. Қиш ойлари уйида камдан-кам бўларди. Онаизори: “Болам, аҳволингга қара, ишлаётган бир сенми? Ўн кундан бери йўлингга кўзим тўрт”, деб зорланарди. Шунда “Эҳ, онажон, ишлаш керак, ҳали кўп иш қилиш керак. Қиш кунлари бу шўртоқдан қандай қилиб келиб-кетаман, онажон. Мендан кўпам хавотир олманг”, деб юпатарди. Аслида ҳам қишда жамоа хўжалиги ҳудудида юришининг сира иложи йўқ. У “ДТ-54” дизель тракторида жамоа хўжалиги фермаси ва далаларни зўрға айланиб чиқарди. Тош йўл, асфальт йўллар ҳали хаёл эди.

1964 йилда эски жамоа хўжалиги ҳудуди ва ҳозирги “Ҳазора” жамоа хўжалигига қарашли Дулдул қишлоғи бирлаштирилиб, “Зарафшон” жамоа хўжалиги ташкил этилди.

Жамоа хўжалигига биринчи раис бўлган Ҳазрат Баҳронов олдида катта ташкилий, иқтисодий-маданий ишлар кўндаланг турарди. Қишлоқ хонадонлари, турар-жойлари ўзига яраша. Бирорга ҳам кўзга кўринарли бино йўқ. Ҳатто мактаблар эски, қулай деб турган биноларда жойлашган. Барча-барчасини янгилаш, янгидан қишлоқ барпо қилишдек улкан юмушлар қалашиб ётарди. Бу юмушларни бажариш учун эса, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш, ишни тадбиркорлар қўлига топшириш зарур эди. Аниқ тадбирлар асосидагина иш ўрнидан жилди. Раис ҳар бир хонадонга ташриф буюриб, тўй-маъракаларда бел боғлаб турди, ёрдамини аямади. Иложи борича яхшилик қилишга интилди.

Қайси хонадонга қадам қўймасин, фақат хурсандчилик олиб кирди. Давраларда раис бўлиб эмас, адабиёт ихлосманди сифатида қатнашди. Тўйларда раисга сўз беришса, одамлар хурсандчилик билан қаршиларди. Улуғ ижодкорларнинг шеър устозлари, ҳикояларини шундай мароқ билан айтишдики, беихтиёр диллар унга ром бўларди. Айниқса, “Навоий ва Гули” манологини олқиш билан қаршилашарди. Бу монологларни ёдламаган киши қолмаган, деса муболаға бўлмайди.

Дилим равшанлигин ҳиссим йўлида афтоб айлаб,
Мозоринг бошида турмакдамен сарҳисоб айлаб,
Қулоғинг сўз эшитмас бўлса ҳам қалбдан хитоб айлаб,
Ватандошлар саломин неча жилдлик китоб айлаб,
Навоий деб мусаллога келибмен интиқоб айлаб...

Фафур Фуломнинг “Навоий қабри устида” шеъри ёруғлик кўрган заҳоти Ҳазрат Бахронов оғзида қишлоқдошлари даврасида янгради. Тилдан тилга кўчди. Ҳатто Уйғун, Фафур Фулом, Акмал Пўлат, Иброҳим Раҳим каби ижодкорлар ҳам Ҳазрат Бахроновга қойил қолишганди. Ўшанда бу ижодкорлар туманга ташриф буюргандилар. Учрашувда раисга сўз берилди. Сўз давомида файласуф шоирлар ижодидан намуналар келтириб, нутқини юқорида номи тилга олинган ашъор билан якунлади. Ҳар бир сўзни ўз ўрнига қўйиб, оҳангини келтириб, шундай маҳорат билан талқин этдики, давранинг кўзга кўринган ижодкорлари уни самимий олқишладилар. Уйғун:

– Мана шундай узоқ ўлкада ҳам Ҳазратдек адабиётимиз шайдолари бор экан. Бу биз учун катта бахтдир, – деган эди.

...1969 йилнинг қаҳратон қиши. Озуқа ортилган машиналар чўлга қараб йўлга тушди. Тош йўл тугаб, чўлга – қор барханларига етгач, ҳозирги “Наврўз” жамоа хўжалиги худудида машиналар тўхтади. Бу ёғига дизель трактори йўл очиб бориши лозим эди. Негадир у белгиланган жойда йўқ. Ҳали олдинда саккиз чақиримли масофа бор.

Нима қилиш керак? У ерга фақат яёв бориш мумкин, холос. Раис ҳайдовчиларга шу жойдан жилмасликни тайинлаб, ўзи марказий кўрага қараб кетди. Олдинга қараб юриш жуда машаққат. Аксига олиб, изгирин шамол олдиндан эсади ва

чийиллаб қор учқунларини юзга келтириб уради, ҳатто нафас олишга қўймайди. Қор тиззага чиққан. У қор теп-текис қилиб кетган чуқурларга кириб кетар, чўккалаб қолар ва яна туриб олдинга интиларди. Қўлини кўзига соябон қилиб, қордан ҳимоя қилмоқчи бўлар, лекин бу юришга имкон бермасди. Қўлини туширса, кўзини очолмасди. Қор заррачалари пальтосининг ёқаси-ю телпагининг қулоқчинлари орасига уриларди. Оғзидан чиқаётган пар телпагининг пешана қисмида, қулоқ атрофларида яхлаб қоларди. Лекин бу пайтда унинг фикру хаёлида тезроқ манзилга етиш, озуқани ташиб, қўйларни сақлаб қолиш эди.

– Киринг, сиз дам олиб исининг, ўзимиз бориб келамиз, – дейишди кўрадагилар оғзидан пар чиқиб турган раисга қараб.

– Тез бўлинг, тракторни ёқинг! Ўзим бораман, – дея шарт қўйди раис. Кейин тракторчига қўшилиб юрди.

Минг азоб билан машиналар марказий кўрага келди. Иккинчи отарга иккита дизель трактори бир машина ем тортиб, баландликдан ошиб ўтолмади. Битта йўли, емни ағдариб, қопларда ташиш. Начора, шундай қилинди. Чамаси 500 метр жойгача қорга ботиб ем ташилди. Энг ёмони, шу масофанинг ярми тик баландликдан иборат. Бу ердаги матонатни, ҳамжиҳатликни, чекилган заҳматни таърифлашга сўз йўқ эди. Жаҳон Тошев, Рамазон Сулаймонов, Мадат Ҳасанов, Қўлдош Яндашов, Аҳмад Ризаев сингари ҳайдовчилар, чўпонлар ва Карим бобо Муродов (ферма мудири), Барот Қурбонов, Баҳром Қурбонов, Ҳамро Рафиқов, Зиёдин Ҳамроев, Исоқ Каримов, Шариф Сафаров, Тойир Аҳматов, Ҳазрат Адизов, Тойир Зокиров, Баҳром Умаров каби тракторчи, чорва жонкуярларининг фидойилигини унутиб бўладими?! Уларнинг кўпчилигидан ёрқин из қолди, бу дунёда. Шундай қайноқ меҳнат туфайли ҳолдан тойган дамлардан бирида ноҳосдан қўйилган нотўғри қадами туфайли тош кўчиши оқибатида раис 50 метр чамаси пастга думалаб кетди. Оғиз-бурунлари қорга тўлиб, нафас ололмай қолди. Фақат кўрсатилган тез ёрдам туфайли унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Лекин соғлигига путур етди.

...Темирийўлдан кетаверишдаги шўр билан қопланган майдон тўғрисида келгач, “Волга” машинаси таққа тўхтади.

Унинг кабинасидан уч киши тушди. Олдиндаги киши Бухоро вилоятининг биринчи раҳбари Қаюм Муртозаев эди. У:

– Бу одамлар нима қилишяпти? – деди раисга шўрхок ерни чел олиб, паст жойларига кетмон билан тупроқ тортаётган одамларни кўрсатиб.

– Қаюм ака, шу ердан янги қишлоқ қурмоқчимиз.

– Ҳазрат, одамларни овора қилиб, уларнинг меҳнатини куйдириб қўйма! Ахир, бу ерни кўриб турибсан-ку! – дея шўрланган майдонга ишора қилди, саркотиб.

– Шўр бўлса-да, тупроқ сатҳи қалин, ювилса яхши бўлиб кетади. Обод жой бўлади бу ерлар, Қаюм ака, – деди Ҳазрат Бахронов ишонч билан. Тўртта ёмғир ёғса, бирор жонзот юриши амри маҳол бўлган бу ерларда иморат тикланишига биринчи котиб ишонқирамади.

– Кўрамиз, агар шундай бўлса, бу ерга Ҳазратобод деб ном қўямиз, – дея ҳазиллашиб қўйди Муртозаев. Дарҳақиқат, орадан бир қанча вақт ўтгач, Қаюм Муртозаев бу ердан ўтганда ҳовлилар қурилиб, одамлар яшаётганини, довдарахтлар кўкарганини кўриб, раисга алоҳида “раҳмат” айтишни унутмади.

Хўжалик йил сайин обод бўла бошлади. Марказий йўлнинг қурилиши, клубнинг ишга туширилиши, меҳмонхона, радиолаштириш, электрлаштириш, телефонлаштириш катта воқеа бўлди.

Саккизта бригадада дала шийпони, молхона, ёпиқ автопарк, мактабларда қўшимча синфхоналари қурилди. Иккита замонавий мактаб биноси қуришга киришилди. 400 гектар янги ер ўзлаштирилди, янги боғ-роғлар барпо этилди. “Янгиобод” қишлоғи бунёд этилди, кооператив уйлар қад ростлади. Кўплаб хўжалик аъзолари уй-жойларини қайтадан қурдилар, қишлоқ аниқ режа асосида тикланган уй-жойлар билан кенгайди. Аҳолининг соғлигини кўзлаб, хўжалик ҳудудида амбулатория, фельдшер-акушерлик пунктлари қурилди. Керакли жиҳозлар билан таъминланди. Деҳқончиликни, жумладан, пахтачиликни ривожлантиришда Хайрулло Қосимов, Аслон Фозилов, Бобокул Умаров, Сирож Бобоқулов, Қудрат Намозов, Сафо Очилов, Тўхта Бўронов, Умар Аҳмедов, Рўзимурод Файзиев, Иброҳим Олимов, Аҳмад Ҳайдаров, Обло Орипов сингари деҳқонлар фидокорона меҳнат қилишди. Хуллас, амалга оширилган

ишларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Уларни бажариш учун кимларни “ака”, кимларни “ука” деб, қўлини кўксига қўйиб, илтимослар қилди, елди-югурди, изланди. Мақсад — шу юртни обод қилиш, халқига, келгуси авлодга яхши яшаш имконини яратиш эди. Қўлидан келганини қилди. Хизматидан нолимайди, қайтанга фахрланади.

“Иш бор жойда камчилик бор”, дейдилар. Камчилик бор экан, деб қараб турмади, ҳақ-ҳуқуқи учун курашди. Ҳатто, “пахта сотиб оласан”, деб тонггача қилинган ҳақоратларга чидади. Шахсан Ўриновга “бу ишингиз мутлақо ҳақиқатга зид”, деб очиқ-ойдин айтди. Котиб мийиғида кулиб қўя-қолди. Хўжалик фаоллари йиғилишида вилоятнинг биринчи котибига хат тайёрлаб, етказишга келишилган куннинг эртасига Ўринов кабинетига чақиртирди. Котиб: “Хатни бу ёққа бер!”, деб Ҳазрат Баҳроновга дағдаға қилганда ҳам у “мум тишлаб” ўтирмади.

— Қаерга ёзсанг, менга келади. Овора бўлма, планни бажар, бўлмаса...

Ана шу “бўлмаса” ижобат бўлди. Иш билмасликда айбланди, ўрнини бўшатди. Унинг ўрнини эгаллаган Хўжам Бобоқулов ҳам кўпга бормади, гирдобга тушди.

Ҳазрат Баҳроновнинг ўзини ҳам гирдоб комига тортди. Ўринов, Наврўзовлар иши билан чамбарчас боғланди. Пора берганликда айбланди. Лекин барча сўроқ ва қийноқларда, Наврўзовга — пахта заводига пул берилганини, эвазига пахта сотиб олинганини ва унинг пули жамоа хўжалигига тўланганини айтди, айтаверди. Терговчилар ҳам сўзида тураверди. У эса ҳақиқат борлигига ишонди, таассуфки, “пахта иши” гирдоби манман деганларни, ҳатто, катта-катта раҳбарларни ўраб-чирмаб комига торта бошлагач, умидлари чилпарчин бўлди. Мана, келиб турган жойи.

IV

...Қандай бўлмасин қутулиш керак! Асалари қанотларини пирпиратиб, парвоз қилмоқчи бўлди. “Занжирбанд” икки оёғи бунга йўл қўймади. Рақиб навбатдаги ҳамлага шайланиб, яқинлашган сари у жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Қутулишга озгина қолган, қанотлари, танаси бўш, курашиш керак. Асалари энди жон ҳолатда “тиш”лари билан ипни қирқишга

уринди. Кошки қирқа олса, ўргимчакка қарши ҳужумга ўтиб, уни ўзига яқинлаштирамасликка уринди. Муаллақ ҳолича тани оғриси-да, айланаверди. Э, воҳ, кураш қурбонсиз бўлмас. Олишув унга қимматга тушди. Икки оёғидан ажралди. Жон талвасасида ўзини деразанинг пастки, очиқ ойнасидан ташқарига урди. Супа четида ўсиб турган супурги танасига қўнди, қўнди эмас, мажолсиз йиқилди. Ўргимчак шиддат билан тўрда илиниб қолган оёқчалар атрофида айланди-да, очкўзлик билан уни сўра бошлади. У ўлжадан қолган этга ёпишарди. Буткул танани ғажиб ташлашга важоҳати бор эди-ку, афсус, урдасидан чиқолмади...

Асалари ўзини ўнглаб олмоқчи бўлди. Жароҳат энди битармикан, ўша ҳалол меҳнату осуда ҳаёт измидаги шодумон кунлари қайтармикан? У анча уринишлардан сўнг супурги танасига қулайроқ жойлашиб олди ва ниҳоят, куч-қувватини қанотларига тўплаб, уяси томон парвоз қилди...

“Сув, сув”, дея онаизор атрофидагиларга талпинди, лекин ҳеч ким қиё боқмади. “Сув беринглар, сув, томоғим қақраб кетаяпти. Сув, сув!..” Она мажолсиз бошини ёстиққа қўйди. Ўғил онасига сув берай, деб шунча интилди-ю, сувни узата олмади. Онасининг аҳволини кўриб, фарёд қиларди-ю, ёрдам беролмасди. “Онажон, мана сув, ичинг!”

Ҳазрат ака уйғониб кетди. Ҳаяжондан юрагининг дук-дук уриши эшитиларди. Томирларида қон ҳаракати яққол сезиларди. Тани жиққа терга ботган. Шу алфозда ўтираркан, кўз ўнгида онасининг ҳозиргина тушида кўрган ҳолати гавдаланди. Юраги изтиробу аламларга тўлиб кетди.

Хуллас, кун бўйи “нима қилиш керак?” деган ўй унга тинчлик бермади. Ҳали “волна”га чиқиб, Қоровулбозорга келганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Кўмир омборига қоровуллик қилади. Ҳар куни 5–10 марта унинг “ҳолидан” хабар олиб туришади. Қоидани бузса, яна лагерга, яна азоб-уқубатларга тўла, инсон қадр-қиммати бир пул бўлган ахлоқ тузатишдек “жаннатмакон” масканга жўнатишади. Бироқ она ҳолидан бир зум бўлса-да, хабар олиш, нигоҳига термилиб, меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлиш унга тинчлик бермай қўйганди. “Бечора онагинам!” — ички бир дард билан ўйларди. Аслида, она чиндан бечора эди. Икки марталаб келини ва невараси Муҳаббатни Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари,

Ўзбекистон Олий суди раиси қабулига юбориб, умид қилганди, умидлари эса саробга айланди.

Ҳазрат ака ўйлай-ўйлай, ниҳоят, шундай қарорга келди. “Барибир бораман, онамни кўриб келаман”.

Бу ерда Бухоро шахридан келиб ишлайдиган ҳайдовчи билан танишди. Ундан куёвини айтиб юборишни илтимос қилди. Куёви машинаси билан кечқурун етиб келди. У билан йўлга тушди. Умрида биринчи бор виждонига қарши иш тутди. Шунча йил ишлабдики, бирор марта берилган топшириққа масъулиятсиз қарамаган. Бугун унинг қалби шунга мажбур этди. Икки ўт орасида қолган. Бир томонда онаизорининг меҳри чорласа, иккинчи ёқда жаҳаннам гулхани. Бир кориҳол бўлса, бу “гулхан” яна ўз домига тортиши шак-шубҳасиз.

...Йиллар бўйи тунларни бедор ўтказётган онаизор бошини мажолсиз кўтарди. Хира ёритилган уйда она кўзларида ёш кўринди. Турмоқчи бўлиб ҳаракат қилди, лекин мажоли етмади.

– Келдингми, болам?!

Ҳазрат ака чўккалаб, онасига бош эгаркан, она мажолсиз кўллари билан унинг бошини силади, пешанасидан ўпди. Ҳазрат ака онасига “сизни кўриб кетгани келдим, онажон”, дея вазиятни тушунтирди.

– Болам, тезроқ бор, яна...

– Эҳ, онажон, яна шунча йил азоб берсалар-да, шунча йил банди қилсалар-да, сизнинг дийдорингизни...

Ҳазрат ака кўз ёши бўғзига тиқилган кўйи шундай дея олди, холос.

– Болам, дийдорингни кўриш насиб этди, Худога минг қатла шукур, энди бор, болам!

Она бу гапларни айтишга айтди-ю, лекин кўлини ўғлининг елкасидан олгиси, уни қўйиб юборгиси келмасди сира. Она сўнгги бор фарзанд меҳрини қониб симираётганини бу тобда Ҳазрат ака қаёқдан билсин! Онанинг меҳр тўла кўзларига соғиниб тикилиши, юз-қўлларини силаши унга қайтиб насиб этмаслиги фақат Парвардигорга аён эди, холос...

Орадан ҳеч вақт ўтмай қайғули хабар келди. Бу ҳаёт зарбаси унинг қалбини шу қадар ларзага солдики...

Инсонпарварликни унутган мутасаддилардан онани сўнгги йўлга кузатиш учун рухсат олгунча, ғам-андуҳларга тўлиб-

тошиб турган юраги пора бўлди. Ялиниб-ёлворишлар, ўртага одам қўйишлар натижасида катталарнинг юраги “юмшади”, Ҳазрат акага икки кунга қоровул ҳамроҳлигида жавоб беришди.

Қишлоқнинг катта-кичиги, қариндош-уруғлар тўпланишиб, ўғилнинг келишини интиқлик билан кутиб туришарди. Ҳазрат ака эшикдан “онажон”лаб кирди-ю, маййит қўйилган хона томонга бурилди. У онанинг жонсиз жасадига тикиларкан, ўзини тутолмас, томоғига бир нима тиқилди, кўзидан шашқатор ёш оқди.

– Онажон! Мени шунинг учун катта қилувдингизми, сизга суянчиқ бўлолмадим. Бир умр оғир меҳнатда умрингиз ўтди. Кексалигингизда ҳам мадад беролмадим... Сиз интиқ бўлиб турган пайтингизда оғзингизга бир томчи сув томиза олмаган ўғлингизни кечиринг! Мен...

Унинг бардоши етмади. Кимлардир суяди, мадакдор бўлди. Бу алам, бу армон унинг юрагига бир умр муҳрланиб қолди...

...Ниҳоят, озодлик! Тўрт йилдан сўнг озодлик насиб этди.

Ўзбекистон Олий судининг 1991 йил 23 январдаги қарори билан Ҳазрат Бахронов шаъни тикланди, унга етказилган зарар ва ҳуқуқлари қайтарилди. Лекин қалбга муҳр этилган жароҳат битармикан? Қўлига озодлик ёрлиғини оларкан, севинч ўрнига қалб жароҳати унга янада азоб берди. Тўғри, бир лаҳза қалбига чироқ ёнгандек бўлдию, яна зулматга чўкди. Бу зулматни озодлик тўни “ўраб-чирмаб” қалбининг энг чуқур тубига улоқтирди.

“Жиноят иши йўқлигини” ўша даврда ҳам билишарди-ку? Хайриятки, давр ўзгарди, мамлакатимизда мустақиллик шабадаси эса бошлади, инсонпарвар қонунлар муомалага кирди. Адолат қарор топди. Энг муҳими, халқ бахтига мамлакатимизга халқпарвар раҳбар келди...

Ҳазрат ака ўз тақдирига, қатағонга учраган ўзгалар тақдирига разм соларкан, ана шундай фикрларни хаёлидан кечирди.

Оилада ҳамма жамулжам. Муҳаббат, Саодат, Сабоҳат, Умар, Ҳамид, Шарофат, Назокат, куёвлари, келинлари — Ҳазрат ака ва Тошбиби аялар улар қуршовида. Қабоҳатли кунлар ортда қолди. Жароҳат танани зирқиратиб турса-да, фарзандлар даврасида меҳр-муҳаббатга, иззат-эҳтиромга сазовор бўлиб тургани унинг қалбини тоғдек кўтариб юборган эди. Ҳазрат ака бугун оила даврасида ҳар доимгидай поклик, яхшилик,

инсонпарварлик тўғрисида ривоятлар, рубоийлар айтяпти.
Ватан, оиланг тинч бўлса, бундан буюк бахт борми, бу оламда?
— Азизларим! — деди Ҳазрат ака атрофини ўраб ўтирган
оила аъзоларига. — Шоир айтганидек:

Даврон мени ўткарди сару сомондин,
Айирди бир йўла хонумондин.
Гоҳ бошимга тожу, гоҳ балойи таъна,
Неларки, бошимга келмади даврондин.

Лекин мен қабоҳатга бўйин эгмадим. Муҳими шу!

1994 йил.

УСТОЗ ЁДИ

Вилоят матбуоти ривожига муносиб ҳисса қўшган, Кармана журналистика мактабига асос солган, Республикада хизмат курсатган журналист, устоз Қосим Ҳасанов ҳаёти ва фаолиятига бир назар.

ИРОДА

“Ҳар хил ямоқли бўлган кийимингизни кийганингиз бировдан омонатга кийим олиб кийинганингиздан яхшироқ”.

(Ҳадисдан)

Чинор... Азим дарахт. Унинг таналари қанчалик тарвақайлаб ўсса, илдизи шунчалик ерга мустаҳкам ўрнашади. Довул, бўронлар каби табиатнинг ҳар қандай хуружи унга писанд эмас. У барчасига бардош беради, асрлар юкини елкасига ортиб мағрур яшайди. Инсонга тилак билдирилганда бежиз чинор умрини тилашмайди...

* * *

Қосим ака бугун ҳам ҳар кунгидек эртарақ келиб, ишга шўнғиди. Ҳужжатларни кўздан кечирди, нималарнидир хомчўт қилиб, ҳисоблаб кўрди. Сўнг вилоят ҳокимлигига қўнғироқ қилиб, зарур масалани ҳал қилиш борасида фикрлашиб

олишти. Иш кўп. Вилоятнинг тугатилиши оқибатида вилоят матбааси ночор аҳволга тушиб қолган. Эҳ, уни йўлга қўйишга илгари озмунча меҳнат қилганмиди?

Биргина нотўғри қадам туфайли вилоят аҳли озмунча ташвиш чекмади. Хайриятки, халқ хоҳиш-истаги инобатга олиниб, вилоят қайта тикланди. Энди ишни қайта бошлаш лозим.

Қанчадан-қанча муоммалар кўндаланг. Босмаҳоналарнинг баъзиларида ҳарфлар етишмайди, эскирган, линотип матрицалари кам, босма машиналари ҳам ўзига яраша. Эҳтиёт қисмлар йўқ. Оддийгина бўёқнинг ўзи нима? Шу ҳам тақчил. Лекин шусиз ҳам иш юрмайди-да. Конимех, Хатирчи туманлари босмаҳоналарининг ишини тубдан янгилаш даркор. Маблағ керак. Нарх-навонинг кўтарилиши ишни янада қийинлаштирди. Бир томонда босмаҳона ишчиларининг ижтимоий аҳволини янада яхшилаш чора-тадбирларини тезроқ ҳал қилиш зарур. Хуллас, иш кўп, ташвиш кўп. Барчасига улгуриш, ҳал қилиш керак.

Эрталабки ишлар бир оз санжоб бўлди, шекилли, Қосим ака стул суянчиғига суянди. Сўнг ҳозиргина дамлаб келинган чойдан пиёлага қўйди. Чўнтагидан дастрўмолчасини чиқариб кўзойнагини артаркан, бир зум ўйга толди...

СЕРТАШВИШ БОЛАЛИК

...Қишлоқнинг қум-тупроқ кўчаларида кўз ёшларини қўллари билан сидириб, аламидан ҳиқиллаб келаётган 12-13 ёшлар чамасидаги болакай ҳовлисига кириб, онасига кўзи тушиши билан йиғиси янада зўрайди. Қандайдир юмушлар билан юрган она арзандасини кучоқларкан:

— Нима бўлди, болажоним, айт-чи? — дея сўради-ю, жавобини эшитмай воқеага тушунди. Кўзи боланинг елкасида, ҳатто кўйлак устидан билиниб турган изга тушганди. У ўғлининг кўйлагини кўтариб, елкасига қаради-да, титраб кетди. Боласини бағрига босиб унсиз йиғлади, урганни қарғади. Нима ҳам қилсин, бечора она? Вақт ёмон, аёвсиз. Болани ҳам, аёлни ҳам тинч қўйишмайди. Ахир, бу ёшда бола яхши еб, яхши кийинадиган, ўйнаб-куладиган даври-ку! Падарига минг лаънат урушининг! Уруш бўлмаганида...

– Нега сени уришди, қўлинг сингурлар? – овози титраб чиқди онанинг.

Шу куни баҳорги буғдой ўримига барчани чиқаришганди. Болалар тўкилган бошоқларни теришга жалб қилинди. Тушлик овқат вақтида келавермади. Болакайнинг қорни очикқандан очикди. У мажолсизгина, янтоқ соясида ўтириб олди, терган бошоғидан бир-иккисини эзғилаб, пуф-пуфлади-да, уни оғзига солиб, бир-икки чайнаган эди ҳамки:

– Нега буғдойни ўғирляяпсан? – деган пўписадан чўчиб орқасига ўгирилди. Кўзи жамоа хўжалиги раисига тушди. Кучли зарбдан, оғриқ азобидан ҳам хўрлик, таҳқирлаш азоби оғирроқ эди. У қишлоққа қараб чопди.

“Ўғирлик!” Бу сўз унинг хаёлига мутлақо келмаганди. Ҳатто ўзидан каттароқ болалар терган бошоқларнинг ярмини хирмонга, ярмини иштон ичидан тикилган “кисса”га солганда ҳам бу сўзнинг фарқига бормаганди. Нега ўғирлик бўлсин? Далада сочилиб ётибди. Терди, меҳнат қилди. Хўш, икки донасини, боринги, ўн донасини оғзига солди. Нима бўлибди, осмон узилиб ерга тушибдими? Йўқ, бунинг учун унинг елкасига қамчи тушди. Бунга сабаб замон, одамлардан инсоф, диёнат, меҳр-мурувват қочганлиги эди. Шусиз ҳам гўдакларга тиним йўқ. Улар ҳатто кечаси ҳам машғалалар ёруғида ер ағдаришади, текислашади, экишади. Ётоқ жойлари дала, ёстиқлари бирор дўнглик. Бир бурда нонни оналари ўша ерга элиб беришади. Уст-бошларини айтмайсизми? Эски увада кўрпаларни бузиб, кийим тикиб беришади. Устидан “иссиққина бўлсин” деб бўздан узун иштон кийдиришади. Оилада ёлғиз ўғил танतिकроқ ўсгандир, дерсиз?

Йўқ, асло. Қишлоқ болаларининг бошига тушган кун унинг ҳам бошидан кечди. Отаси Ҳасан Аҳмедов ўша пайтда омборда ишларди. Эрта кетиб, шом қайтарди. У бир кафт бўлса-да, болаларига дон-дун олиб келмасди. Кўпнинг ҳақидан ҳазар қиларди. “Кўпнинг бошига тушганда кўникмай илож йўқ”, дерди: Фақат онаси (Майрам отин Иброҳим қизи) Қосимжонга гиргиттон.

Онадан буюк зот бормикан? Ҳаётлигида ёнингда бўларкан, билинмаскан. Айрилиқдан сўнг эса, бутун жони-жаҳонингдан айрилгандек, қанотсиздек бўлиб қоларкансан. Ёшликда ҳам Қосимжон дея йўлларига кўз тиккан она унинг катта

ишларни бошлаб, куни-тун иш билан банд бўлган дамларида ҳам йўлига илҳақ бўлиб кутарди. Ҳозир ҳам кўз ўнгида икки қават бўлиб невараси Дилмуродни опичлаб юргандек.

“Эҳ, онажон, онажон!”

АРАВАДА КЕЛГАН КОТИБ

Эллигинчи йилларнинг бошлари. Қаҳратон қиш. Атроф оппоқ қорга бурканган. Қуёшнинг мажолсизгина нури қорда кўзни қамаштиради. Изғиринда ўраниб олган икки киши Янгиқўрғон қишлоғидан Карманага қараб аравада йўлга тушди. Уларнинг бири ёш, иккинчиси ўрта ёшдан ошганроқ. Йўловчилар Карманага етгач, отнинг бошини райқўм биносига қараб буришди.

– Энди, Қосимжон, йўқ демайсиз, – деди аравадан тушишаркан, ёши каттароғи – газета муҳаррири Фулом Латипов. – Сизнинг бахтингиз ана шу газетада.

Райқўмда уларни ташвиқот ишлари бўйича бўлим мудири Йўлдош Исмоилов қабул қилди...

Шу куни Фулом Латипов Қосимжонни масъул котиблик ишлари билан таништириб, у билан хайрлашди. Бобоқул Саъдуллаев рўзнома муҳаррири этиб тайинланди. Нега энди, матбуотда ишлаб кўрмаган ёш Қосимжонни тўғридан-тўғри масъул котиб этиб тайинлашди? Шундай катта туманда соҳани биладиган бошқа одам йўқмиди?

Ўша замон кўзи билан қарайдиган бўлсак, бу соҳада укуви бор кадрларнинг ўзи йўқ ҳисоби эди. Урушдан сўнг Қосимжон ҳозирги Зебуннисо номли мактабда ўқиди. Шу даврда мактабнинг “Ватан” деб номланган деворий газетасида Ҳикмат Нусратов, Наим Ғойибов, Мавлон Фармонов сингари ўқувчилардан иборат таҳрир ҳайъати сафидан жой олди. Ҳуснихати, чизган суратлари билан кўзга ташланиб қолди. Шу боис туман газетасига ходим излашганда, беихтиёр унинг ҳам номзоди тилга олинди...

Меҳнаткашга меҳнат қаҳатми? Тинчгина Янгиқўрғонда дўконда ишлаб юрувди-я! Рўзнома саҳифаларига мақола ёзиш, макетини чизиш, босмахонада ҳарф терувчилар, босувчилар билан баб-баравар ишлаш. Дарвоқе, азалий қизиқувчанлигидан, баъзида мажбурлигидан босмахона ҳарф

терувчилари Муқаддас Худойбердиева, Роҳила Давидовалардан ҳам иш ўрганди. Кечалари қолиб ўзи ҳарф терди. Тумандаги 73 та жамоа ҳўжалигидан хабар тайёрлашнинг ўзи бир дунё ташвиш. Телефону транспорт хизмати ҳақида ўйлаш у даврда кулгили эди.

Айниқса, “Пахта азамати” (ҳозирги “Навоий овози”) рўзномаси ҳафтада икки марта чиқа бошлагач, ташвишу қийинчилик ўн чандонга ошди. Оладиган ҳақ эса ўзига яраша. Оилада ота касал, рўзгорни тебратиш керак. Бўш пайт топди дегунча эшик, рамка, қозонга сарпўш ясаб сотди. Фақат ёшлигида ўрганган, бир вақтлар ўша ҳам оиланинг кунига асқотган кавушдўзлик касби билан шуғулланишга вақти ҳам етмасди.

МУҲАРРИР

Уч йиллик айрилиқдан сўнг ота-она бағри бут бўлди. 1957 йил 27 ноябрда ҳарбий кийимда, барваста қоматли Қосимжон эшиқдан кириб келди. Оғайнилар, кўни-қушнилар, таниш-билишлар, ҳамкасблар йиғилишди. Катта шодлик. Альбомдаги суратларга нигоҳлар қадалган. Ҳарбий хизматдан берилган “Фахрий ёрлик”лар (улар етмиш учта эди) қўлдан-қўлга ўтди. Ҳамюртлар даврасида аскар йигит йўл азоби-ю, чарчашни унутди.

– Қосимжон, эртадан ишга, газета деярли чиқмай қолди. Аҳвол оғир! – дейишди ҳамкасблар.

Бир зум ўйга толди. Унинг синфдошлари институтларга кириб ўқияпти. Қачон ўқийди? Оилавий шароит, деб бир марта институтни ташлаб келишга мажбур бўлди. Сўнг туну кун ишга шўнғиди. Хизматдан қайтгач, ўқишга киришни аҳд қилганди. Бу ёғи нима бўлади? Яна охири кўринмас, туганмас ишни бошласа. Лекин оғир шароитда қараб туриш ҳам инсофдан бўлмас. “Ўқишга эса барибир кираман”, дея дилидан ўтказди у.

Эртасига таҳририятга кириб борди. Рўзнома муҳаррири Исоқ Суюнов газетада вазият оғир, нима қиларини билмай қолган экан. Дарҳол унга котибликни топширди. Иш изга тушди.

Қосимжон 1964 йилда Бухоро педагогика институтини сиртдан тугатди. Шу йили рўзнома муҳаррирлигига ҳам тайинланди.

Ишни нимадан бошлаш керак? Малакали журналистлар жуда кам. Мактабларда ишлаётган ўқитувчилар рўзнома ишида бир йил ёки ярим йил ишлайди-ю хайр-маъзурни насия қилишади. Босмахонада аҳвол ўша-ўша. Барча ҳарфлар қўл билан терилади. Мутахассислар йўқ. Босма ишининг сифати паст. Газетанинг битта номерини чиқариш учун 25–27 соат ишлашга тўғри келади. Бунга ким ҳам бардош бера олади. Дам олишга шароит йўқ. Нима қилиш керак?

Фақат бардошли, лаёқатли ёшларни излаш, уларни тарбиялаш билангина бу оғир вазиятдан чиқиш мумкин. Бунинг учун қишлоқ ёшлари билан жиддий ишлашга тўғри келди. Тадбиркорлик ўз самарасини кўрсатди. Таҳририятда улар сафи кенгая борди. Лаёқатлилари танланиб, ўқишга юборилди. 70-йилларда 35 нафар ёшлар Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди.

Носир Шарипов, Абдуваҳоб Пирматов, Раҳим Рўзиев, Ибодулла Жаҳонгиров, Қурбон Тўхтаев, Абдуғаффор Ҳотамов, Низомиддин Садриддинов, Муаззам Қодирова, Неъмат Абдурахмонов, Эргаш Ёқубов, Нарзулла Тилавов, Умрзоқ Мустафоев сингари ёшларнинг таҳририятга кириб келиши туфайли туман газетаси вилоятда кўзга ташланиб қолди. 1976 йилда туман газеталарининг Бутуниттифок кўригида қатнашиб, диплом олди, республика, вилоят, туман ҳокимиятлари томонидан бир неча бор мақтов ёрлиғи билан тақдирланди. Буларга осонликча эришилмади, албатта. Бу муҳаррирнинг тунни тонгга, кунни шомга улаб, 20 йиллик самарали меҳнати, изланиши, жамоани етаклай олишининг самараси эди.

ОФРИМАГАН БОШ БОШМИ?

Қосим ака қарийб 40 йил партиянинг “аскари” бўлди. Бу нима берди унга?

“Қаерга юборган бўлса, олдинги сафда бўлдим. Виждонан ишладим. Виждоним ҳалолликка, тўғрилиқка даъват қилди”.

Дарҳақиқат, тўғрилиқ, элга, миллатга содиқлик, ҳалоллик руҳиятига сингган унинг. Фийбат, беписандлик, лоқайдлик, виждонсизлик, эгрилигу хиёнаткорликни кўрарга кўзи йўқ эди. Ундаги софдиллик, бировнинг ризқига хиёнат

қилмаслик, балки оиласидаги тарбиянинг неъматидир, балки ёшлигидаги елкасига тушган оғир меҳнат ёки ноҳақ камситишларнинг қалбига етказган жароҳатидир?

Нима бўлгандаям, у ўз қадр-қимати, иззат-хурматини билиб яшади. Шу туйғули ажаб эмаски, ноҳақ тухматлар унинг қаддини бука олмайди, иродасини синдиrolмайди.

Ёшлиқдан қийинчилик билан ўсиб, шундай ишлаб, меҳнати орқасидан яхши ном билан танилган; фақат инсонларга яхшилик қилиш учун жону жаҳонини бахшида этган одамга ҳам тухмат қилишадими? Қилишади, қилишар экан.

Кўролмаслик, ҳасад, деган туйғу бўлмаганда эди, бу қору қароматлар ҳам бўлмасди балки. Бу қаби туйғулар бўлган, бор, бундан кейин ҳам бўлади. Унинг байроқдорлари ҳаммиша, ҳамма юртда топилади.

...Райқўм бюросида туман рўзномаси муҳаррири Қосим Ҳасановнинг ноҳў ҳаракатлари хусусидаги масала кўриладиган бўлди. Муҳаррир бир ой оғир аҳволда касалхонада ётган пайтда бир буфетчи устида текширув ўтказилиб, газетада фельетон босилади. Фельетон ёзилишига сабабчи, деб муҳаррирни кўрсатишади-ю, буфетчи аёлни ифвога ундайдилар.

Аёлнинг муҳаррир устидан ёзган арзномасини текшириш учун райқўмнинг махсус комиссияси тузилади. Комиссия ҳадемай далиллар “тўғри”лигини тасдиқловчи маълумотнома тайёрлайди.

...Бош котиб М. Мираков эса муҳаррирга қўйилган айбга сира ишонгиси келмайди. Ахир ўз шогирдининг софдил ва тўғрисўзлигини яхши биларди-да. Бироқ аёл кишининг ҳаёсиз шикоят, комиссиянинг маълумотномаси котибни иккилантиради. Бюро мажлисида юзлаштиришганда шикоятчи аёл уни танимаслигини айтади. Шу дамдаги ҳолни бир тасаввур қилинг-а. Уни сиқиб олган тухмат фош бўлди. Қосим аканинг елкасидан зил-занбил тоғ ағдарилгандек, ҳақиқат, ҳалоллик, тўғрилиқ тантана қилди.

...Вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби қабулига вилоят газетаси ўз вақтида “чиқмаётгани” сабабли чақирилганди. Йиғилишга “Навоiazот” ишлаб чиқариш бирлашмаси партқўми Жданов, нашриёт директори Н.Шарипов ҳам қатнашди. Котиб минбарга Н.Шариповни таклиф қилди. Ҳали у сўзини бошламаёқ обқўм котиби: “Нега мўйлов қўйиб

олдинг? Нега шишгансан, сендан нашриёт ходими чиқмайди!” деди.

– У 28 йилдан буён матбуотда ишлайди, – дея луқма ташлади Қосим ака.

– Ҳасанов, минбарга...

У қилинаётган ишлар ва муаммолар хусусида, яъни шу бугунги масала ҳақида энди гап бошлаган эди ҳамки:

– Бошинга нега дўппи кийиб юрибсан? – деди даб-дурустдан Ефимов.

– Бош кийим – бу, ўртоқ секретар, – дея жавоб берди Қосим ака.

– Бу бош кийим эмас, диний кийим. Сиз динга ишонасиз, шунинг учун уни киясиз. – Шундан сўнг кесатиб қўшиб қўйди: – Қачонки, мен гапирганда сизга ёқмаганди. Мен билмайман, қандай мутахассисларни танлаганлар. Барчаси ошна-оғайнигарчилик билан келтириб қўйилган!

– Кечирасиз, мен меҳнатим билан келганман, “суянчиғим” йўқ.

– Тўғри, – деди ижрокўм раиси Бўриев. – У ўттиз йилдан буён ишлаб келяпти. Уни анчадан буён танийман.

– Мени кечирасиз, дўппини эмас, газетани муҳокама қилиш учун келгандик, – деди Қосим Ҳасанов дадиллик билан.

– Сизнинг ишингиз менга керак эмас, ўтиринг! – деди обқўм котиби дағаллик билан.

Қачон у гапирганда ёқмаганди? Ҳа, дарвоқе, машҳур ўн олтинчи пленумдан кейин Ўзбекистонда “қатъий тартиб” ўрнатилган бошланган пайтда, тўғрироғи, 1985 йилда Ефимов Навоий вилоятига биринчи котибликка тайинланган 5 май куни вилоят журналистларини қабул қилганди. Ўшанда биринчи котиб маърузасида республикада, вилоятда содир бўлаётган воқеалар хусусида тўхталди. Ўзбекларнинг қолоқлиги ва уларнинг бола тарбиясига алоҳида урғу берди. Боланинг нега кўпайтирилишининг сабаби, ўғирлик, порахўрликни хаспўшлаш эканлигини, ногирон болалар кимга кераклигини, оилани режалаштириш лозимлигини уқтирди.

Ўзбекистонда “малакали кадрлар етишмаётган” бир пайтда катта оғаларимиз юборган “олижаноб” кадрларнинг миллатга, унинг шаънию қадр-қимматига тил тегизиб гапиргани юрагида элига, миллатига ҳурмати баланд, ўзлигини биладиган қайси

бир фарзандни ларза солмайди, дейсиз. Беихтиёр, ғазабли кўзлари билан нотикқа тикилиб қолганини ва бу қарашга нотикнинг ҳам нигоҳи тўқнашганини сезмай қолди. Сўзини тугатиб, ёнидаги кишидан (!) унинг кимлигини сўради. «Нега бу ўринга бошқа миллат кишилари топилмади?»

Тарихий ҳақиқат: ўзга юртдан келган фотиҳ, албатта, бу юртнинг ботирини, халқпарварини биринчи бўлиб баҳридан ўтади. Ўзига ана шу юртнинг мўмин-қобилларини излайди, “сопини ўзидан чиқаради”. Ефимовнинг фаолияти ҳам ана шундай бошланди. Вилоятда кўзга кўринган, эл назарига тушган кишиларга хужум қилди. Бундан ташқари, қанча-қанча кишилар дўппи кийганлиги, қўлини кўксига қўйганлиги, таъзияга борганлиги учун таҳқирланди...

“Қандай мутахассисларни танлаганлар?” Бу Қосим аканинг меҳнат қилиб, олган “баҳо”си! 1982 йилда вилоят ташкил бўлганда, уни матбуот бошқармасига ишга таклиф қилишганда, бу ерда номдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Ишни нолдан бошлади. Матбаа базаси, тайёр кадрлар, маблағ умуман йўқ эди. Газеталарни босиб бериш учун “Навоиозот” бирлашмаси босмахонаси билан келишилгунча озмунча елиб-югуришмадимми? Ишчи кадрлар Москва, Санкт-Петербург, Ашхабод, Олмаота шаҳарларидан, республиканинг бошқа вилоятларидан олиб келинди. Албатта, улар аввал ўз шартларини қўйишди. Илож қанча, қийин бўлса-да ишни юритиш керак. Вилоят газеталарини чоп қилиш зарур.

Карманадаги 1-хунар-техника билим юртида матбаа мутахассислиги бўйича курс очилди. Ёшлар ўқитилиб, босмахоналарга ишга жалб этилди. Қанчадан-қанча елиб-югуришлар, асаббузарликлар, уйқусиз тунлар ўтди. Мақсадга эришилди. Иш бир маромда изига тушди. Маҳаллий кадрларга бўлган эътибор ўз самарасини берди. Келганлар кетди, юрт эгалари эса ҳамон кўкси тоғдек, меҳнат қилишяпти. Ахир, қилинган меҳнатни, чекилган азиятни бегона қаердан билсин!

Билмагани учун ҳам йиғилишларда бугунгидай хужум бошланди. Баҳона: “Сен жамоа хўжалигига вакиллик даврингда нега пахтага кўшиб ёзишди, нега ёлғон маълумотлар берилди?” Ниҳоят, қатор айблар билан тергов олиб борилди. Сўнг суд, ҳайфсан. Эҳ, инсон жони темир бўлганда ҳам чидай олмайдиган қанчадан-қанча ноҳақликлар гирдобига фарқ бўлган тунлар-кунлар ўтди.

Шунча йил қилган меҳнатинг эвазигами бу кўргиликлар? Барча руҳий изтироблар ўз ишини қилди. Қосим Ҳасанов ҳаётида дори-дармон, касалхонадан касалхонага ўтишлар бошланди.

Барибир бардош-матонат, ҳақиқат барчасидан устун келди. Эли, ўзлиги учун курашди, бўйин эгмади. Бировнинг пинжига кириб сажда қилишдан кўра, охиригача курашишни афзал кўрди. Қалб буюрган йўл – тўғри йўл эканлигини ҳис этди.

Ҳаётнинг эгри-бугри йўлларида инсон нималарга дуч келмайди, дейсиз. Бу йўлда доимо унга яхшилик билан ёмонлик ҳамроҳ. Кошки эди, кишининг елкасида турган икки фаришта мурсою-мадора қилиб, инсонга берилган қисқа умр ғалвасиз ўтса, одамларнинг бир-бирига қадр-қиммати баланд бўлса! Ахир шу эмасми, буюк олижаноблик, ўзбекона эътиқод, одамийлик! Начора, табиат қонуни – яхшилик ва ёмонлик доимо ҳамроҳ.

Лекин яхшилик барибир устун. Инсон озмунча яхши кунларни бошидан кечирмадими? Қосим аканинг ҳам она-ота кучоғидаги бахтиёр дамларини ёзиб адоғига етказиб бўлмайди. Сўнг Ҳамрогул опа билан тотув турмуши, ширин орзулари, ёлғиз фарзанд Дилмуроджоннинг дунёга келиши, дўстлар давраси, туй-томошалар, касбнинг завқ-шавқи, ҳамкасблар, шогирдлар даврасида кечган дамлар, суҳбатлар бир умрга татийдиган бахтиёр дамлар эмасми? М.Мираков, З.Қобилов, С.Фаниев, С.Умаров сингари туманни бошқарган кишилардан олган маслаҳатлари ёрдамида муҳарририятни қайта жиҳозлаб, ходимларга қулай шароитлар яратилиши натижасида рўзнома савияси ва сифати янада яхшиланиб, мақтов олганда жамоа билан баҳам кўрган шодликлари-чи? Ҳали ўзи кутмаган, билмаган тақдирда кўксига фахрий нишон тақилиши-чи? Ватан мустақиллиги инсон қадр-қимматини, меҳнатини юксак баҳолаб “Республикада хизмат кўрсатган журналист” унвони берилгани-чи? Энг асосийси, ишдан сўнг жажжи неваралари Аҳмадбек, Юлдузойлар билан бир дам чақчақлашишнинг ўзи бир дунё бахт эмасми?

Қосим ака мийиғида кулиб қўйди-да, кўзойнагини қўндириб, стол ғаладонини тортиди. Бир тўда қоғозларни олиб, саралай бошлади. “Анкета”, “Қосим Ҳасанов”, 1931 йил... Арғун қишлоғи... уни қайтариб ғаладонга қўйди. Яна қайта бошлаш керак.

Бардош, куч-қувват бўлса бас. Энди қанча-қанча шогирдлари унга қўшқанот. Улардан кўнгли тўқ. Мустақил элнинг мустақиллиги йўлида меҳнат қилишга не етсин. Фақат ҳам-жиҳатлик, содиқлик, диёнат ўртадан кўтарилмасин, кўнгиллар зада бўлмасин. Буюк тилак ҳам шу!

* * *

Баъзан инсонни матонатли тоғларга ўхшатишади. Чунки матонатли кишилар замон зарбасига мустақкам ирода, бардош билан кўксини қалқон қилади. Юрт, эл ишига ҳаловатидан кечади. Жону-жаҳонини бахшида этади. Ундай кишилар доим бор бўлсин. Буюк эҳтиром билан чин юракдан қуллуқ қиладиган фарзандлари бор юрт — буюк юртдир!

1993 йил.

САҲИФАЛОВЧИНИНГ ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ

Инсон умри оқар дарё — ҳаш-паш дегунча ўтади-кетади. Ўтгандаям бир хил эмас: баъзида дарё сувидек тинч-сокин, баъзида тошиб-жўшиб ўтади. Мен босмаҳона ишчиси, устоз Мажид ака Ҳомидов ҳаёт йўлини ана шу тошиб-жўшиб ўтган дарёга ўхшатаман. У доимо босмаҳона ишининг қийин жабҳаларида бўлди, ишнинг осон йўлини танламади. Ҳатто 50-йилларнинг бошларидаги оғир вазиятларда ҳам “Менга бошқа иш қуриб кетганми, бор-э”, деб этак силтаб кетмади. Мақсад сари дадил интилди.

... Мен Мажид ака ҳақида кўпдан буён ёзишни ўйлаб юрардим. Яқинда ўз ниятимни унга билдирдим. У бир зум ўйлаб турди-да, хонадонига бошлади ва бир пиёла чой устида “Мақтов ёрлик”ларини олдимга қўйди-да:

— Мана шулар мен ҳақимда ҳикоя қилади, — деди.

Уларни бирма-бир варақлайман, ўқийман. Барчасида Мажид аканинг ҳалол меҳнатига юксак баҳо берилган. Дарҳақиқат, уларда саҳифаловчиларнинг ҳаёт саҳифалари ўз ифодасини топган...

Мажид аканинг ёшлиги оғир дамларга — иккинчи жаҳон уруши даврларига тўғри келди. Бу ҳаёт-мамот жангига унинг отаси Ҳомид Шодиев ҳам отланди ва жангдан қайтиб келмади.

Оиланинг барча ташвиши онаси Адолат Шодиева зиммасига қолди. Беш фарзанд, бир кампир — етти жон Адолат аянинг қўлига қарарди. Жамоа хўжалигида иш оғир, лекин топгани оилага урвоқ ҳам бўлмасди. Бир бўлак нон кўзга тўтиё эди. Тирикчиликнинг қийин ташвиши аяни Карманага бошлади. Қайси она ўз фарзандини яхши едириб, кийинтиришни истамайди, дейсиз. У даврда эса уст-бошни бут қилиш уёқда турсин, қоринни амал-тақал эплашнинг ўзи катта машаққат эди.

Адолат ая босмаҳонага қоровулликка ишга жойлашди, кейинроқ фаррошликни ҳам ўз зиммасига олди. Шу ерда уларнинг яшашлари учун бир хона уй ҳам тайёрлаб беришди. Умуман ёрдам қўлини чўзган яхши одамлардан ая миннатдор кетди.

Ёш Мажид бир ҳисобда босмаҳона ичида ўсди, десак ҳам муболаға бўлмайди. Онасининг ортидан босмаҳонага чопқиллаб кириб-чиқиб юрар, юмушларига кўмаклашарди. Босмаҳонада кўп йиллар меҳнат қилган кишиларнинг “босмаҳона бўёғини бир марта ҳидлаган киши ундан узоқлашолмайди”, деган гапида жон бўлса керакки, бу ҳид ёш Мажиднинг қалбини бир умр ўзига мафтун қилганлиги рост эди.

1952 йил Мажид аканинг қалбида муҳрланиб қолган. Шу йили у босмаҳонада шогирдликдан иш бошлади. Дастлаб ҳарф терувчиликни ўрганди, сўнг босма машинасини қўл билан айлантириб юргизувчи бўлди. Ўша пайтлари босма машинасига бир киши қоғоз берса, бир киши катта гилдиракка ўрнатилган дастакни айлантирарди. Ёшлигидан меҳнатда чиниққан Мажид бу ишни ҳам эплаб кетди. Сўнг Давлат Габдурахмонов устозлигида босма ишини мукамал эгаллади. Ўша кунларда босмаҳонага дастлабки “ПС-ІМ” электр босма машинаси келди. Мажид ҳам движокка қарар, ҳам босма билан шуғулланарди. У беш йил босма иши билан бирга босмаҳона мудирлигини олиб борди. Кейинроқ кучли ток берадиган дизель двигатели ўрнатилди. Уни Рефат Сатторов бошқарди ва босмаҳонанинг илғор матбаачилари сафидан муносиб ўрин олди. Умрининг охиригача шу даргоҳда меҳнат қилди.

1965—1966 йилларга келиб босмаҳона бир оз кенгайди. Ёш ишчилар сафини кенгайтиришга катта эътибор қаратилди. Бунда асосан умрининг охиригача шу иш билан банд бўлган Исоқ Суюновнинг хизмати беқиёс эди. Шу йиллари мен,

Эргаш, Соли, Хосият, Ойтўхта, Лайло, Махфурат сингари ёшлар ишга кирдик. Номлари тилга олинган ёшлар босмаҳонанинг ҳақиқий суйанчиғи бўлиб вояга етдилар. Булар Навоий вилояти газетасининг ишига ҳам катта кўмак бердилар. Мажид ака ўз меҳнати билан бу ёшларга ибрат кўрсатди, йўлга бошлади. Унинг ёшликдаги ҳаракатчанлиги ҳамон кўз ўнгимизда.

Мажид ака ишда имилламасди. У чаққон ҳаракат қилар, “босмаҳонанинг майда ишини имиллаш билан енголмайсан”, дерди. Биз ёшлар кўзига ҳали босмаҳона ишлари мўъжиза бўлиб кўринарди. Бир куни биз, уч-тўртта ёшлар Мажид ака ишлаётган босма машинаси ёнида туриб, унинг ишини кузатдик. Мажид ака машинага буюртма наборини олди, мустаҳкамлади, қўлини ювгани ташқарига чиқиб кетди. Шунда кимдир “заклочка”ни бўшатганми ёки бошқа сабаб бўлдими, буниси қоронғи. Мажид ака чаққон келди-да, машина тугмачасини босди. Гуриллаб овоз чиқиши билан орқадан шақур-шуқур этиб наборлар сочилиб кетди. Мажид ака бизга бирма-бир қаради-да, қўлида ушлаб турган очқични ерга тоблаб урганча, “бу ерда фаросатсизлар ишламайди”, дея эшикка йўналди.

Ўшанда биз ҳанг-манг бўлиб, бир-биримизга қараб қолгандик. Кейинчалик эса босмаҳона ишининг нақадар машаққатлилигини, бир буюртма наборини тахлашнинг ўзи қанчалик майда ишдан иборатлигини тушуниб етдик. Босмаҳона ишида фаросатсизлик қилиш, қўл учида ишлаш кор бермаслигини амалда кўрдик.

Яхши ишчи, меҳнатсевар кишига ҳар бир корхона жон-жон деб эшигини очади. Мажид акани ҳам дастлаб Навоий шаҳар тоғ-металлургия комбинати босмаҳонасига ишга таклиф қилишди. У бу ерда ҳам ўзини кўрсатди, шаҳар матбаачилари орасида кўзга ташланиб қолди. 1973 йилда “Индустриальный Навои” шаҳар рўзномаси чиқа бошлади. Энди “Навоиозот” босмаҳонаси раҳбарлари Мажид акани кўз остига олди. Икки босмаҳона, ҳатто корхонанинг шу ишга тааллуқли раҳбарлари ҳам ўзаро келишишди. Мажид ака “Навоиозот” босмаҳонасига ишга таклиф қилинди.

– Босмаҳона ишчиси камида икки-уч касбни билиши зарур. У босмани, ҳарф теришни, саҳифалашни мукамал эплай олса, кам бўлмайди, касбдошлари орасида эътибори янада ошади, – дейди Мажид ака.

Уни 1983 йилдан босма ишидан саҳифаловчиликка ўтказишди. Навоий вилоятида ташкил этилган “Дўстлик байроғи” рўзномасининг биринчи “ғишти”ни қўйган ҳам Мажид ака бўлди. Саҳифаловчи меҳнатининг шарафли томони шундаки, у минглаб газетхонлар кўз ўнгида туради. Саҳифаларда қўйилган чизиқларнинг ўз ўрнига тушиши, уларни бир-бирига яхши туташтирилиши, қўйилган сарлавҳаларнинг жойига мос тушиши — буларнинг бари саҳифаловчининг маҳоратига боғлиқ. Газетанинг муштарийлар ўртасида обрў қозонишининг бир томони газета “қиёфаси”нинг иссиқлигидадир.

Вилоят газетасининг дастлабки сонларини чиқариш жуда оғир кечди. Ўн икки-ўн уч соатлаб ишлашга тўғри келди. Чунки ҳали мутахассис кадрлар етишмасди. Барча машаққат ишчиларнинг зиммасига тушди. Бу даврлар, айниқса, саҳифаловчига оғир кечди. Чунки, малакали ҳарф терувчиларнинг етишмаслиги туфайли битта газетани саҳифалаш ҳатто йигирма соатга чўзиларди. Саҳифаловчи эса бўш саҳифа рамкасига тикилгунча тик оёқда бардош билан турарди. Ҳатто ўша пайтлари Мажид ака умр йўлдоши Зияузиянинг: “Мажид, иш жойингга бир йиғма каравот элтиб қўйсанг бўлмайдими?” деган кесатиғини бир неча бор эшитишига тўғри келганди. Лекин унинг мақсади, нигоҳи фақат бажараётган ишига қаратилганлиги туфайлигина уйқусизликдан ҳам, қийинчиликдан ҳам, кесатиқлардан ҳам устун келди ва у ҳаётининг сўнгги дамларигача “Дўстлик байроғи”нинг саҳифаловчиси бўлиб қолди.

Мажид Ҳомидов матбаачилик мактабида ўқимаган. У матбаа қозонида қайнаб пишган. Биринчи бор қўлига босмаҳона ҳарфини ушлатган устози Мақсад Худойбердиева ўғитларини қулоғига олди ва ўзи ҳам уни ўнлаб шогирдларига улашди. Улар қаторида Карманадаги босмаҳонада шараф билан меҳнат қилган Мукаррам Ҳамроева, Маъқулой Адизова, “Навоизот” бирлашмаси босмаҳонасида фаолият кўрсатаётган Ғайрат Пардаев, Раҳима Одилова, Гулбаҳор Собирова, Санобар Турдиеваларни санаб ўтиш кифоя.

Мажид ака феъли кенг, хушчақчақ инсон. Ана шу хурсандчилигини одамларга улашадиган, уларнинг чеҳраларига кулги бахш этадиган яна бир касби — сураткашлигидир. Ишхонадаги байрам, хурсандчилик даврасида, ҳамкасбларининг

шодиёна кунларида Мажид ака ҳамиша ҳозир. У ана шу яхши кунларни суратларга кўчириб, эсдаликка тақдим қилади. Ҳатто 1976 йилда Навоий шаҳрида ўтган “Болалар – бизнинг келажагимиз” деб номланган фотосуратлар кўргазмасида иштирок этиб, фахрли ўринга муносиб топилди.

“Меҳнат бахт келтиради”, деган нақлни Мажид акага нисбатан ишлатишни жоиз топдим. Ҳаётида, оилавий шароитида қийинчилик кунлари кўп бўлди, фақат ўзини меҳнатга урганлиги, ҳаётга дадил боққанлиги туфайли барчасидан устун келди. Фаровон ҳаётга эришди, шириншакар оила қурди. Умр йўлдоши Зияузия Шарофутдинова ҳамшира бўлиб ишлайди. Қизи Светлана турмушга узатди, ўғли Аҳмед мактабда таълим олади. Ҳаёт саҳифаларини ўзида ёрқин акс эттирган “Мақтов ёрлиқ”лари ҳам, “Аъло меҳнати учун” кўкрак нишони ҳам саҳифаловчи меҳнатининг ёрқин тимсолидир.

Инсон умри оқар дарё. Ана шу дарёда оқиб, ҳалол-покиза, эзгулик йўлида мардона туриб курашган ва курашаётган инсонга таъзим бажо этмоқ ҳам фарз, ҳам қарз. Шундай инсонлар сафида матбаа йўлида фидокорона меҳнат қилиб, ўзидан ёруғ из қолдирган Мажид Ҳомидовнинг борлиги вилоят матбаачиларининг фахридир.

1991 йил



ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛАЛАР

ЎЗИНГНИ БЕК БИЛСАНГ...

Мен қишлоқда ўсганман. Ёшлигимда бедапоялардан бедана ушловчи кишилар тўри ортидан елиб-югурганман, ҳатто кучим етгунча тўрнинг бир чеккасидан ушлашганман. “Кўлга тушган” бедананинг потирлашидан қувонганман. Лекин беданабоз унинг учқур патларини юлаётганда ёки кесаётганда, қафасга солганда жониворга раҳмим келган. Мен нега унинг патини юлаётганларини, қафасга солаётганларининг фарқига бормасдим, ўша пайтда.

Сиз қафасдан чиққан қуш парвозини кузатганмисиз? Ўзини қафаснинг тўрт томонига уриб, зир айланиб чиқишга уринаётган қушга эътибор берганмисиз? Қафас азобини тортган қуш ундан қутулиши биланоқ, “қутулганим ростми”, дея қафас атрофида чир айланмайди, аксинча, жон-жаҳди билан кўкка парвоз қилади, нимжон қанотларини қоқиб, тезроқ бу тутқунликдан қутулиш, иложи борича узоқроққа учиш пайида бўлади...

Биз мустақилликка эришдик. Лекин “қанотларимиз қирқилганлиги” қалбимга ҳадик солиб турибди, “ҳали узоқроққа бора оламизми ё йўқми” қабилда иккиланиб турганлар орамизда топилади. Ҳатто Республиканинг Олий ҳокимият сессиясида Президентимиз И.А.Каримов Мустақилликни эълон қилган пайтда ҳам кўпчилик депутатлар иккиланиб, ўз қулоқларига ишонмай қолгани аниқ. Чунки Президентнинг иккинчи сўровидан сўнг, залда жонланиш бўлганди... Шундан кейин матбуотда мустақиллик “жонкуярлари” кўпайиб қолди.

Ҳар бир халқ ўзлигини билиши, тили, маданияти, дини, эътиқодини йўқотмаслигига демократия кенг йўл очди. Демократик жараённинг ривожланиб бориши шуни кўрсатдики, 70 йил давомида тузумни ўз қўлида маҳкам

ушлаб турган марказ энди уни кўлида сақлашга қодир бўлмай қолди.

Ўн еттинчи йилдаги инқилоб, колхозлаштириш, коллективлаштириш, турли қатағонлар қатори “ўзбек иши”, “пахта иши” деган тухматлар — барча-барчаси юракларни бездириб қўйган. Бир вақтлар боболаримиз: “Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим, десанг, инс-жинслар қочади, йўлингдаги балолар даф бўлади, йўлинг оқ бўлади”, деб тарбияланган бўлса, ота-оналаримиз: “Жим ёт, ажина келди, ана, саллот кўринди” қабилидаги ваҳимали сўзлар билан бешикдаги боласини кўрқитиб, ўзлари бешикка суяниб ухлаган. Уруш йиллари қишлоқда оёғида этик, устида галифе шимли кишини кўришса ваҳимага тушишган. Ҳатто, қишлоқ деҳқони ўз қишлоғида ҳам “худо хоҳласа” деб яшаган. Эртанги кунига умидворлик, келажакка ишончга “насиб бўлса” деб қараган.

Ана шу “насиб бўлса” билан эртанги порлоқ кунга чиқамиз, деб яшадик. Тирикчилигимиз яхшилансин, дея бор-йўғимизни арзон гаровга катта оғаларга бериб турдик. Уларнинг берганига “шукрона”лар билдирдик. Чунки “оз бўлса-да бериб турибди, кунимиз ўтапти”, дедик. Ҳайф бундай ўтган кунларга! Энини олиб, ямоқлик қолдирди, йиртиғини ҳам шу ямоқдан чиқариш керак эди. Масалан, жамоа хўжалиги давлатга гўшт, сут, қоракўл тери, хуллас, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топширарди. Халқдан ҳам “инсектор” ҳисобига маҳсулот олинарди. Деҳқон хўкиз боқиб, килоси уч ёки тўрт сўм атрофида жамоа хўжалиги ҳисобидан давлатга топширарди. Тайёрлов идораси эса унга 1 сўму 60 тийин атрофида пул тўларди. Қолган сумма жамоа хўжалиги ҳисобидан. Хўш, жамоа хўжалиги бу суммани қаердан оларди? Албатта, “бўйидан олиб энига”, деганларидек, ўз деҳқонларининг пешана тери эвазига топилган маблағдан оларди. Охир-оқибат боқиманда бўлдик...

Мен ёшлиқдан тарих ва адабиётга кизиқардим. Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг Фарҳод, Искандар, Баҳром каби қаҳрамонлари ҳақида тасаввурга эга эмасдим. Широқ ва Тўмарис афсоналарини, Жалололдин Мангуберди, Темур Маликларни билмасдим, Степан Разин ва Пугачев кўзғолонлари тўғрисида тушунчага эга эдим. Амир Темурдек жаҳонгирлар тўғрисида эса боболардан эшитардик. Болалиқдан мияга ўрнашган Широқ ва Тўмариснинг кўрсатган қаҳрамон-

ликларини ҳозир эшитгандек, эшитаётгандек туюлади менга. Тарихимиз бўялмаганда эди, ўзга тарих қаҳрамонлари ўрнига ўз тарихимиз қаҳрамонларини, ёғийлар билан курашдаги мардлигини, ватан, юрт учун жон фидо қилганлигини мактаб партасига ўтиргандаёқ қалбларга сингдирилганда эди, тарихимизга ҳозиргидек маҳзун қарармидик! Ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқи учун талашиб-тортишиб курашмасмиди?..

Навбаҳор туманидаги “Зарафшон” жамоа хўжалигида Жалил Собиров деган киши истиқомат қилади. Ҳозир пенсияда. Мен у кишини эсимни танигандан буён биламан. У ўз ҳаққини, қишлоқ ҳаққини бировга беришга мурасасиз эди, ноҳақликларга қарши кескин курашарди. Баъзида одамлар унинг устидан кулишди, оға-инилари, фарзандлари унга бунақа одатларини ташлашни маслаҳат беришди, талаб қилишди. Йўқ, у “Мен шундай яралганман, шундай яшайман. Тенгсизлик, ноҳақлик бор жойда жим тура олмайман!” деди. У ҳали-ҳамон тўғрилиқ, тенглик учун талашиб-тортишади.

Ёки 23-автокорхонада Абдулла Файзиев деган ҳайдовчи бор. У шу касбда қарийб 30 йилдан буён ишляпти. Корхонада уни “Қоработир” дейишади. Нега? У ҳам тенгсизликка нисбатан исёнкор. Ўзи учунмас, ҳамкасблари, корхонаси учун.

Мен ҳам бундай кишилар ҳақида эшитганда дастлаб кўп эътибор бермасдим. Аслида эса юртимизда ана шундай ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиганлар кўп бўлсин экан. Уларни олқишлаш керак экан.

“Таҳқир ва ҳақорат ботқоғига ботаётган тилимизни якқалам қилдим”. Бу буюк Алишер Навоий бобомиз тилидан айтилган гап. Тилимиз мустақиллик ҳуқуқини олди. Дастлабки даврларда унга нисбатан бироз жонланиш бўлди. Номларга эътибор берилди, тил ўрганишга киришилди, транспортлардаги ёзувлар ўзгарди. Шу ўринда ҳурматли адиб Иброҳим Раҳимнинг “Мустақиллик ҳам, мустақил давлат ҳам тилдан бошланишини унутмайлик”, деган сўзларини кўп эслайман.

“Йўл азобини йўловчидан сўра”, дейдилар. Бу гапда жон бор. Иссиққина, бориға қаноат қилиб ўтирган одам йўлда оч-наҳор, ҳориб-чарчаб, олис манзилени, ошиёнини ўйлаб машаққат чекаётган кишининг ҳолини қайдан ҳам билсин! Мен бу иборани келтирарканман, кўз ўнгимда ойнаи жаҳон орқали намоиш этилган бир ватандошимизнинг айтган

гапларини айтмоқчиман. У: “Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган куни биз дўстлар бир-биримизни чин юракдан қутладик, йиғламаган киши қолмади. Туни бўйи хотин-болалар ухламади. Кўзларда тош бўлса эриб кетарди”, дея ҳис-ҳаяжон, чин дилдан мамнунлик билан айтилган сўзлар қайси қалбни тўлқинлантирмайди, дейсиз.

Ўша кунларда ёшлар газетаси саҳифаларида босилган яна бир ватандошимизнинг дил сўзларини эслагим келади. “Ўзбекистон учун меҳнат қиламан. Майли у қора иш бўлса ҳам... Яхши ишлар бўлаётганини эшитиб, дилдан хурсандман. Энг суюнтиргани мустақилликка эга бўлганимиз. Энди унинг қадрига етиш керак!..”

Мустақиллик уйингни тўрт девори бутун, эшигининг мустақамлиги. Мен шундай деб ўйлайман ва шундай бўлишини истайман. Уйда нимаики бўлса эгасиники, қўшнига зарурат туғилса эшик тиқиллатсин. Фақат “Оч!” демасин. Республикамизда бошланган иш ҳам шундан далолат бераёпти. Президентимиз И.Каримовнинг собитқадамлиги кишиларимизнинг дадиллигини оширди. Ички ва ташқи сиёсатда ҳам ўзгариш рўй берди. Эндиги навбат ана шу йўлдан дадил бориш.

Дадил қадам ташлаёпмиз ҳам. Бунга мамлакатимиз мустақиллигини чет эл давлатларининг тан олиши, тузилаётган иқтисодий шартномалар, қўшма корхоналарнинг вужудга келаётгани ёрқин мисолдир. Елкага офтоб тегиб, пешанамиз ярқирай бошлади. Шубҳасиз, энди эркинлик йўлига чиқиб олдик. Йўлимизнинг оқ ва порлоқ бўлиши сиз билан биздан катта матонат талаб қилади. Матонат ва ғурур бизни тарк этмасин. Ўз элига ўзи бек бўлиш ҳар бир кишининг ватанпарварлик бурчи ва эътиқоди, ор-номусидир. Шундагина биз тарихимизни, тилимизни, борлигимизни асраган бўламиз. Келажак авлодлар биздан миннатдор бўлажак!

1991 йил

НАФСИНГГА ЭРК БЕРМА!

Жамиятимиз тубдан ўзгараёпти, ҳатто кечаги кун бугунга тўғри келмайди. Бозор иқтисодиёти, эркин нархлар, биржалар, даллоллар ва бошқа турли хил воситачи корхона ҳамда ташкилотлар ҳақида тез-тез янги гапларни эшитиб турибмиз.

Одамларда ҳам ўзгача кайфият, янгича қарашлар... Бу ҳол айниқса эркин нархларга ўтилгач, ошқора тус олди. Ахир қайси дўконга кирсанг маҳсулотга ёпиштириб қўйилган нархга кўзинг тушиши билан юрагинг “шиғ” этиб кетади. Олгинг келади-ю, олмай ўтасан. Начора, эркин нарх...

Мен бозор иқтисодию эркин нархларнинг туб моҳиятини шарҳлаб бермоқчи эмасман. Фақат, ҳозирги иқтисодий қийин шароитда, қалбни ўртаган баъзи бир кузатган воқеаларим хусусида фикр юритмоқчиман, холос.

Агар гапларим кимларгадир оғир ботса, аввалдан кечирим сўрайман. Чунки ҳозирги пайтда шусиз ҳам безиллаб турган қалбларга зада етказишни сира-сира истамоқчи эмасман.

Халқимизнинг иродаси мустаҳкам, сабр-қаноатли. Тинч-тотувлик, меҳр-мурувват, аҳиллик кўтарилмаса бас. Бир-бирини алдамаса, бир-бирининг чўнтагига “назар” солмаса, қилган яхшилигига таъма қилмаса нур устига аъло нур бўлади.

Бозор расталари оралаб маҳсулотларга назар ташласангиз, бу ерда ҳам эркин нарх. Ҳеч нарса дея олмайсиз, мол эгасиники, пул харидорники, хоҳласа олади. Бозорга киришингиз билан кўзингиз ҳақиқий деҳқонни излайди. Сабаб, деҳқон пешана тери эвазига етиштирган маҳсулот нархи устида “жон-жаҳди” билан тортишмайди, бир сўм, икки сўмдан ўтиб юборади. Иккинчидан, унинг маҳсулоти сифатли.

“Кунда-шунда”лардан худо асрасин. Биргина картошкани олинг, уч-тўртга айириб қўяди. Нархлари палон сўм. Арзони, майдасидан оламан, десанг чув тушасан — ярми пўстлоққа чиқади, ярми чириган. Ахир картошка палаги тугаётганда бу биринчи сифат, бу иккинчи сифат деб тугмаган-ку. Унинг ўртача нархини чиқариб, инсоф билан сотса бўлмайдами? Олиб-сотар ундай қилмайди, бугундан қолганини эртага яна ошириб сотади. Мақсади пул бўлсин.

Яқинда, жума куни ишдан сўнг қишлоққа отландим. Автобекатга борсам, ҳар доимги одат — Арабсарой қатнови бўйича автобус йўқ. Одам кўп. Шунда йўловчилардан бири “анави автобуснинг ҳайдовчиси уч сўмдан этармиш”, деб қолди. Аслида йўлнинг таърифи арзимаган пул. Одамлар бир-бирига қарашди: унсиз тушунишди, шекилли, гурра автобус томон юришди. Ҳайдовчи автобус эшиги олдида туриб:

— Аввал пулини чўзинглар! — деди бамайлихотир.

Пулини тўлаб, автобусга чиқа бошладик.

– Ака, сал нархни оширдингиз чоғи? – дея савол бердим ҳайдовчига.

– Ҳамма нарсанинг нархи ошган: бензинниям, – деди у узатган пулимни ола туриб.

Ўн тўққиз ўринли автобусга элликтача одам жойланди. Бекат назоратчиси ҳайдовчининг қўлига қоғоз тутқазди. Албатта, йўл варақаси бўлса керак. Йўл-йўлакай ҳайдовчидан бу автобус қайси автобазага қарашли эканини сўрадим. У афтимга қараб турди-да:

– 23-автокорхонаники! – деди. – Сиз ҳам тушунингда, икки ой “ремонтда” турдим. Биргина “коробка”ни топиш учун қанча овора бўлдим. Ахир бизда ҳам рўзғор бор, бола-чақа бор!

Унинг ҳолига қараб раҳмим келди. Унга ҳам қийин. Чукур мулоҳазага бордим. “Йўл варақасини олиб ишга чиққач, ўртадаги воситачилар текин “ов” тушишини кутишади. Бир қатновда 50 киши ташилса, уларнинг ҳар биридан олинган йўл ҳақининг 1 сўми воситачига, 1 сўми давлатга. Автобус қайтишида ҳам қуруқ қайтмайди...”

Эртасига худди шундай бошқа автобус билан қайтдик. Ҳайдовчи 2 сўмдан сўради. Майда йўқлиги баҳона – қайтим ҳам қайтарилмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Назоратчилар қаёққа қарашади? Бу сир...

Яхши ният билан уй қурмоқчи бўлган кишиларни ҳам ғам босган. Чунки қурилиш материалининг нархи осмонга чиқди. Бир дона ёғочнинг нархи палон пулга баҳоланяпти. Уни ҳам “айириб” қўйишадик, кетмонга даста бўладигани ҳам, уйга тўсин бўладигани ҳам бир нархда. “Ака, нега бундай?” десангиз, “Россиядан шундай нархда юборишяпти”, дейишади. Нархи чақса ҳам, чақмаса ҳам сотиб олишга мажбурсан. Илож қанча. Машинага ёғочни ўша жойнинг ишчилари юклашади. Бири улкан краннинг тролларини ёғочларга боғлаб беради, кран кўтариб машинага юклайди. Шундан сўнг ишчи ёнинга келади:

– Ҳақи фалон пул.

– Эй ака, наҳотки, бир қўл урганингиз шунча бўлса?

– Сараладик, яна кранчи ҳам бор, сўнг бола-чақа.

Ҳа, “саралашган”. Сараланганидан қолганини боғлаб саралашган. Яна бевосита иш пайти ўз вазифаларини бажариш-япти-я. Ўзи ёғочнинг нархидан юраги безиллаб, изтироб чекиб

турган харидор яна кимларгадир хайр-эҳсон қилиши керак. “Меҳнаткашларга” инсофи билан чойчақа бериши тайин.

Бундай нохуш ҳоллар, бир-бирини ранжитиш, савдо ходимлари, таксиларда, ҳайдовчилар билан йўл назорати ходимлари ўртасида ҳам учраб туради. Майда-чуйда икир-чикирлар кишининг асабини бузади, таъбини хира қилади.

– Эй, оғайнилар, кимни ранжитяпсиз, кимнинг пулини шиляпсиз. Уй қураман, тўй қиламан, деб ўн йиллаб пул тўплаган, орзусини амалга оширмақчи бўлган ватандошингизними? Ёки бир бечора онахонними? У қишлоқдан Карманга келиб, нон олса-ю, келиб-кетишига палон пул тўласа, инсофданми? Аҳволи қанақалиги афти-ангоридан билиниб турибди-ку. Ҳайдовчи сўраган пулни бермаса, нонни уйига етказа олмайди. Ахир шаҳарга ҳар кун қатнаб, арзимаган маошга ишлайдиганлар неча пулга тушлик қилишини биласизми? Уларнинг ҳам рўзғори, бола-чақаси бор. Улар бировдан бир тийин олмасдан ўз маошларига яшашаяпти, қаноат қилишаяпти. Нега энди автокорхона ҳайдовчилари ёки баъзи бир савдо тармоқларидагилар “яшай” олишмаяпти? Умуман назоратчиларга ҳожат йўқдир. Ҳайдовчиларнинг ўзларига қўйиб бериш керак. Шунда воситачисиз ҳайдовчи ўзи билан машинасини ўйлайди, инсофли бўлади...

Инсоф, диёнат инсонийликнинг асл фазилати ҳисобланади. Бундай хислатни ўзида намоён қилаётган замондошларимиз юзлаб, минглаб топилади. Яқинда қишлоқда бир деҳқон ўз ҳўкизини гўштга топширмақчи бўлиб қассоб чақирди.

– Қанчадан сотасиз? – деб сўради қассоб ҳўкиз эгасидан.

– Ҳамма жойда нарх бир хил-ку, шунга қараб сўрайверасиз.

– Бошқа қассоб чақиринг! – деди у чўрт кесиб. – Мен сўйсам, шунча сўмдан сотасиз!

Ҳўкиз эгаси ноилож кўнди. Қассобнинг хоҳишига қаради.

Агар мол эгаси айтган нархида сотганда эди, унга яхшигина фойда қоларди. Энди-чи, у бундан қуруқ қолди. Қассоб эса бутун қишлоқ аҳлининг олқишини олди. Ҳа, дадиллик ҳам керак экан. Ахир бир кишининг бой бўлгани билан ҳамқишлоқларидан айрилиб, туяси тоққа чиқармиди?

Муҳаммад алайҳиссалом: “Яхшиликнинг кичкинасини ҳам кичик демай қилавер. Агар-чи челагингдаги сувни сув

олмоқчи бўлган кишининг челагига қуйиб бериш билан ёки биродарингга очиқ чеҳра билан юзланишинг билан бўлса ҳам яхшилик қил”, деганлар. Яхшилик қилишни ўрганайлик. Бу – инсоннинг буюк зийнатидир.

Халқи бой юрт обод бўлади, деганлар. Мен ҳам бу сўзга жон-дилим билан қўшиламан. Майли, бадавлат кишилар кўпайсин, фақат ҳалол меҳнатлари эвазига. Бировларнинг ҳисобидан бойиш Яратганга ҳам хуш келмайди. Шунинг учун халққа мададкор бўлиш, меҳрибонлик кўрсатиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиши керак, деб ўйлайман.

Вилоятимиз қайта тикланди. Бу ҳам диллардаги умидни бир оз бўлса-да чўлатди. Элимиз эзгу ишларга теранлик билан ёндаша бошлади. Шаҳримизга эндиликда келиб-кетувчилар сафи кўпаймоқда. Биз ўз хулқ-атворимиз, олижаноб фазилатларимизни намоён этиб, нафсимиздан қадримизни устун қўйиб, юртимизнинг довуғини оламга ёяйлик!

1992 йил

ИСТИҚЛОЛ, СЕН МЕНИНГ БАХТИМСАН!

Бундан роппа-роса 90 йил бурун хонадонда пешанасига аччиқ қисмат ёзилган чакалоқнинг чинқириги янгради. У эсини таниб-танитай аввал онадан, сўнг отадан айрилди. Икки опа билан етим қолди. Катта орзуларга лиммо-лим хонадон таназулга юз тутди. Болалар қариндошларга тақсимланди. Мулла Сафар деган поччам Облоқулнинг бошини силади. Қишлоқда оқил, билимли, кўпнинг маслаҳатгўйи, ҳимоячиси бўлиб танилган мулла Сафар бир ҳисобда текин хизматкорга ҳам эга бўлди. Каттагина ер-мулкка, мол-жойга эга бўлган бу хонадон юмушларига қорилиб, Облоқул вояга ета бошлади. Ота-она меҳри, қувончи унга насиб қилмади. Аччиқ қисматидан фиғон чекиб, бир тишлам қотган нонни асал деб, маломатни сийлаш насиҳат деб, тонгдан бошланган югур-югурдан тун қоронғусигача тиним билмай ишлаган кунларини шараф, деб билди.

Ногоҳ унинг кўксига шамол тегди, у қувонч кўз ёшлари билан туғилиб ўсган қишлоғига кириб келди. Инқилоб юз берган эди. У барчанинг қўйнига осмондаги ойни “солди”. Қизил ялов кўтариб одамлар тўкинлик, бахт кетидан йўлга

тушдилар. Бу йўл тик жарликка бориб тақалишини, атрофларини тиканли симтўрлар билан ўралганини ҳеч ким кўрмасди, кўролмасди. Таҳдид ҳамманинг бошини ҳам қилганди. Бу бахтдан Облоқул тенгқурлари қаторида ичдан севинса-да, севинчини ташқарига чиқаролмасди. Шундай бўлса-да, қалбдан инқилобга интилди. Мулла Сафар “замон сенга боқмаса, сен замонга боқ” қабилида кўрққанидан уч қизини ўз ёнидан тўй қилиб, уч ўрта ҳол йигитларга берди. Уларнинг бири ёшгина Облоқул эди. Ҳали рўзғор нималигини билмаган икки гўдакка “сенлар эр-хотинсан” дейишиб, бир уйга қамадилар. Йиғлаб, бири эшикдан, бири дарчадан қочишди. Қочиб қаерга ҳам боришарди?..

Камбағалпарвар мулла Сафар хонадонининг тинчи бузилди. Аввал ўзини “қулоқ” қилдилар. У йиғлаб-сиқтаб бу қишлоқдан чиқиб кетди. Кетсаям, бедарак кетди. Сўнг ўғлини ҳибсга олдилар. Навбат Облоқулга етди. Уни етимлик билан ўсганини ҳамма билса-да, етимни сийламадилар. Бойнинг қариндоши, думи дея пешанасига тамға босишди. Дунёга келганига лаънатлар ўқиб, қарийб ўн йил Сибир томонларда сарсон-саргардон кезди. Ажали етмаган экан, озиб-тўзиб, бир алфозда қишлоққа кириб келди. “Инқилоб” ишига бел боғлади. Звеновой бўлиб жазирама иссиғу қаҳратон қишда ҳам даладан кетмади. Мақтову олқишлар билан бири икки бўлмай, азобу қаҳатчиликларни бошидан ўтказиб, меҳнатга кўмилиб, бу оламни тарк этди.

Замона зайли билан яна истиқлол тонги отди. Бу тонг нурларини одамлар қувонч билан қарши олишди. Бу истиқлол ҳаммага бахт эшикларини очиб қўйди. Ана шу эшикдан кириб бахтингни ўзинг топ, дея эрку тилсимлар калитини қўлига берди. Бой-у зуккосини қурит демади. Аксинча, халқи бой юрт келажаги ҳам улуг бўлади, дея тадбиркорликка изн берди. Оти илдамлар бугун ўзини кўрсатаяпти. Истиқлол шарофатини кўз-кўз қиляпти.

Тўғри, боқимандалик кайфияти дастлаб бир оз қийинчилик туғдирди. Етар-етмаслик бўлди. Лекин ҳеч ким оч-яланғоч қолмади. Етиму қаровчисизлар, кўп болали хонадонлар ҳам давлатимиз, Президентимиз паноҳида бўлди. ИСТИҚЛОЛ барчадан кўз-қулоқ бўлиб, йўл кўрсатиб турди, йўл бўлганидаям нурафшон, истиқболи порлоқ йўл!

– Қимматчилик ва қаҳатчилик йилларида ўтдан, кунжарадан шишиб, очликдан қўплар ўлиб кетди. У замоннинг қай бирини айтай, болам. Бир тонг орқа эшик тақиллаб қолди, – дея эслайди онам Ситора Наврўз қизи. – Эшикни очсам, Маъмур кампир. Кўзида ёш, титрайди, “болам, бир тишлам нон сўраб, эрталабданоқ кўп эшикда бўлдим, ҳеч кимдан бир бурда нон тополмай сенга келдим. Қизим кўп кундан бери касал эди. Шу тун бир тишлам нон сўради. Касал интиқ. Остонангга бош уриб келдим”, дейди. Эрталаб болаларга етадиган бир бурда нонни иккига бўлиб, ярмини унга, “шоядки касал шифо топса” дея тутдим. Кампир минг раҳмату мулозамат билан йиғлаб кетди. Чошгоҳда Маъмур кампирнинг хонадонидан йиғи товуши чиқди. Билсам, бир пар нонни бемор кўзига суртиб апил-тапил ептию, кўз юмибди. Кампир ёшгина неварачаси билан чинқириб қолди. Гўдак ҳаётини сақлаш учун у ўзи емай топганини неварасига илиниб, оч-ноҳорликда бу дунёдан кетди...

Мана инқилобу халқпарварлик билан йўғрилган озодликнинг кичкинагина башараси. Ана шу “озодлик”ни парчалаб ташлаб, балқиб чиққан бугунги озодлик – бизнинг бахтимиз! Менинг бахтим! Бугун фарзандларим мактаблар бағрида яйраб билим оляпти, эркин ишляпти, жаҳон кезаяпти. Эркин яшаш, билим олиш, даволаниш, сайлаш-сайланиш ҳуқуқлари уларга шараф келтирмоқда. Бахтимиз қомуси – Конституциямиз бахт маёғи бўлиб порлаб турибди. Жаҳон айвонида ўзлигимизни танияпмиз. Ўзбекистон деган келажаги буюк юртга ҳамма ҳавас билан қараяпти. Бу юрт бизники, меники! Уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, гуллаб-яшнатиш ҳаммамизнинг бурчимиздир! Мана шундай юртда яшаш шараф! Бу шарафни Сизга, менга истиқлол берди. Истиқлол, бахту баҳоримсан!

1998 йил

БОЙЧЕЧАК ЧИҚИБДИ, БУГУН НАВРЎЗ ЭКАН!

Келди баҳор, гул баҳор,
Эриб битди оппоқ қор...

Болалик йилларимда ёд олган шеърларимдан хотирамда қолган ана шу икки мисрани ҳар йили баҳор борлиққа сепини ёйганда беихтиёр такрорлайман. Чунки сени севаман,

Наврўзим! Сен гўдаклигимдан қалбимга сингиб кетгансан, меҳримни тортгансан. Эсимни таниганимдан буён ҳар йили яшариш, улғайиш “юкини” елкалаб келаётган кунингда онажонимиз устимиздаги гуппи (пахта солиб тикилган олд ёқаси ёпиқ, елкадаги чоки боғич билан боғланадиган узун кўйлак)ни ечиб, читданми, бўзданми, ишқилиб ўша вақтда топилганидан кўйлак қилиб кийгизарди-да: “Болам, сен бир йиллик, мен минг йиллик, дегин” дердилар. Янги кўйлак тиколмасалар, эскиларини ювиб кийдирардилар-да, устимизни бут қилардилар ва “Болам, Наврўзда топ-тоза бўлиш керак. Янги кўйлак бўлмаса-да...” дея оёғимизга калиш ё бошимизга янги дўппи, чўнтагимизга дастрўмолча солиб қўярдилар (бу оиламизда анъана бўлиб қолганди). Ва биз болалар ҳар йили Наврўзни кутардик, кутгандаям интизорлик билан кутардик.

Яна бир гап, шу кун “қозон тўлди” бўларди. Гўжами, машовами, ўмоч, сиқмочми, ишқилиб оилада қишдан ортган нимаики бор бўлса, “Наврўз тўкинлик олиб келсин”, деган ниятда дастурхонга қўйиларди. Қишлоқ бўйича бир ерга қозон қурилиб, ҳар ким қурби етунча ун қўшиб сумалак пиширишарди. Ҳатто биз болалар ярим кечагача она-опаларимиз ёнида бўлардик. Эртаси кун эса бизга иш топиларди. “Ма, болам, фалон бибингга, фалон бобонгга ёки фалончиникига”, дея бир косами, ярим косами сумалакни қўлимизга тутқазиларди. Биз болалар қишлоқ бўйлаб кўнгил етарга сумалак тарқатардик. Ширин сўзу раҳматлардан бениҳоя хурсанд бўлардик.

Наврўз исмли бобомиз бор эдилар, тўқсон беш йил умр кўрдилар. Наврўз сайли, ҳайит қўшни қишлоқда бўларкан (у вақтлар қўшни қишлоқниям билмасдик). Бобомиз эрталаб барвақт йўлга тушардилар. Биз ҳам бобомизга қўмаклашган бўлардик. Эшак миниб, йўлга тушганларидан сўнг, ҳовлининг офтобрўя томонига чиқиб ўйин бошлардик. Кўзимиз эса бобомизнинг йўлларида. Сайлдан қайтган бобомиздан ҳолва, қанд, лойдан ясалган хуштақларни ундиргач, бобога “раҳмат” айтиб ё айтмай уйга, онамиздан “суюнчи” олгани югурардик.

Ўша кунлар биз учун энг қувончли, таърифига сўз топилмас бахтли, беғубор дамлар эди. Шу боис, баҳорни, Наврўзи оламни соғиниб, интиқиб яшардик, ўсиб-улғаярдик.

Кейинроқ, яъни улғайгач, Наврўз ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўла бошладик. Асрлар қаъридан келаётган

Наврӯзимиз тақдирида рӯй берган қора кунлар гувоҳи бўлдик. Наврӯз бошқа миллий қадриятларимиз каби қатағонга учради.

Бундан тўрт минг йилликларга бориб тақаладиган Сиёвуш қиссасида Афросиёб Сиёвушни ўлдиради. Сиёвушнинг жасади ўзи курган Бухоро ҳисорининг “Дарвозаи Фуриён” деб аталган шарқий дарвозаси ичкарасига дафн этилган. Бухоро оташпарастлари бу жойни азиз билиб, ҳар йили Наврӯз куни қуёш чиқмасдан олдин битта хўроз сўйиб, Сиёвушга марсиялар айтишган. Ёки “Наврӯз куни пайғамбар алайҳиссаломга ҳолва солинган кумуш жом ҳадя қилинган. “Бу нима?” деганларга “Наврӯз” деб жавоб берганлар. Пайғамбар “Наврӯз нима?” деб сўраган. “Улуғ ҳайит” деганлар... Кейин Пайғамбар ҳолвани еб, жомни (синдириб) суҳбатдошларига тақсим этган ва “Кошки биз учун ҳар кун Наврӯз бўлса эди”, деган”.

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” ва Бегунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида келтирилган ушбу ривоятларни ўқимаган, эшитмаган киши бормиди? Шу ривоятларнинг ўзида ҳам Наврӯзнинг нима эканлиги кундай равшан бўлиб турибди. Гап бунда эмас, гап динидан, эътиқодидан, удум-қадриятларидан, тилидан маҳрум бўлган халқнигина муте бўлиб яшашга маҳқум қилишга қаратилган сиёсатда эди.

Муқаддас ҳадисларда: “Жаноза ўқишлик сизларга вожибдир — ҳар бир мўминга, у яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам”, дейилган. Минг йиллар мобайнида урф-одатга айланган, умр бўйи шу заминга хизмат қилган, фарзандларни вояга етказган, не-не орзу умидлар билан ёруғ оламга келган инсонни сўнгги йўлга иззат-икром билан кузатишдек, буюк қадриятларни зўрлик билан йўқотиб бўларканми? “Жанозасиз дафн этилди”, деган нақадар даҳшатли сўздан Аллоҳнинг ўзи асрасин! Бироқ, жаноза ўқишни тақиқлашгача борган тузум қанча-қанча кишиларни жазога мустаҳиқ этди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида атеизм дафн маросимларидан тортиб тўйларни-да тартибга сола бошлади. Суннат тўйлари “туғилган кун” ниқоби остида ўтадиган бўлди. Никоҳ тўйлари “замонавий” тус олди. Наврӯз ҳам “Навбаҳор” дея янги либос кийди. Мактабларда, қишлоқларда мутасадди кишилар

назорати остида зўрма-зўраки “Навбаҳор байрами”ни нишонлашга интидилар. Лекин оилаларда, чекка қишлоқларда, барибир Наврўзни байрам қилардилар. Қадриятларини, урф-одатларини асраб-авайлашга интилардилар. Катта тарихга эга, буюк авлодлари билан фахрланадиган халқни доимо тизгинлаб туриш амри маҳол эди. Ахир, бир кун келиб, зардобга тўлган юрак жунбушга келиши, бухрон уйғотиши ҳақиқат эди. Ва шу кун келди ҳам. Мустақиллик барча орзу-ҳавасларни, эркинликни ҳадя этди. Юраклардаги дарду ҳасратларни кунпаякун қилди.

Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг илк кунлариданоқ миллий қадриятларимизни тиклашга киришди. “Ўзбекистонда инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш асрлар давомида шаклланган удумларни эъозлаш мақсадида” Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 12 февралдаги Фармони бутун ўзбек халқининг шодиёнасига айланди. Шу йили юраклар шодликка тўлди.

Наврўзга боқ!

Кўксида қанча чандиғи бор!

Искандару Қутайба, Чингиз санчган тиғи бор.

Бодомгули остида тагин қанча йиғи бор?!

Чусти дўппи кийганинг — Наврўз муборак Сенга! —

дея куйлади шоир. Наврўзни жону дилидан соғинган юртдошларимиз ҳар бир маҳаллада, мактабу корхонада, оилаю дўсту ёрлар даврасида шоду хуррамлик билан кенг нишонладилар. Шу ондан бошлаб Наврўз қора зулмат пардаларидан батамом халос бўлиб, яна одамларга бахт-иқбол, яшариш, гўзаллик, тўкин-сочинлик бахш этиб келмоқда.

Наврўзи олам келди — Ёшлик, Беғуборлик келди. Деҳқону чорвадорга Барака, элга Ризқ келди. Кучоқ очиб қаршиланг:

Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

Ҳамма бир-бирига жигарсўз экан.

ҚАЛБ КЎЗИНИ ОЧАЙЛИК

Ўтган асрнинг ўрталарида Тўйбой исмли йигитча Дулдул (Навбахор тумани) қишлоғига фельдшер бўлиб келди. Мўъжазгина фельдшерлик хонасида иш бошлади. Ундаги жиҳозларни таърифлашга ҳожат йўқ. Яқин атрофдаги хонадонлардан бирида ётиб-туришга жой топди.

Бу қишлоқни ҳозирги қишлоқ билан таққослаганда ер билан осмонча фарқ бор. Яшаш тарзи ҳам шунга яраша. Тўйбой “қишлоқ хароб, оилалар ночор экан”, дея ҳафсаласи пир бўлмади. Қайтанга бу ердаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш зарурлигини тушуниб етди ва виждонан ишга киришди.

Кўримсиз қишлоқ хонадонлари аҳволини туни узун қаҳратон қиш кунларида кўз ўнгингизга келтиринг: қамиш тўшалиб, устига шол ёзилган, бурчақда сандали. Уйда муздек ҳаво, оёқни шолга қўйсанг, зах миянғгача етиб боради. Сандалнинг бир томонида касал, бир томонида шифокор, қолган томонларида уй эгалари, бола-чақалари. У тушгача бемор қабул қилар, ўзича ташхис қўяр ва белгиланган вақтда даволарди. 4—5 чақиримга чўзилган қишлоқни кунига бир, баъзан икки айланарди, охири кўрган ёки оғирроқ бемори ёнида тонг оттирарди. У доимо ўқиб, изланарди. Тиббиёт қўлланмаларидан кенг фойдаланган ҳолда беморига ташхис қўярди.

Тез орада у ҳар бир хонадоннинг “Тўйбой” ига айланди. Оғир беморни у 15—16 чақирим узоқликдаги Янгиқўрғон касалхонасига жўнатарди. У вақтда телефону “тез ёрдам” деган гаплар қаёқда эди? Ўзининг ҳалол меҳнати билан эл ҳурматини қозонди. Инсон танламади, бировнинг луқмасига кўз тикмади. Қишлоқ аҳли оч бўлса — оч, тўқ бўлса — тўқ бўлди. Барчага бирдек ширин муомаласи, касал дилидаги ваҳми сўз қудрати билан қувиши, уларга қулиб, очиқ чеҳра билан бир оила аъзосидек суҳбатлашиши балки беморга энг яхши даво бўлгандир. Қайси хонадонга қадам қўйса, касал у ердан чекинарди. “Ана Тўйбой аканг келди, ҳозир отдек чопқиллаб кетасан”, дея она-ота боласига далда берарди. Ана шу ишонч, эътиқод беморни оёққа турғазарди.

Унинг бошқа жойга кетиши қишлоқ аҳлининг ҳафсаласини пир қилди. Чунки, одамлар уни ўз фарзандидек севиб

қолишганди. Ҳозир ҳам қишлоқ кексалари унинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Тўй-маъракаларда дуч келсалар албатта кўшқўлаб кўришадилар.

Бу воқеалар айнан ҳақиқат. Тўйбой қишлоққа маданият, зиё олиб кирди. Одамларни озодаликка ўргатди, касалликнинг олдини олишга чорлади, тиббиёт илмидан хабардор қилди, пировардида ўз мақсадига етди. Инсон одоби, ахлоқи, маънавияти, сўз қудратининг кучини кўрсатди, инсонпарварлик, қадр-қиммат уруғларини сочди, шифокор одобини тараннум этди.

Бугун биз янги жамиятда яшаяпмиз. Юртнинг азиз фарзандлари мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашда жонфидолик кўрсатмоқда. Барча жабҳада ислохотлар жадаллик билан боряпти. Ўзбекистонни жаҳон танимоқда, буюк давлат бўлиб келажак сари дадил одимламоқда. Шундай экан, биз ўзлигимизни таниётганимиздан фахрланяпмиз. Азиз юртни янада гуллаб яшнаши, равнақ топиши келажакка комил ишонч билан боқувчи, маънавий етук, қалби пок, ватанпарвар, инсонпарвар ёш авлодни камол топтириш, дилларга эзгулик уруғларини қадаш, атрофга теран, соф назар билан боқиш, тadbиркорлик, ташаббускорлик кўрсатиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Маънавият — инсон қалбининг кўзгуси. Маънавият камолга етганда иймон, эътиқод, ҳаёт, инсон қадрига тушуниб етиш, ички олам намоён бўлади. Зиммадаги масъулият, Ватан, халқ ишига садоқат, эзгуликка интилиш сингари ажойиб фазилатлар уйғунлашади, шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти “Юксак маънавияти бўлмаган халқнинг келажаги йўқдир”, деган гапи ҳақиқатдир. Яқинда Ислом Каримов журналистлар билан бўлган учрашувда “маънавият ишларини йўлга қўймай туриб, иқтисодий юксалишларга эришиб бўлмаслигини” яна бир бор таъкидлади. Маънавият ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта уни тиббиёт ҳаётига боғлиқ мисоллар билан тўлдириб боришни лозим топдик. Шифокор ўз маънавий комиллиги билан ибрат кўрсатувчи бўлибгина қолмай, маданият тарқатувчи зиёли ҳамдир. Унинг юриш-туриши, хулқ-атвори, муомаласидан кишилар андоза олади. У тозалikka, соғлом яшашга ундайди ва шу билан жамиятда янгича бир турмуш тарзи дарчасини очишга эришади.

Афсуски, бугунги иқтисодий қийинчиликларни бирма-бир енгиб ўтиш жараёнида баъзи бир салбий ҳолатлар рўй бераптики, бу маданият ва маънавият масалаларига етарлича эътибор берилмаётганлигини кўрсатиб турибди. Манманлик, мансабпарастлик, нописандлик, касбига нисбатан совуққонлик сингари иллатлар илдиз отяпти. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деганларидек, бу қусурларни халқимиз шундоққина кўриб-билиб турибди.

– Мен кишиларни икки тоифага ажратаман, – деганди Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Б.Ғаффоров. – Биринчиси халқ учун, эзгулик учун ёниб яшайди. Ўзига эл қалбида мангу яхшилик ҳайкали ўрнатади. Иккинчиси ўз манфаатини кўзловчи, бугунини ўйлаб, эл назаридан қолувчи шахслардир. Уларни мен сув юзидаги пўкакка ўхшатаман. Келинлар, ўз қадр-қимматимизни билайлик, ташаббускор бўлайлик, халқимиз соғлигини муҳофаза қилишда ичган қасамёдимизга садоқат кўрсатайлик.

Ана шу “пўкакка ўхшаганлар” жамиятимизга қаёқдан пайдо бўляпти? Бундай кишилар бугунги иқтисодий аҳволни рўқач қилиб, манфаатлари йўлида ўз қабиқларига ўралиб оляптилар. Улар ўқиш, изланиш, билим савиясини оширишга интилмайдилар. Қачонлардир олган билимларига таянган ҳолда замон фани янгиликларидан беҳабар бўлиб, ҳар томонлама ортда қоляптилар. Бу ҳатто, қабулхонада қатор турган бемор саломига алик олмай ёки гердаиб бош қимирлатиб ўтишда, беморни қабул қилиш жараёнида нописандлик билан назар ташлашда, муомалада, касалхонага қабул қилинган беморга соатлаб ёрдам кўрсатмай, уни қийин аҳволга солиб қўйишда ёки унинг қариндошларини кўргачгина даволашга киришишда, беморга “доринг билан кел, кейин даволаймиз” дея изоҳ беришда ва бошқа ҳолатларда яққол кўзга ташланиб турибди.

Бирники мингга, мингники оламга, дейдилар. Жамиятда битта маънавияти паст киши бўлса, шубҳасиз шу ердаги муҳит ривожига таъсир этмай қолмайди. Ачинарлиси, бундай ҳолат раҳбарлик лавозимида ишлаётган кишилар ўртасида ҳам учрайди. Маънавият, маданият тарқатувчи, шу куннинг янгиликларидан хабардор қилувчи, бу – матбуотдир.

Яқинда таҳририятга Шаҳодат исмли ҳамшира аёл кириб келди. У газетага обуна бўлганини айтarkan:

– Газетани ташкил қилганларга раҳмат. Икки йилдан буён газета ўқимагандик, десак хато бўлмас. Унинг бир сонини уйга олиб бордим. Болаларим сумкамдаги бошқа нарсаларга қарамай, газетани тортишиб қолди: бири “олдин мен ўқий” деса, иккинчиси “йўқ, олдин мен”, дейди. Хуллас, иккаласи ҳам уни сатрма-сатр ўқиб чиқишди. Ўзимизни, иқтисодни ўйлаб болаларимиз қизиқишини, интилишини ўйламабмиз. Ҳатто уларнинг матбуотга “очкўз” бўлиб қолганини сезмабмиз. Газеталарга обуна бўлиш ўзимиз учун ҳам, оила аъзоларимиз учун ҳам жуда-жуда зарурлигини ҳис қилдим, — дейди у тўлқинланиб.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда газетхонлик, журналхонлик, китобхонлик савияси пасайиб кетди. Бу маънавий бойлигимизни ошириб боришга ҳам таъсири тегди. Ана шу нуқсонларни тугатишнинг вақти етди. Келинг, азиз дўстлар, ҳар бир хонадонга газета-журналлар кириб боришига эришайлик. Ўз маънавияти, дунёқараши кенг, мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажига комил ишонч билан боқиб, ўзини эзгу ишларга урган замондошларимиздан ўрнак олайлик. Ундайлар орамизда кўп. Узоққа бормайлик, яқиндагина ҳукуратимиз олий мукофотига сазовор бўлган хатирчилик Муҳаббат Муҳаммадиева, вилоят марказий касалхонасидан Соҳибназар Соҳибов, Зарафшон шаҳридан Нина Шишкова, Ирина Соколова, конимехлик Ашилой Нурбоева, вилоят кўз касалликлари касалхонасидан Ўткир Мавлонов сингари эл ардоғига сазовор шифокорлар тажриба мактабидан сабоқ олайлик. Элимиз иззат-ҳурматига сазовор бўлган бу шифокорлар муваффақиятининг бош омили улар эл соғлигини ўйлаб, эзгу орзу-умидлар билан яшашидадир. Шу билан бирга юртимизда, жаҳонда рўй бераётган янгиликларни, ҳодисаларни теран кузатиб боришди. Миллий ғурур, қадр-қиммат, инсонпарварлик, истиқлол мафкураси доимо уларга ҳамроҳ ва улар бу хислатларни ўз жамоаларида ҳам мужассамлаштиришга интилиб келяптилар.

Ўз тарихимизга, динимизга, миллий қадриятларимизга истиқлол туфайли қайтдик ва ўзлигимизни, қандай буюк авлоднинг фарзанди эканлигимизни англадик. Ғуруримиз кўтарилди. Биз ана шу буюк элнинг фарзанди эканмиз, маънавиятли ва маърифатли бўлишимиз, келажак авлодни

заковатли қилиб тарбиялашимиз, эгнимиздаги оқ халатдек дилимиз оқ, қўлимиз пок, юрагимиз меҳр-муҳаббат билан тўлиқ бўлишига интилайлик. Ҳалол меҳнатимиз, ажойиб хислатимиз дилларимизга жо бўлсинки, у келажаги буюк Ватаннинг буюк халқига хизмат қилсин.

1997 йил

МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ

Донишманддан сўрабдилар:

– Инсон қайси умр фаслида ўзини кўпроқ бахтли ҳис қилади?

Донишманд:

– Кексаликдаги осойишта, муҳтожсиз ҳаёт инсоннинг энг бахтли ҳаётидир. Чунки, ёшлик баҳори фарзандлар, қайноқ ҳаёт кучоғида чарақлаб, ёшлик куч-ғайрати, шижоати билан ширин лаҳзалар оғушида ўтади, – деб жавоб берибди.

Мен кўп йилдан буён бир отахонни биламан. Ҳар доим ундан кўнгил сўраб туриш учун ҳаракат қиламан. Йигитлик даври – куч-ғайратга тўлган ёшлиги иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида, урушдан кейинги оғир кунларга ва жамоа хўжалигининг “чоп-чоп” ишларида ўтган. Ҳаётида бир афсусли жиҳат мавжуд. Тақдир уни оталик бахтидан бенасиб этди. Кексайганда чол-кампир икковлари ҳайҳотдек ҳовлида кўзлари эшикка термулиб ўтмоқда.

Отахоннинг юриш-туриши анча оғирлашган. Ёнига борсангиз, “бирпас ўтир, болам”, деб илтижоли тикилади. “Одам дардини одам олади, сен келувдинг, анча тетиклашиб қолдим”, дейди. Беихтиёр кўзига ёш айланади. Кампири эса билдирмайгина энг учи билан кўз ёшини артади ёки бирор нарсани баҳона қилиб нари кетади. Отахон, уруш, хўжаликда қилган ишлари, меҳмондорчиликлари ҳақидаги хотираларини қандайдир ички жўшқинлик билан ҳикоя қилади. Юзидаги сўлгинлик, ҳорғинлик ўрнида тетиклик, бардамлик намоён бўлади. Кетиш чоғимда, “тез-тез кўриниб тур”, дея илтижо қилади. Кейин “Охирги кунимгача ўзимдан, тилимдан қўймасин. Илоҳо, ҳеч кимга муҳтож бўлмайин, болам”, дея такрор-такрор таъкидлайди.

Қиссадан ҳисса: “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”да биринчи галда кексалар, етим-есирлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш ҳар бир киши учун ҳам фарз, ҳам қарз. Президентимизнинг ҳам “ҳомий деганда ён атрофдаги бевабечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизча тасаввур этамиз”, деганлари бежиз эмас.

Бундай савобталаб ишларга бош қўшаётган кишилар Навоий вилоятида минг-минглаб топилади. Улар сафи йил сайин кенгайиб борапти. Болалар спортини ривожлантириш, йўл-кўприклар қуриш, шаҳар-қишлоқларни ободонлаштириш, қадимий обидаларни асраб-авайлаб қадамжоларга айлантиришда ҳомийлар хизмати катта бўляпти. Навоий жоме масжиди ҳам уларнинг саховатпешалиги натижасида бунёд этилмоқда. Хотира майдонини қуришга ҳам ҳомийлар қўл чўзишаётир. Қилинаётган, қилинажак ишлар бисёр.

Шу билан бирга бирорта дардманддан ҳол сўраш, ширин сўзимиз билан унинг дилини равшан қилиш ҳам ҳомийлик эканлигини унутмаслигимиз даркор. Табибдан “қандай дард оғир дард?” деб сўраганларида, у “кексалик” деб жавоб берган экан. Бироқ бундай “дард” ҳаммага ҳам бирдек насиб бўлмаслиги мумкин. Демокчимизки, бугун улуг ёшларга етиб келган, ёшлигида элу юрт фаровонлиги йўлида оғиру енгилига қарамай меҳнат қилган отахону онахонларни бир дам ёлғизлантириб қўймайлик. Уларни “дард” исканжасида қолдирмай меҳр, қалб-қўри билан асраб-авайлаш, дуоларини олиш, ҳар бир кишининг шарафли бурчи бўлсин. Бугун қишлоқда яшаётган кексаларнинг аксарияти иккинчи жаҳон урушини кўрган, ўша даврларнинг оғир меҳнатини қилган заҳматкаш кишилардир. Кексалар ҳолидан хабардор бўлиб турадиган жамоа хўжаликлари деярли барҳам топди. Улар вориси бўлиб майдонга чиққан фермерлар қишлоқларнинг ободончилиги-ю, ҳомийлик ишларини бевосита зиммаларига олишлари шарт. Фермерми, ташкилотми, муассасами, корхонами, кўйинг-чи, қайси меҳнат корхонаси бўлмасин, шу ерда ишлаб, пенсияга чиққан, қарилик гаштини сураётган ходимининг ҳол-аҳволини доимо сўраб туриши, байрамларда

совға-саломлари билан дилларига нур, қалбига қувонч, юрагига ёруғлик бағишлаши жуда-жуда муҳим. Айниқса, умр лаҳзасини бахтли эмас, ғам-ташвишда, қийинчиликда, муҳтожликда ўтказаяётган ёлғиз кексалар, ногиронлар, “Меҳрибонлик уй”ларида тарбияланаётган қўнгли ярим етимлар ҳолидан тез-тез хабар олиш бу катта савобдир.

Шифокор беморнинг дардига малҳам бўлиб, уни оёққа турғазса, кексаю ногиронга ширин сўзини, меҳрини берса, бу ҳам ҳомийлик. Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган шифо масканларида бугун юзлаб, минглаб ана шундай қалби дарё шифокорлар борки, улар ҳалол хизматлари билан эл ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқдалар, эл корига яраяптилар. Бундай шифокорлар ҳақида Президентимиз: “Ҳеч шубҳасиз, юраги ва қалби тоза, ўзгалар учун фидо бўлиб яшашни ўзининг ҳаётий эътиқодига айлантирган одамгина бундай савобли ишларга қодир бўлади”, дедилар. Минг қатла шукурки, мустақил диёримизнинг ёрқин келажаги йўлида эътиқод билан ёниб яшаётганлар кўп.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ҳомийлар ва шифокорлар йили давлат дастури тўғрисида” қарор қабул қилди. Ушбу қарорда ҳам “Аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари, биринчи навбатда ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга аниқ моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўллаб-қувватлаш, кексалар ва ногиронларнинг интернат-уйларида, “Меҳрибонлик” уйларида, жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолган болалар мактаб-интернатларининг шарт-шароитларини яхшилаш”га алоҳида эътибор қаратилган. Ана шу йўналишда хайр-саховатга бел боғларкансиз, Куръони Каримнинг “Хайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг”, деган мўътабар оятларини шиорингиз, деб билинг.

Бугун ҳукумат дастури асосида ҳар бир муассаса ўз ички дастурларини ишлаб чиқмоқда. Уни бажариш раҳбардан оддий ходимгача катта мажбурият, катта масъулият талаб қилади. Саховатли она-заминимизнинг саховатпеша инсонлари йўлини нурафшон қилгувчи – бирни берса, минг қўшгувчи савобпеша йил – бу йил. Ота-боболардан мерос сахийлик, мардлик, олижаноблик, меҳр-оқибат юракларни тарк этмасин.

БОҒ ЯРАТАЙЛИК

“Биздан обод ва озод Ватан қолсин”, деган Президентимизнинг даъваткор, пурмаъно сўзларида катта ҳақиқат ва ҳикмат мужжасам. Кўҳна тарихда давлатчилик илдизлари чуқур томир отган она-Ватанимиз мустақил Ўзбекистон Республикаси номи билан жаҳон узра танилганига ҳам 15 йил бўлди. Бу йилларнинг ҳар бири бир асрга татиғулик, оламшумул янгиликларга, ўзгаришларга бой. Авлодлар ҳавас билан қабул қиладиган, кўз қорачиғидай асрайдиган Ватан кун сайин чирой очмоқда, юксалмоқда. Унинг ҳар бир гўшасини боғу бўстонга айлантириш, гулу гулзорга буркаш, бунёдкорлик ишлари билан сайқал бериш бугунги замондошлар олдида турган эзгу мақсаддир. Ана шу эзгу мақсадлар ҳақида гапирарканмиз, бир оз орқага назар ташлаб, бугунги муаммолар, эртанинг вазифалари ҳақида фикрлашайлик, дардлашайлик.

Яқин уч йил ичида амалга оширилган хайрли ишлар, бунёдкорликларга бир қўр кўз ташлайлик. Мозийдан дарак бериб турган обидалар: “Работи Малик – Сардоба ансамбли”, “Тошмачит”, “Қилич ота”, “Оқмачит” ва бошқа ўнлаб тарихий масканлар қайта таъмирланди. Жомеъ масжиди фойдаланишга топширилиш арафасида. Халқ таълимини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида ўн тўртта коллеж ва лицей, олтита янги мактаб биноси қурилди, 47 та мактаб қайта таъмирланди, 119 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатяпти. Албатта, улар тўлиқ замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Маҳаллалар ободонлашиб, ўз гузарларига эга бўляпти. Бугун қишлоқ болалари спорт мажмуаларида спортнинг турли йўналишларида куч ва маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Қўшма корхоналар, ишлаб чиқаришга мослашган фирма бинолари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектлари қад ростляптики, уларни санаб саноғига етолмайсан киши.

Вилоят ҳокимининг боғдорчиликни ривожлантириш, шаҳар-қишлоқларни гулу гулзорга бурканган обод, чиройли масканларга айлантириш борасидаги саъй-ҳаракати бугун ижобий натижасини беряпти. Охирги икки йил ичида ўрмончилик хўжалиги Навоий уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси томонидан бир миллион тупдан ортиқ турли хил дарахт,

гул кўчатлари ўтқазилди. Бундай эзгу ишдан ташкилот ва хўжаликлар четда қолгани йўқ. Шаҳарнинг қайси кўчасига кирманг, ранго-ранг гуллардан кўзингиз қувнайди, дил яйрайди. Алишер Навоий номли боғ ҳақиқий маданий ҳордиқ оладиган гўшага айланди. Худди шундай ҳолат вилоятнинг барча туман марказий кўрғонларида ҳам мужассам.

Боғлар яратиш, йўллар атрофига тупроқ-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар ўтқозиш, худудларда токзорлар барпо этиш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, кўзланган мақсадга эришишда қийинчиликлар юзага келяпти. Бу қийинчиликларнинг бош айбори масъулиятсизлик, лоқайдлик, ўзибўларчилик. Кўпчилигимизда ташаббускорлик, куюнчаклик етишмайди. Экилаётган кўчатларнинг шарт-шароити ё аниқ белгиланмайди, ё кўчат томири маълум сабабларга кўра зарарланган. Ё сув кўйиш масаласи чуқур ўйланмайди. Натижада минглаб туп ниҳоллар нобуд бўлиб кетяпти. Юз фоиз ундириб олишга ҳеч ким кафолат беролмайди. Барча имконият инобатга олинса, қарови муддатида ўтказилса, ҳеч бўлмаганда, олтмиш фоиз атрофида униши мумкин. Ана шуни ҳар йил ўтказилаётган юз минглаб кўчатлар мисолида ўйлаб кўринг...

Ота-боболаримиз тут ва ўрик дарахтларини кўпайтиришга эътибор қаратганлар. Сабаби оғир йилларда қишдан силласи қуриб чиққан кишилар эртаги мева — тутдан баҳраманд бўлганлар, қувват олганлар. Хурмача-ю хумларни тўлдириб шинни тайёрлаганлар. Бу дармон бўлган. Ундан кейин ўрик пишиғигача истеъмол қилганлар. Ўрик ейилиб, органини қиш гамига деб туршак қилганлар. Ўриқдан сўнг буғдой пишиғи... Хуллас, дилларда шукроналик.

Шу ўринда боболардан эшитган, ўтган аср бошларидаги бир воқеани айтиб ўтишни ўринли деб ўйладим. Қишлоқда ака-ука истиқомат қилган. У вақтларда баъзи деҳқонларда бир-икки танобдан ер бўлган. Ерларнинг атрофига, бўш жойларга тут, ўрик экилган. Катта аканинг ўриклари кўп экану, кичигида ери бўлса ҳам дарахт экмаскан. Ҳар йили болалари ундан фойдаланаркан. Ака укани бир неча бор дарахт ўтқозишга ундабди-ю, натижа бўлмабди. Бир куни туш пайтида укаси кўлида жом, ўрик тераётганига кўзи тушиб, унинг ёнига келибди.

– Сенга неча бор айтдим, ўрик эк, деб.

– Тўртга данакка ҳам наmunча қизғонмасайиз? Мана, барибир чириб-ириб ётибди-ку, – дебди зарда билан ука. – Шунинг учун ҳам ҳамма сизни зикра, дейди.

Уканинг жавоби акага оғир ботибди, шекилли:

– Э, ўша сени, – дея укасининг идишидаги ўрикларни тўкиб ташлабди-да, оғзидан бехос чиқиб кетган укага айтиш ножоиз ҳақоратли сўзлари учун “астаффируллоҳ, ўзинг кечир,” дея дили оғриб ортига қайтибди.

Аканинг ҳақорати укага оғир ботибди, шекилли, келаси йили акасиникидан икки-уч баравар кўп дарахт экиб, боғ яратибди. Ана шундай боғлар, тутзорлар 30–40-йиллардаги қаҳатчилик ва очарчиликлардан қишлоқ одамларини асраб қолган. Кейинчалик ерлар жамоа хўжалиги ихтиёрига ўтган. Ҳатто 50-йилларда бу чорвоқлар мевасидан биз ҳам баҳраманд бўлганмиз. Ўтган асрнинг ўрталарида ерларни кенгайтириш, жамоа хўжаликларини йириклаштириш сиёсати туфайли кўплаб сара навли тоқзорлар, чорвоқлар, ҳатто юз йиллик балхи тутлар кўпориб ташланди. Яна бир сабаб дарахт солиғи чиқарилганлиги хонадонлардаги дарахтларга ҳам қирон келтирган. Боғу бўстонга бурканган хонадонлару қишлоқлар хувиллаб қолган.

Шу ўринда тутчилик ҳақида икки оғиз гап. Юқорида тут мевасининг афзаллигини тилга олгандик. Пиллачиликниям тутсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ерларни кенгайтириш даврида кўплаб тут дарахтлари йўқотилганлиги пиллачиликда катта қийинчиликни юзага келтирди.

Яна тутчиликка катта эътибор қаратилди. Тутзорлар барпо этилди. Пиллачилик ривожланди. Бироқ, кейинги йигирма йил ичида бу соҳага нисбатан бироз эътибор камайгандек бўлди. Яна тутзорлар йўқотилди. Қанча меҳнат эвазига бунёд этилган дарахтлар ўрнида уй-жойлар қад кўтарди. Фермерлик ҳаракати бошлангач, жамоа хўжаликлари ўрнида уюшмалар ташкил этилди. Натижада хўжасизлик пайдо бўлиб, қиш чилласида борини ҳам чопиб йўқотиш пайига тушдилар. Бу ҳол бугун ҳам давом этяпти. Қарангки, етарли озуқа базасига эга бўлмаган фермер зўрма-зўраки пилла етиштиришга киришяпти. Қийинчиликларга дуч келяпти.

Вилоятда газлаштириш 80 фоиздан ошган бўлса-да, чекка қишлоқларда газ босими камлиги сабабли қиш пайтлари

гап етмаслиги ҳолатлари юз бермоқда. Бу ҳолат деярли ҳар йили такрорланишига қарамай, қишга тайёргарликсиз келиниши оқибатида табиатга тажовуз қилинаётир. Аҳоли ўртасида, маҳаллаларда кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилмаяпти. На маҳалла фаоллари, на табиатни муҳофаза қилиш қўмитасию на ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бу ишга жиддий ёндашади. Баъзан ариқ қирғоқларидаги яккам-дуккам бақувватроқ тол ё тутни чопиб, эшигигача сургаб келса-да, бирорта киши “ахир бу дарахт ота-бобонгдан қолганми? Қолган бўлса ҳам унинг руҳини чирқиратишдан кўрқмадингми? Ўзинг қишлоқнинг экологиясини сақлаш учун бирорта дарахт экдингми?” дея сўрамайди. Қайтанга, “анавининг боласи даладан ўтин қилиб келяпти. Бор, сен ҳам чопиб кел”, деб боласи қўлига болта бериб юборади.

Бу йил ҳам вилоятда 15 та ширкат хўжалиги фермер хўжалигига айлантирилди. Тутзорларни ҳам фермерларга бериш лозим. Фермер тутни парваришлайди, ҳосилдорлигини оширади. Барги ўзидан ортса, қўшни фермерга беради. Бу билан барг танқислигининг олди олинади. Мутахассисларнинг фикрича, тутлар 50–60 йилгача нав хусусиятини йўқотмайди. Бунинг учун тутзорлар йилига 6–7 марта суғорилиб, 120 килограмм азотли, 90 килограмм фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилиб борилса, тут умри янада узайиши мумкин.

Пиллачилик бир-икки йил оқсаган бўлса, у яна ривожланиш палласида турибди. Карманда, Хатирчида иш бошлаган пиллачилик корхоналарини хомашё билан таъминлаш, шубҳасиз, фермерлар ҳиссасига тўғри келади.

Шу ўринда, юқоридаги воқеани келтириш сабабига изоҳ бериб ўтайлик. Ўтган аср бошида ҳам ер деҳқон қўлида бўлган. Олиқ-солигини амалга ошириш учун ундан унумли фойдаланишга интилган. Кўпроқ ҳосил олса, оиласи тўкин бўлган. Ҳар қарич ер ҳисобда турган. Ҳатто ернинг атрофига мевали дарахтлар ўтқазилган, чорвоқлар барпо қилинган. Бугун ҳам ер деҳқоннинг қўлида. Фермер ташаббускор бўлиши лозим ва шарт. Ёнидаги фермерга ҳам ибратли ишлари билан туртки бермоғи, юрт равнақига даъват қилмоғи, имкониятдан имкон изламоғи даркор. Хўш, фермер ерга эга, давлат буюртмасига мос экин экади, унга ортиқча ер йўқ-ку, деган эътироз ҳам бўлиши табиий. Мисол, қишлоқда фермернинг 50 гектар

ери бор. Фермер ерининг ўртасидаги ариқлар, челлар, деҳқончилик экинларига яроқсиз озми-кўпми бўш жойларга турли-туман мевали дарахтлар, тоқзорлар, яхши барг берадиган тут кўчатлари, меваси минг дардга даво балхи тут ниҳоллари ўтқазиб, вояга етказсалар ҳам қишлоқ экологиясини яхшилайдилар, ҳам келажакда ипак курти озуқа базасини мустақамлайдилар. Ўзлари ва эл дастурхонини қишин-ёзин мевалар билан таъминланишига ҳисса қўшадилар.

Пилла, галла, пахта етиштириш бўйича юздан ортиқ фермер ўз мажбуриятларини бажармади. Уларнинг сабаблари ўрганилмоқда. Шу ҳақда икки оғиз сўз айтсак ножоиз бўлмас. Ер тендер орқали эгасини топаяпти. Афсуски, ер баъзи ҳолларда нафақат ўзи, балки ота-бобоси қўлига кетмон ушламаган “деҳқон”нинг қўлига тушиб қолаётир. Кўп ҳолларда қозоннинг қулоғини қаердан чиқариш устага боғлиқ, қабилида унумдор ерлар раҳбар лавозимида ишлаётганларга ёки уларнинг ошна-оғайниларига бериляпти. Деҳқон эса унумсиз ерга эга бўляпти. Бир-икки йилдан сўнг иложсиз ерни ташлаб кетяпти. Натижада ерлар қаровсизликдан ишдан чиқиб ёки мутлақо экилмай қолаётир. Баъзи тендер “ғолиблари” техникасиз нима иш қилишини билмай қолади. Ўзини уюшма деб ушлаб турган ташкилот келиб, шартнома тузиб кетишдан бошқасига ярамайди. Бу масалага урғу беришдан мақсад, тендерларда фирромлик қилмай, ерни эплайдиган, бурч, масъулиятни сезадиган кишиларга бериш керак. Ширкатлар ўрнида “бўй чўзаётган” уюшмалар фаолияти ҳақида ҳам бир тўхтамга келинса ёмон бўлмасди.

Яна бир гап: ҳар бир туманда 100–200 гектарлаб ер деҳқон хўжаликларига кўшимча томорқа сифатида берилган. Ана шу майдонларга илгари пахта экилиб, 30–40 центнердан ҳосил олинган. Давлатга фойда келтирган. Деҳқонлар ундан унумли фойдаланишяптими? Фақатгина бугдой ёки чорва озуқаси экишяпти, холос. Баъзи ҳолларда умуман ерлар экилмай қолмоқда, ёввойи ўт босиб кетган. Ер ишлаши, ҳосил бериши, эл-юртга қут-барака киритиши лозим. Бу ҳақда ўйлаб кўриш фурсати етди.

Масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, шартноманинг моҳиятини англаб етадиган фермер меҳнат қилади ва сўзининг устидан чиқади. Бироқ фермернинг ҳосили етилдими бас,

унинг тинчини турли ташкилотнинг мутасадди ходимлари буза бошлайди. То ҳосилни топшириб тинчимагунча, сўровчилардан, “келди- кетди”лардан юраги безиллаб туради. Фермер нима учун улардан хафа бўлади? “От қўювчилар” фақат ҳосил етилганда эмас, йил — ўн икки ой улардан хабардор бўлсин. Экин турларини танлаш, ерларни шудгорлаш, дов-дарахтларни ҳимоя қилиш, ёқилғи-мойлаш, ўғит ва бошқа зарур воситаларни вақтида олиш, сув, электр энергияси, газ таъминоти масаласи сингари ишларда ҳам мадакдор бўлсин. Тез-тез деҳқон ҳолидан хабардор бўлиб турсалар, кўзланган режаларга мустаҳкам пойдевор яратилади. “Ҳа, бўл” демаса ҳам шартнома шартлари муддатида ўз ечимини топаверади.

Мақсадга қайтайлик. 2006 йилда 72 гектар янги боғ барпо этиш, 934 гектар майдондаги боғларни янги кўчатлар билан тўлдириш, Қизилтепа — Аэропорт — Кармана йўналиши бўйича йўлнинг икки томонида дарахтзорлар, гулзорлар барпо этиш кўзда тутилмоқда. Бу юз-икки юз минг туп дарахт ва гул кўчати ўтқозишни тақозо қилади. Ўрмон хўжалиги ва қатор ташкилотлар бу борада ўз тадбирларини ишлаб чиққанлар. Барча-барчанинг эзгу мақсади эл-юрт фаровонлиги, тўкин-сочинлиги йўлида хизмат қилиш бўлсин. Озод Ватанни янада обод этиш, боғ-роғлар яратишга ёниқ иштиёқ ҳар бир қалбда туғён урсин. Янги-янги боғлар яратайлик, борларига асло болта урмайлик.

УМР ЛАҲЗАЛАРИ

ёхуд

САДОҚАТ

— Қизим, Зиёдни танийсан, ўша ўртага одам қўйиб сени ўғлига сўраяпти, — дея оҳиста гап бошлади она. — Ҳали ёшсан, кўз тутганинг билан... — Она қизининг кўнглига тегиб кетишидан қўрқдими, бир дам тин олиб, сўнг сўзида давом этди: — Эсли-хушли йигит, қўлида яхшигина хунари бор...

Зулфизар кўкимтир майда-майда гулли оқ чит кўйлаги устидан кийиб олган бахмал нимчасининг этаги учини бурай-бурай ўйга чўмди. Фақат бармоқлари ҳаракатини демаса, она-бола ўртасида оғир сукунат юзага келди. Бироқ она қизидан

жавоб кутиб, унга жавдираб қарайди. Ортиқча бирор сўз дейишга юраги дов бермайди.

— Онажон, ноўрин бўлса-да, уни чақирсангиз, икки оғиз гапимни айтсам, ўшандан сўнггина тақдиримга тан берармидим, — деди у ерга қараганча маъюслик билан.

— Майли болам, ниятинг шу бўлса, — дея она хонадан оҳиста чиқди. Эшик “ғийқ” этиб ёпилганидан кейингина, Зулфизар бошини кўтарди. Сассиз ўрнидан туриб, токчадаги китобни очиб, орасига қўйилган кафтдек келадиган суратни олди. Бошида фуражка, ҳарбий кийими устидан елка оша белига камар тортилган, чехрасида қатъийлик ва шижоат барқ уриб турган йигит унга боқиб турарди. Кўзларида ёш ҳалқаланди. Кўз очиб кўрган, қалбдан севиб ардоқлаган, бир умр тотли турмуш кўриш орзуси билан уни қувонтирган инсон қани? Қани унинг тахти-бахти? Қани бахтиёр келажак умидлари? Йўқ, у бу дунёда йўқ энди. Барча ниятлари саробга айланди. “Лаънатлар бўлсин, урушга! Маматжон, Маматжон!..” Кафтларини юзларига босди, гавдаси эгилиб, елкалари титрай бошлади...

...Эшикдан опаси, кетидан паст бўйли йигит кириб келиши билан у ўрнидан туриб йўл берди. Бошига ташлаб қўйган шол рўмолини пешанаси, юз-кўзлари билан ўраб оларкан, эшитилар-эшитилмас салом берди. Опаси йигитни ўтиришга таклиф қилгач, унга бир сирли нигоҳ ташлаб, ортига қайтди. Зулфизар меҳмон йигитнинг илтифотидан кейингина ўзига келиб, ийманиброқ пойгак томонда тўшалган кўрпачанинг бир чеккасига ўтирди. Боши эгик ҳолда зимдан эшик томонга қараб қўйди. Яна сукутга чўмди.

— Гапингиз бор экан.

Секингина айтилган бу сўзлар ногаҳон Зулфизарга жуда узоқ-узоқлардан эшитилгандай туюлди. Яна зерикарли сукунат. Бир неча лаҳзадан сўнг, у кафтлари орасидаги суратни оҳиста тиззасига қўйди.

— Мени... фақат шу сурат... у билан дийдорлашиб туриш бахтидан бенасиб қилмасангиз...

* * *

— Онажон, суюнчи беринг, ўғил неварали бўлдингиз, — ўғил келиб онани қучиб қутлади. Бу пайтда она-ота эндигина эрталабки нонуштага ўтиришганди. Барчанинг юзида севинч. Бир-бирини фарзанд, невара билан қутлашди.

– Отажон, исмини ўзингиз қўйиб берасиз?

Ўғил чиқиб кетгач, Зулфизар эрига, бахтига шукуроналар айтаркан, назари уй тўридаги деворга, ундаги катталаштирилган Муҳаммаджоннинг суратига тушди. Чехрасидаги шодлик маъюсликка алмашди.

– Бахтиёр неварамга...

Зулфизар иккиланди. Андиша эса бошлаган гапининг охирига етказишига йўл қўймади. Зиёдулла ака аёлининг дилидаги гапни ҳис қилганди.

– Неварамизнинг исмини Муҳаммаджон қўямиз, онаси, – деди беихтиёр.

* * *

Юзи қиблага қараб ётқизилган бўлса-да, кираверишдаги эшикнинг эҳтиёткорлик билан очиб-ёпилиши унинг мажолсиз нигоҳларидан четда қолмади. Киприklar билинар-билинемас очилиб-юмилди.

– Маматжонмисан? – дея лаблари пичирлади. Зиёдулла бобо бемор ёнида бошини қуйи эгганча унсиз ўтирибди, қўйнига қўл тиқиб, яктаги орасидан дастрўмолчасини чиқариб юзини артмоқчи бўлгандек, киприklarидаги кўз ёшини билдирмайдигана артиб қўйди. У эшикка юз буриб, “келмадимми” дегандек имо қилди. “Йўқ” жавобини олгач, яна боши қуйи эгилди. Дил безовта. “Нима қилдийкин. Ўқишдан бир кунга жавоб олиб келса бўлади-ку. Кечадан бери интиқ бўлди-да, аттанг...”

Уйга шахд билан кириб келган ўспирин йигит “бувижон”, дея бемор қаршисига тиз чўкиб, кўзларида ёш билан кўксига бош қўйди.

– Маматжон, болам...

Деярли жонсиз қўллар оҳиста ҳаракатга келди ва Муҳаммаджоннинг юз-кўзларини, сочларини силай бошлади. Бу қўллар ўн саккиз йилдан буён Муҳаммаджоннинг сочи-ю юзларини силаб ниманидир излади, кўзлар интиқ бўлди. Нимадандир дил таскин топди. Барча ўғил невараларидан кўра унга ўзгача меҳр қўйди, меҳридан баҳра олди. Сўнгида ҳам интиқлик билан кутди. Худо ниятига етказди, бу дунёдан кўзи орқасида кетмайдиган бўлди. Оқариб бораётган юзида бир лаҳза мамнунлик акс этди...

Сўнги дам Зиёдулла бобонинг қалбини ларзага солди. У бир умр қалбида эндигина куртак очган соф муҳаббатини

ардоқлаб ўтган садоқатли аёли қаршисида бош эгди. Ўзи, фарзандлари учун азиз, меҳрибон бўлган бу муштипар аёл мангуга кўз юмишини билган бобо кўзларига ёш олди. Сўнг кўз ёшларини артиб, ҳаётининг азиз онларини, тотли дамларини бирга ўтказган аёлига охириги марта назар ташлади, қўллари қалтираб унинг кўзларини юмганча, юзларини сийпалади...

РАЗОЛАТ БАНДАЛАРИ

Эшик кўнғироғи кетма-кет жиринглади. Кечаги ичкилик-бозликдан карахт ётган эр-хотиннинг қулоғига бу товуш элас-элас эшитилгандек туюлиб, кўзларини очишга ҳам мажоли келмади. Узлуксиз жиринглашдан кейин Жасур хотинига ўгирилди ва “Надюша, эшик...” дея уни туртди. Хотини кўзини очмай, “Бор, қара” деди-ю, чойшабни устига туртди.

Жасур ўрнидан туриб, эшик илгагини чиқариб, қулфни очиши билан ичкарига икки-уч нафар милиса ходими ёпирилиб кирди.

– Надя, Надюша... Тамом! – деди-ю Жасур бўшашиб, деворга суяниб қолди.

– Икковингиз ҳам қамоққа олиндингиз, кийининг!

Жасур кийинаркан, ухлаб ётган ўғилчасига, қизчасига қараб титраб кетди, кўзларидан ёш чиқди. “Нима қилдим, мен, мен”, деди ўзича гарангсиб. У эшик томон юрди...

Қамоқхонанинг темир эшикларидан ичкари кираркан, зулмат босган юрагига гулгула тушди. Ўзи учун ажратилган хонада тик турганча чор-атрофга қаради. Сўнг курсига оҳиста чўкди. Тирсагини тиззаларига қўйганча, бошини кафтлари орасига олиб, бир зум ерга тикилиб турди. Кейин яқиндагина содир этилган воқеаларни эслади-ю, беихтиёр, тилидан ушбу сўзлар учиб чиқди: “Хом сут эмган банда, аҳмоқ, нодонман-а!” Шу асно елкаси титраб, бўғзига кўз ёш тикилди.

– Барчаси тамом... Онажон, отажон. Болаларим, мен аҳмоқлик қилдим. Энди нима деган одам бўлдим? Нега менинг кўзларим илгарироқ очилмади! Ахир, бу кўзлар чарақлаган нигоҳларга тўла эди-ку?! Кечиринглар, мен...

У беҳол деворга суяниб, темир панжарали кичик туйнук ва шифтга қаради. Ҳали кишан изи кетмаган билакларига разм солди-да, ўйчан тикилиб қолди.

Ўшанда 4-синфда ўқирди. Бир куни эртароқ мактабдан “қуён” бўлди. Биров кўриб қолмасин, деган ҳадик билан катта йўлдан эмас, пахтазор оралаб кетган ариқча бўйлаб юрди. Ариқча, пахтазор тугагач, ўтпояннинг чеккасидан оқарди. Бу ер билан пахтазорни кичикроқ зовур ажратиб туради. Шу томон ўтаркан, даланинг четида ўтлаб юрган саман отга кўзи тушди. Отнинг орқа бўксаидаги оқ-қора гардишсимон, табиат ато қилган чиройли “безаклари”га маҳлиё бўлиб, бир зум нигоҳини узолмади. Сумкасини ерга қўйиб, отни томоша қила бошлади. “Нега юрмайди. Фақат бир жойда ўтлайверадими? — деди ўзича. Худди унинг шу гапини кутиб тургандек от олдинга икки оёғини баробар кўтариб, ярим метрча сакради. — Ҳа энди билдим, сен жониворни тушовлаб қўйган эканлар-да! Эҳ, сениям ақлинг бўлсайди, шу кўйга тушмасдинг. Мана мендек мактабга борардинг, ўқирдинг. Ўшанда, ўтларни босмасдинг, майдонни пайҳон қилмасдинг ва мазза қилиб тушовсиз, эркин, бир чеккасидан еб, далаларда юраверардинг. Шундай оғайни, — дея ўзича гапириб, кайфияти чоғ бўлиб кулди-да, кўшиб қўйди: — Ҳа, ақл-идрок, фаросат керак, оғайни. Эркинликка нима етсин...”

Жасурнинг фикри-ўйи яна бугунги кунига қайтиб келди.

— От-ку бир жонивор эди. Мен-чи? Фаросатли, онгли, анчамунчага ақли етадиган одамман-ку?! Тушовланган отдан камлигим қолдими? — деди алам-надомат билан ўзига-ўзи ва кўзларини юмди. Киприклари орасидан кўз ёшлари сизила бошлади...

Жасур мактабни ўртамиёна баҳоларда тугатди. Ўрта бўй, қомати ўзига ярашган. У яхши хулқи, муомаласи, оддийлиги билан бошқа тенгдошларидан ажралиб турарди. Оилада яхши тарбия кўрди. Ҳарбий хизматда юрганида ҳам ота-онасига бир нечта раҳматномалар келди.

Аслида, Жасурни Жасур қилган ота кетмони эди. Шу кетмон орқасидан оилада беш фарзанд вояга етди, усти бут, дастурхони тўкин, ҳеч кимдан кам эмасдилар. Эшикда доимо сигир, қўй-эчки бўларди.

— Дада, ҳўп десангиз, чўлдаги катта шаҳарга ишга бораман. Амаким ўша ёқда ишлаб, катта маош олаяптилар. Менга ҳам ёрдамлари тегар, — деди бир куни отасига.

— Шу қишлоқда ҳам ризқ топиб яшаса бўлади. Бу ернинг бир пар нони ўзга ерникидан ширин. Еганинг ўзингга юқади... Ўйлаб кўр, болам.

...Амакиси “мени қора тортиб келибди”, дея уни заводга, ўзига шогирдликка олди. Албатта, бунгача анча елиб-югурди. Четдан келган кишини ишга жойлаштириш машаққат. Бироқ, Жасурнинг ёқимтойлиги, тили бурролиги ҳам иш берди. Заводда ишлаш деҳқончиликдан минг бора машаққат.

Жасур ҳаш-паш дегунча, ишни пухта эгаллаб олди, разряди ошди. Ҳатто, пул орттириб қишлоққа юбориб турди. Шунинг мадади билан отаси унга атаб ҳовли-жой қилди...

Энди дискотеларга йўли туша бошлади. Ана шундай ўйин-кулгиларнинг бирида у Надя билан танишиб қолди. Надя сарғишдан келган, қошлари командек, кулиб турадиган қиз. Учрашувлар севгига, севги тўйга, тўй вафо-садоқатга айланди.

Иккаласи яхши тилаклар билан бир ёстиққа бош қўйиб, оналару оталар ишини давом эттиришди. Тўғри, Жасурнинг ота-онаси бу нигоҳга илгари рози бўлмади. Улар келиннинг чиройлигига тан берсалар-да, фарзандлари у билан бахтли бўлишига шубҳа қилишди. Ўғил ўз аҳдида қолавергач, “Худонинг хоҳиши шудир-да, севишибдилар, бахтли бўлишсин”, дея фотиҳа беришди.

Надежда ҳам, Жасур ҳам яхши маош олишлари туфайли оилалари тўкин, муҳтожлик сезилмасди. Завод маъмурияти ёш келин-куёвга икки хонали уй берди. Улардан бахтли одам йўқ эди, дунёда. Оилада ўғил туғилгач, қувонч устига қувонч қўшилди.

Семизликни қўй кўтаради, деганларидек, тўқликдан шўхлик чиқа бошлади. Жасур ишдан кеч келадиган, хотинига хархаша қиладиган бўлди. Ҳатто амакининг гапини қулоғига олмай қўйди. Қишлоққа боришни эсидан чиқарди. Бу орада қизи туғилди. Надежда сабр-бардош билан эрининг инсофга келишини кутди.

Жасур ичкилик туфайли икки марта огоҳлантирилди. Йиғилишда уни инсофга чақирдилар. Жамоага ҳадеб ортиқча юк бўлавергач, ишдан ҳайдалди. Надежданинг болалари ёш бўлганлиги учун ишга чиқолмасди. Жасур ишсиз, кўчада санқиб, ўзига ўхшаганлар билан кун ўтказиб, уйга кеч қайтади. Сабр косаси тўлган хотини бир кун унга:

— Қара, ҳатто болага сут олишга ҳам пул йўқ. Токайгача онамга йиғлаб бораман? Эсингни йиғ, бир ишнинг бошини ушла! — дея йиғлади.

— Ишга чиқ, болага мен қарайман, — деди Жасур.

– Виждонинг борми, ўзи?! Ёш болани уйга ташлаб-а?

– Надюша, тутоқма, қара, қандай чиройлисан. Сенга ким ҳам суқланиб боқмайди. Ким бўлса ҳам бағрига боссам, дейди. Шундайми?.. Нега шу чиройингдан фойдаланмайсан?..

Хотини гапнинг маъносига тушунди. Эрининг юзига шапалоқ туширганини сезмай қолди...

Наилож, Надежда ишга чиқди. Лекин унинг топгани, еб-ичиш, болаларни кийинтиришга етмасди. Жасур бўлса, кўчадан бери келмас, бир-икки топган тангасини ҳам ўзига яратарди. Баъзи кунлари ҳатто хотинидан пул сўрайди. Бир куни ишдан қайтган хотин эрига деди:

– Жасур, биласанми, мен бугун нима билан келдим?

– Нима билан келдинг?

– Автобус бекатида турсам, ёнимга бир чет элликнинг машинаси келиб тўхтади. Ҳайдовчи “келинг, мен ҳам шу ёққа боряпман, ташлаб ўтаман”, деди. Мен иккиланиб турдим-да, сўнг машинага ўтирдим. У мени чойга таклиф қилди. Унамадим.

Жасур ўйланиб турди-да:

– Бекор қилибсан, танишиб олсанг, яхши бўларди. Фойдаси тегармиди? – деди Надяга.

– Бор-е, сенга гапирди нима-ю, – деди хотин ноз-фироқ билан ошхонага кириб кетаркан.

Орадан икки кун ўтгач, Надежда “бугун мажлисим бор, кечроқ келаман, кўчада юрмай болага қара”, деб ишга чиқиб кетди. Жасурнинг бугун омади келмади. Улфатлардан бир иш чиқмади. Боши оғриб, нима қиларини билмай, дам у ёққа, дам бу ёққа борди, кўзини эшикдан узмади. Тун ярмидан ошяптики, хотинидан дарак йўқ.

Ниҳоят, эшик кўнғироғи жиринглади. У дарҳол эшикни очди. Хотини эшикка суяниб турарди.

– Қалай, маъқулми? Менам сендай бўлдимми? Туфлимни еч!

Жасур хотинининг туфлисини ечиб, уйга бошлади. Надежда сумкасини очиб, бир даста пулни эрининг башарасига отди-да, бир шиша ароқни эрининг қўлига тутқазиб: – Мана буни заққумингга ичиб ол! – деди.

Жасур ароқни олди-ю, ошхонага югурди. Бир пиёла ичиб, сал ўзига келгач, хотинининг олдида чўккалаб, пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

– Нима қилдим сени мен?! Бундан кўра, ўлганим яхши эмасми?.. Мени кечир, азизам, кечир мени...

Надежда ичкилик, чарчоқдан карахт, ҳеч нарсани сезмай ётарди. Гадоё бир эшикдан ўтгунча, деганларидек, Жасурнинг биринчи имтиҳони оғирроқ кечса-да, кейин лоқайдликка берилди. Энди хотин қачон “ишдан” келса, унинг сумкасини кавлайдиган бўлди.

Бир куни Надя Жасурга жазманининг уйида тилла буюмлари борлигини мақтади.

– Надюша, бир гап айтсам...

– Гапир. Олдин гапингни эшитайин-чи?

– Жазманингни бир ёқлик қилсак, барча бойликлари бизга қоларди.

– Эсинг жойидами?! Қандай қилиб?...

Жасур ўз режасини тушунтирди. Иккиланиб турган Надежда бунга рози бўлди. Тун яримида Надежда оҳиста қадамлар билан йўлакка кириб кетди. Шериги дарахт панасида турди. Надежда шарпасиз қайтиб келди ва шеригининг кулоғига:

– Негадир уйида ҳеч ким йўқ. Эшикни очмади, – деб шивирлади.

Орадан ярим соатлар ўтгач, машина чироғи ҳовлини ёритди. Улар ўзларини панага олишди. Машинадан ширакайф киши тушиб, уйига йўналди.

– Келди, – шипшиди аёл. Озгина фурсат ўтгач, бири иккинчисига “бор” дегандек имлади. Кўланка уй сари одимлади...

Эшик қўнғироғини уч-тўрт босишга тўғри келди. Эшик очилиши билан Надежда лип этиб ичкарига кирди ва уй соҳибини ҳайрон қолдириб, унинг бўйнига осилди.

– Надюша, бугун учрашувга келишмагандик-ку?

– Сени жуда соғиндим. Кўргим келаверди...

– Кир ичкарига. Бугун жудаям очилиб кетибсан... Мен бугун чарчаганман. Сен қаҳва тайёрла, мен унгача бир чўмилиб чиқай.

Бу аини муддао бўлди. У тезгина қаҳва тайёрлади. Қаҳвага уйқу дори қўшиб, кейин мижозига тортиқ этди...

Надя дераза пардасини суриб, шеригига ишора берди. Шу заҳотиёқ дарахт панасидан чиққан шарпа тезлик билан

ичкарига кирди. Хонадон соҳиби мириқиб ухлаб ётибди. Надежда сумкачасидан ингичка, пишиқ арқонни олиб шеригига узатди. Иккаласи ишга киришди. Жасур “мижоз”нинг бўйнига ташланган арқоннинг икки учини тортди, Надя эркакнинг оғзини беркитиб, эрига ёрдамлашди. “Ошиқ” аввал жон ҳолатда талваса қилди. Ниҳоят, “маъшуқа”сининг қўлида бир-икки тўлғаниб, охири тинчиди.

“Ошиқ” тинчигач, икковлон арқонни сиртмоқ қилиб, бўйнига солишди... Шундан сўнг каравот оёғига ўзини-ўзи осиб қўйгандек қилиб, жасадни осиб қўйишди-ю, апил-тапил унинг бўйнидаги, қўлларидаги олтин занжиру соатларни юлиб олишди. Олиб келган қопчаларига қимматбаҳо буюмларни жойлаштириб, оҳиста “қуён” бўлишди. Улар қоронғу зулмат қўйнига киргач, ишни хамирдан қил суғургандек қойилмақом қилганларидан ўзларича мамнун эдилар. Бироқ, қаршидаги уй деразасидан уларни кўриб қолган кишининг нигоҳларини сезмай қолишган эди...



ҲАЁТ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ВИДОЛАШУВ

Мен одатдагидек барвақт йўлга тушдим. Чунки эртанги ишим ҳамиша баракали бўлади. Йўл-йўлакай бир ташкилот бошлиғи билан учрашиб ўтиш истаги туғилиб, кўча четидagi олди ойнаванд ҳашаматли иморатга қараб бурилдим. Қабулхона эшиги очиқ турган экан, бемалол ичкарига кириб бошлиқ хонаси томон йўналдим. Эшиги маҳкам бўлгани учун қабулхонадаги столга яқин турган стулга ўтирдим. Журналист халқининг одати қизиқ-да, газетами, китобми, журналми, ишқилиб кўзи тушса, бир кўрмаса қўймайди. Мен столда турган қабулхона дафтарини оҳиста қўлимга олдим. Дафтар остида турган қандайдир машинка ёзувида ёзилган варақ ҳам қўшилиб келди. Столга қўймоқчи бўлиб, унинг бир-икки сатрига нигоҳим тушди. Беихтиёр дафтарни қўйдим-да, номақбул бўлса-да, уни ўқишга тутиндим.

“Мен учун азиз бўлган Салимжон ака! Авваламбор сизга мен хат ёзганимдан таажжубланманг. Шунақаси ҳам бўларкан. Мана бир неча кундан бери учраша олганимиз йўқ. Ишга бошқа автобусда келяпман. Лекин сизга ҳар куни илиқ саломимни йўллаб турибман, етказаетган бўлсалар керак. Тўғриси, сиз келаётган автобусга чиқсам нигоҳларимиз тўқнашадди. Ўзимни ноқулай сезаман, қалбим безовта бўлади. Шунинг учун ҳам ўзимни узоқроқ оляпман. Шундай қилганим яхшироқ, деб ўйлайман. Сабабини сўраяпсизми?”

Салимжон ака, сиздан узоқлашишни сира-сира истамайман. Бироқ... Ўшанда сиз ишхонамизга келдингиз. Сиз билан шундай берилиб суҳбатлашаётган пайтимиз бошлиғимиз бизни зимдан кузатган. Сиз кетгач: “Бу йигит ким?” деб сўради. Мен иккиланиб исмингизни айтдим-у, “қариндошим” дедим секингина. “Суҳбатларингиз қариндошча суҳбатга ўхшамайди-ку?” деган саволларига ҳам, “Йўқ, қарин-

дошимиз, жияним”, дея жавоб қайтардим. Аммо негадир у киши ишонқирамасдан индамай кўйдилар. Сиз, балки “сени тергашга нима ҳаққи бор”, дерсиз. Албатта, шундайдир. Бироқ, у киши мени жуда ақлли, ҳаёли аёл, меҳрибон она, оиланинг сеvimли бекаси сифатида ҳурмат қилади. Яна қалбларарида менга қандайдир илиқлик борки, мен буни чуқур ҳис этаман. Орамизда эса бошқа ҳеч қанақа гап-сўз йўқ. Ўшандан бироз ўтгач, “Синглим, ҳамиша тўғрисини айта билишни ҳам ўрганиш керак”, дея кўшиб кўйдилар. Нега бундай дедилар? Буни мен кейин англаб етдим.

Мен негадир ўша куни ўзимча анча изза тортдим. Алдамасам ҳам бўлмасди. Ахир қандай ва қайси юз билан эрим, гулдай болаларим бўла туриб «шу йигит билан юраман», дея оламан?! Ва шу куни биринчи марта ҳаётимда ўзимга-ўзим ҳисоб бердим, десам хато бўлмас. Шундай бўлса-да, сиз билан онда-сонда учрашиб турдик. Узоқлаша олмасдим, қандайдир куч мени сиз томонга етакларди, ихтиёримни оларди. Қийналсам ҳам барибир сизга интилардим. Яна бир куни сиз кўнғироқ қилиб қолдингиз. Телефон гўшагини бошлигимиз кўтардилар. Сиз мени сўрадингиз. Гаплашдик. Сиз билан учрашиш учун баҳона излай бошладим. Орадан бирор соат ўтгач, бошлиқдан синглимникига бориб келай, деб жавоб сўрадим. У киши индамай жавоб бердилар. Негадир бирор зарур юмуш чиқиб қолибди-ю, у киши синглимникига дарҳол сим қоққан. У ердан келиб-кетганига бир соатлардан ошди деган жавобни эшитган. Шу куни менга ҳеч нарса демадилар. Лекин негадир ҳаёлимга мени кўпроқ кузатаётгандек бўлдилар. Аста-секин у кишининг муомаласида совуққонлик сезила бошланди. Кейин гумонимча, ўша куни ишни ташлаб, шаҳар чеккасида сизнинг машинангизда икки соатча ўтириб гурунглашганимизни сезган. Қаёқдан дейсизми? Аслида тилим қурсин. Сирдош дугонамга сиз билан ўртамиздаги муҳаббатни ва ўша кунги воқеани севинчимдан ичимга сиғдиrolмай айтиб бергандим. Тилдан тилга кўчиб... “Сиринг тилингдан чиқдим, унинг сирлиги қолмайди”, деганлари рост экан. Бошлиқ сиз ҳақингизда тўлиқ маълумотга эга бўлган. Сизни севишимни, анчадан буён юришимизни, ҳатто туғилган кунларимга торт олиб келганларингизгача кимдандир сўраб билган. Ҳатто, мен эрталаб баъзан автобусда ке-

либ, сиз билан бирга ишхонангизга бориб, сиз машинангизда келтириб қўйиб кетганларингизгача хабардор қилинган. Мана шу кунлари ўзимни хафага ёки қандайдир кўнгилисизликларга дуч келганга солиб кўриниш берардим. У киши жимгина кузатарди ва менинг кўзларимдан ёки юриш-туришимдан бугунги кайфиятимни аниқлаб оларди. Менга қаерга борганимни, қаердан келаётганимни айтарди. Бунга ичимдан қойил қолсам-да, сиртимдан сира бўйнимга олмасдим. Баъзан қийналардим: у киши буларни қаёқдан биларкан, деб. Менинг юриш-туришимни билган дугоналарим буни ўзгаларга асло сўзламайди. Эҳ, улар менинг қанчалик маслакдошларим. Юрагидаги гапни, сирни бировга олдирмайди, деб ўйлардим. Афсуски, “ишонмагил дўстинга...” деган нақл тўғри экан. Эгри қадам эгрилигини билдирмай қўймас экан. Бир куни яна сал кечикдим. Ўшанда ҳам автобусдан тушмай сиз билан ўтиб кетгандим. Бошлиқ хузурига чақирди.

– Синглим, сизнинг юриш-туришингиз ўзингизга муносибми? – дея босиқлик ва заҳархандалик билан сўради.

– Нима қилибман?! – назаримда бироз кўрсроқ жавоб бердим.

У киши сукут сақлаб афтимга пича тикилиб турдилар.

– Нима қилибман? Ҳеч нарса қилганингиз йўқ. Мен билмайман ҳам, бирор нарса дея олмайман ҳам. Мен сизни анча эс-хушли, энди ўзини тутиб олган фаросатли аёл сифатида ҳурмат қиламан ва шундай бўлиб қолишингизни истайман. Оила инсон бахти бўлса, ишхона, жамоа унинг фаҳри, ғурури. Она фарзандга қиёслаб бўлмайдиган меҳр чашмаси, иқболи, эрга вафо ва садоқат тимсоли, умрининг файзи. Қайсики оилада она оқила, юксак хулқу одобли бўлса, ўша оилада фаришта ҳукмрон бўлгай. Кимки енгилтаклик билан оила деган муқаддас кўрғонга ифлос оёғини босса, уни кечиршга ўрин йўқ...

Аёлни гўзаллик тимсоли сифатида кўкларга кўтарамиз. Тўғрироғи, уларсиз гўзалликнинг ўзи ҳам йўқ. Мана шундай эъозланган гўзаллик юзига қора ниқоб тортиб, мен ҳам аёлман, деса даҳшат. Мен сени ана шу қора ниқобда кўришни истамайман. Ибодатхон, бошингни ҳам қилиб, юзинг қизилини яшириб, ёлғонни чинга айлантириб яшганча қадингни фоз кўтарки, сенинг боқошингда фаришта

аёл кўринсин. Аёл, она гўзаллиги, иффатидан ўрнак олсинлар, севинсинлар, фахрлансинлар. Менинг сенга айтадиганларим шу. Мен фахрланиб юрган аёл бўлиб қол, виждонинг пок бўлсин.

Мен бир оғиз гапиролмасдан олдиларидан чиқдим. Сўзлашимга, эътироз билдиришимга асос қолмади. “Ноҳақсиз” дейишга виждоним йўл қўймади. Шундан сўнг кўп ўйладим. Сизга бўлган муҳаббатим қалбимда қанчалик кучли бўлса-да, мен тўғри йўлга тушганимдан хурсандман. Бу гапларни юзма-юз бўлганда айтолмаслигимни билиб ҳам ушбу мактубни йўллашга мажбур эдим. Аёллик, оналик ҳаққи-ҳурмати, мен нақадар тубанликка тушган эканман, ундай “севги-муҳаббат”дан воз кечдим. Энди фақат, эрим, болаларим...”

Хат негадир узилиб қолган. Афтидан тўла ёзиб тугатишга улгуролмаган. Шошилишч машинкадан олиб дафтар тагига яшириб, ўзи қайсидир топшириқни бажаришга кетган бўлса, ажабмас. Нима бўлгандаям ушбу дилнома дастлаб қалбимга нафрат туйғуларини сола бошлаган бўлса-да, охирида ўз хатосини англаб, тўғри йўлга кирган аёлга нисбатан дилимда илиқлик уйғотди. Яхши касби, касбдошлари, оиласи, эри, бола-чақаси бор инсон, менимча энг бахтли инсондир. Ортиқча ҳавойи бахт кетидан қувиб, ор-номусини йўқотган киши бахтсизликка маҳкумдир. Хатосини англаб, вақтида тузата билган киши ҳам бахт эшигини қайта очаётган одамга ўхшайди.

Ташқарида қадам товушлари эшитила бошлади. Дарҳол мактубни жойига қўйдиму сумкамдан ёзув дафтарчамни излай бошладим. Кўнглимда “хатингни ўқиб, сиригдан воқиф бўлганим учун узр, синглим”, дея кечирим сўрадим.

САЙЁД СОЛИҚЧИ

— Сайёд, болам, солиқчилик касбининг этагидан тутиб жуда яхши қилибсан, — дея Мусулмон бобо неварасига насихат қила бошлади. — Бу жуда яхши касб, эпласанг томиб туради, турмушинг яхши бўлади. Нафсга озгина эрк берсанг, назардан қоласан, насибангдан айриласан. Буни бежиз айтмаяпман, болам. Катта бобонг амирлик даврида, мен ке-

йинги даврда солиқчилик қилганмиз. Солиқчиликнинг ҳузур-ҳаловати билан бирга унинг ташвишлари ҳам борлигини катта бобонг ҳам, мен ҳам бошимиздан кўп ўтказганмиз, нафс деган балонинг домига тушганмиз.

— Катта бобонг, бу ҳақда гап очилса, доимо бир воқеани эслаб турарди. У амирнинг амлокчиси бўлган. Буғдой қизара бошлаганда бир қишлоққа келган. Қишлоқ номини унутиб қўйибман, болам. Фаллани кўпроқ чамалаб юборганлар, шекилли, уч-тўрт деҳқон норози бўлган...

— Бобо, чамалаб, дедингизми?

— Ҳа, болам. У вақтларда ҳозиргидек агротехник талаблар қаёқда эди. Буғдойзор қанча ҳосил бериши кўз билан чамалаб, ҳисоб-китоб қилинган. Давлат хазинасига, солиқларга, масжидга ва ер берган бойга тегишли улушлар ажратилган. Учдан бирими, тўртдан бирими деҳқонда қолган. Ҳосилни каттароқ чамаласа, билки деҳқонга ҳеч вақо қолмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам деҳқонлар бобонгдан норози бўлган. Бобонг уларни «амирга қарши бош кўтарди», дея сарбозларга буюриб, ҳибсга олдириб, Бухорога юборган.

Иттифоқо шу кунни қишлоқнинг Бой отаси Муродбой бошқа қишлоққа қариндошиникига тўйга кетган экан. Воқеадан хабар топиб, эртаси саҳарлаб совға-салом билан йўлга тушган ва амирдан йигитларнинг гуноҳини тилаб олган. Бой уддабурон, тадбиркор, халқпарвар бўлган экан-да. Буғдой янчилиб, хирмон бўлгач, 20—30 та катта-катта қанор тиктирган. Уларни буғдойга яримлатиб, тортиб олишга қулайроқ қилиб, ҳовузга ташлатган. Бир неча кундан кейин қанорлар анчагина қийинчилик билан ҳовуздан олинган. Сув шимиб шишган буғдойларни бир сира офтобга ёзиб, амирликка ажратилган буғдой чошига қўшиб, амлокчи, яъни бобонгга хабар қилган. Чошни кўриб бобонг севинган ва бойга раҳмат айтиб, хазинага қўшган ҳиссасини албатта, амирга етказажagini билдирган. Ҳовлида бобонгнинг катта-катта хамба (дон сақлаш учун ердан озгина кўтариб, остига сичқон тешмасин дея жангал ташланиб, лой, гиштдан ясалади)лари доимо донга лиқ тўла турарди. Ташиб келинган буғдойлар ҳовлига олиб келиб ағдарилган. Хизматкорлар уни моғорлаб кетмаслиги учун, офтобга ташлаб, қўзғаб-қўзғаб туришган. Келишилган кун амирнинг одамлари келиб буғдой ташишга

киришган. Сувга шишган буғдойлар куриб, тиришиб, ўз курбини йўқотганлиги боис бобонг кўзлаган натижани бермаган. Ўшанда бобонг оиласи учун сақлаган хамбалардаги буғдойигача амир хазинасига жўнатиб, зўрға жонини сақлаб қолган. Бой эса, ортган буғдойларни деҳқонларга, камбағал оилаларга тақсимлаб берган.

Ана кўрдингми, болам, бировга қилсанг тўққиз, у қайтаради ўтгиз, деб бежиз айтишмаган. Нафсни катта қилиб қўйгани бобонгга бир умр сабоқ бўлган.

Энди менинг солиқчилигимга келсак, у даврда ўзига яраша эди. Солиқчини ҳеч ким назар-писанд қилмасди. Қўлда квитанция билан танга йиғардик. Одамлар бизни унчалик хушламасди. Замон-замон энди бўлди. Ҳамма эркин, эплаган қандини урсин. Қоидани бузмаса, бировга, давлатга зиёни тегмаса бўлди. Солиқчи деганнинг ошиғи олчи. Нима кўп, хусусий идораю тадбиркор кўп. Ҳаммасининг жилови солиқчининг қўлида. Эгри бўл, тўғри бўл, фақат инсофли бўл, болам. Ишқилиб, насибанг бутун бўлсин, олгину олдирмагин...

Сайёд ишга жиддий киришиб кетди. Ишхонасидан раҳматномалар олди. Обрў-эътиборга эришди. “Ўтинг-ўтинг” дея тўрдан жой кўрсата бошладилар. Мулозаматлар унга хуш ёқарди. Кўпинча кўрсатиладиган мулозаматлар “оғиз мойлаш”, яъни қўлнинг чўнтакка кириб-чиқиши билан яқунланарди. Астасекин кўнгли ҳам ана шунақа хушмуомалаликни тусайдиган, ишдан қайтгач, чўнтакка баҳо берадиган бўлди. “Ов”дан кўнгли тўлган кун ўзича завқланиб қўярди. Дарвоқе, бу нақлни ҳам бобосидан эшитган. Аслида, қаҳатчилик, очарчилик йилларида йўғон чўзилиб, ориқ узилай, деб баҳорга чиққач, энг биринчи мева — тут жонга оро кирган. Одамлар тўғри маънода шукроналар қилишган. Сайёд ҳам тутдек тўкилаётган “ризқ”идан мамнун бўлганда шу иборани тез-тез тилга оладиган бўлди. У қармоққа илдирилган луқманинг қизилўнғачдан ўтмаёқ танини заҳар-заққумга тўлдиришини, қармоқнинг дастаси “овчи”нинг қўлидалигини ўйламасди.

“Бир хислати бўлмаса, даллол бўлмайди”, деганларидек, Сайёднинг кўнгил-кўнгилларга тез эш бўладиган ёки бирпасда телба-тескари бўладиган одатлари бор. “Акажон”лаб қўлини кўксига қўйганча хизматчилик нуқтаи назаридан

мулойимлик билан шундай муомала қиладики... Мижози озгина у қўяётган тузоқдан чиқа бошласа “оғайни, кўзингга қара, бу давлат хизмати, фирромлик қилдингми, ўзингдан кўр”, дея дағдағага ўтади. Хулласи калом, мижоз ундан осонликча қутула олмайди.

Нима бўпти, қўли текканнинг оғзи ҳам тегади, демоқчи бўлаяпсизми? Эътироз йўқ. Айб унда ҳам эмас, уни шу йўлга бошлаганлар, “инсофли бўл” деган бобо ўғитларига қарши қўйганлар ҳам “ишбилармон”ларда. Инсоф Сайёддан ҳам кўра кўпроқ уларда бор экан. Минг бир азоб билан қинғир йўлдан топган-тутганларини ўз жиғилдонларига урмай, Сайёдга ҳам данғиллама уй курсин, қўша-қўша машинали бўлсин, дея илиниб турганини айтмайсизми. Фақат улар кейинги пайтлар Сайёднинг камнамо бўлаётганига ҳайрон. Боиси эса, ич-этини еб ваҳима билан тунларини тонгга улаётган Сайёдгагина аён.

Унинг ҳамкасбларидан баъзилари тумшуғидан илиниб, ишдан кетди. Сайёд ҳам ҳадиксираб, ўзини бозори гавжумдан четроққа олди. Бироқ ўрганган кўнгили, ўртанса қўймас, деганларидек чекка-чеккаларга бўш вақтида “ов”га чиқа бошлади.

Нима кўп, хусусий такси-ю фирром таксичилар кўп. Гап “қаловини топиб, қорни ёндира билишда”... Бироқ Сайёд ўйлагандек бу ерда ҳам иш осон кўчмас экан. Баъзи таксилар “фалончи-фалончиев”га тегишли бўлса, баъзи таксичилар билан тиллашиб бўлмайди – нақд балонинг ўзи, кўпчилиги эса рисоладагидек... Ишқилиб, бу ерда ҳам унга ташвиш етарли экан. Барибир йўлини қилиш керак, ахир “солиқчи-олувчи” деган оти бор-а.

Кўзи остига олиб қўйгани эски “Москвич” машинаси уч-тўрт кундан бери бозорга одам олиб келиб-олиб кетади. Патенти борлигига Сайёднинг кўнглида шубҳа ўйғонган. Бугун уни кузатгани чиқишни дилидан ўтказди. Тушдан сўнг шивалаб ёмғир ёғиб турганига қарамай, бозор томон йўл олди. Чарм куртқасининг ёмғирпўшини бошга ёпиб, “объект”ни кузата бошлади. Ниҳоят кутилган фурсат етди. Уч аёл, бир озгин йигит машина ёнига келди. Йигит машина юкхонасини очди. Унга аёллар қўлларидаги идишларни жойлашди. Машинага ўтириб, энди жўнашга шайланишганида, ҳайдовчи олдида Сайёд пайдо бўлди ва ўзини таништирди.

– Хизмат, акажон? – деди машинадан тушган ҳайдовчи йигит.

– Таксичилик қилишга ҳужжатингиз борми, акажон? – деди Сайёд ўта мулоимлик билан.

– Қизиқмисиз, акажон. Шу шалағи чиқиб ётган машинада таксичилик қилиб бўладими? Ўзим иккинчи гуруҳ ногирониман. Булар опам ва қўшнилариимиз. Томорқада болаларим ишлаб ул-бул етиштиради. Аҳволим оғир бўлса-да, тирикчилик учун бозорга келаман, йўл-йўлакай буларни ҳам обкеламан. Тўғриси, уч-тўрт сўм берсалар, қўшиб-чатиб, бензин оламан.

– Мана тилингиздан илиндингиз. Барибир кира ҳақи оларкансиз-ку. Хўш, давлатнинг ҳақини ким беради, айтинг-чи? – сал кесатишга ўтди. – Қани, ҳужжатларингизни чўзинг!

– Энди акажон, ўзингиздан қолар гап йўқ. Аҳволимиз... Давлат ҳам бизга ўхшаганларга мурувват кўрсатаяпти-ку, – деди йигит ялиниб.

– Ади-бади айтишни бас қилинг. Патентингиз йўқми, гап тамом. Қоида бўйича жарима тўлайсиз. Эллик минг тўлаб, квитанциянгизни олинг-да, йўлингиздан қолманг.

– Жон, укажон, инсоф қилинг. Қўйиб юборинг, – деди аёллардан бири.

– Сиз қўшилманг, айбдор жавоб беради, – деди Сайёд. Сўнг ҳайдовчига юзланди. – Агар сизнинг машинангиз бўлмаганда, улар сабзи-пиёзини бозорга келтира олмасди, сотолмасди. Сиз кира ишлай олмасдингиз. Тушундингизми, қани бўлинг, жаримани тўланг!

“Айбдор” йигит ҳанг-манг бўлиб қолди. Ранги учиб, кўзлари пирпирай бошлади. Хотинига, тўлаганига бугун топадиган чой-чақасини қўшиб, бир халта ун келтиришни айтиб чиққанди. Уйда тўрт фарзанди унинг йўлига мўлтираб, қараб турибди. Нима қилсин, жавдираб опасига қаради. Шу тобда биров кўнглини кўтарадиган илиқ гап айтса, дод, дея йиғлаб юбориши ҳеч гап эмасди...

– Акажон, инсоф қилинг, аҳволимни тушунинг, мана бор-йўғи ўн минг сўм пулим бор, шуни олинг, – дея қўллари қалтираб ҳозиргина бозорда санаб, тахлаб қўйган пулини чўнтагидан олиб узатди.

– Мен сенга гадой эмасман. Қачон пулни тўласанг, хужжатларингни олиб кетасан. Расмийлаштириб, топшираман, – деди қўполлик билан Сайёд.

Йигит бошини чангаллаганча машина ўриндиғига ўтириб қолди. Унинг аҳволини тушунган опаси-ю қўшнилари бугунги савдо пулларини тутди. Барчаси қўшилиб йигирма беш минг сўм бўлди.

– Энди шу ёғига рози бўлинг, ҳеч канақа хужжат-пужжатнинг кераги йўқ. Бизни қўйиб юборинг, – деди энсаси қотган йигитнинг опаси.

Сайёд ўйлаб турди-да, пулни олди. Сўнг қўшиб қўйди:

– Майли, мен розиман. Бу гал кечирдим. Бундан кейин киракашликка хужжатларингиз бўлсин, – дея эшикни қарс ёпди.

Машина юраркан, қулоғига “Олганинг буюрмасин, тешиб чиқсин, илоҳо”, деган аёл кишининг қарғиши эшитилди. “Сенинг қарғишинг нима, пул бўлса, қарғиш тугул ўқ ҳам ўтмайди”, дея ўзича ғўлдираб, бир-икки одим ташлади. Ногаҳон ёмғирдан кўлмак бўлган чуқурчага оёғи сирғалиб кетди. Бели ёнгинасидан ўтган бетон ариқчанинг қиррали жойига урилди. Урилди-ю “Вой, онажон!” дея инграб юборди. Кўлидаги пуллари сочилиб лойга беланди. Машина кутиб турган уч-тўрт йўловчи унга ёрдамга ошиқди. Улар йўловчи машина тўхтатиб, Сайёдни касалхонага олиб бориш зарурлигини уқтиришди. Бирови сочилган пулларни йиғиб, унинг кўлтиғига тикаркан:

– Бу пуллар бирор корига яраб қолар, – деди ғўлдираб.

Дарҳақиқат, бу пуллар, яъни тўплаган пуллари ойлаб шифохонада ётганида асқотди. Ногирон бўлиб қолиши эса “аёл қарғиши урди” деган надомат бўлиб, бир умр юрагида қолди. Қўлтиқтаёқда юрган Сайёдга энди илгариги кўлини кўксига қўйиб “келинг, акажон” дегувчилар қиё боқмайдиган, қайтанга истехзоли нигоҳ ташлаб ўтадиган бўлишди. Сайёд “нима эксанг, шуни ўрасан”, деган нақлга энди тушуниб етгандек эди. “Афсус, энди кеч, кеч”, дея кўзда ёш билан лаблари пичирлади.

САЙЛОВ

(«Ҳаётӣй ҳикоялар» туркумидан)

Илӛсжон уйнинг эшигини ҳовлиқиб очганча, ёнбошлаб пинакка кетган бобосига:

– Бобожон, сайлов хати олдим, мен ҳам сайловчи бўлдим, – дея ичкарига кирди.

Фанишер бобо қаддини ростлаб ўтиришга улгурмаёқ, Илӛсжон уни қувонч билан қучоқлади. Бобо неварасини бағрига босаркан:

– Баракалла, болам. Илоҳо, бахтингни берсин, – деди...

– Ҳа, тинчликми? Бобою неvara бир хум олтин топиб олгандек хурсандсизлар, – деди деразадан мўралаган Аҳмад ака!

Бобо ва неvara қувончининг боисини билган Аҳмад ака ҳовлида рўзғор ташвиши билан юрган аёлига юзланди.

– Онаси, бугун зиёфатни қуюқроқ қил, ўғлинг яна бир фуқаролик ҳуқуқини – сайлаш ҳуқуқини бажариш бахтига эришиб, ташриф хати олибди. Баҳонаю сабаб, мен дўконга чиқиб “ҳалиги”нинг тозасидан олиб келай, – деди ҳазиллашиб. Сўнг ўғлига: – Суюкли бобожонинг билан бир отамлашайлик, шоядки, бир қултумгина олсалар ажаб эмас, – деди падари бузрукворига ҳам меҳр, ҳам эркалаш билан нигоҳ ташлаб.

– Доим шу одатинг қолмади-да. Бор ишингни қил, бизнинг суҳбатимизга аралашма, – деди Фанишер бобо кулимсираб.

Илӛсжон бобосининг ёнига ўрнашиб ўтиргач, чойнакни ўзига яқинроқ тортди, пиёлага “танга ботмас” чой қўйиб бобосига узатди.

– Бобожон, энди сайловга икковимиз борамиз, хўпми?

– Хўп, болам, хўп. Мени овора қилмай, мен учун ҳам ўзинг ўтиб кела қоларсан.

Илӛсжон бобосига ялт этиб қаради:

– Нега, бобожон? Сайловда ҳар бир кишининг ўзи овоз бериши керак-ку, – деди.

Фанишер бобо бироз ўйга чўмди. Пиёладаги чойдан бир қултум ичиб гап бошлади:

– Сенга ҳавасим келади, болам. Мен биринчи сайловчи бўлганимни эслолмайман. Балки, менинг бу ёшимда сайлов тўғри келмагандир. Сенга насиб қилибди, бахтинг муборак бўлсин. Мен учун овоз бериб кел десам ҳайрон бўлиб қолдинг. Оиладан бир мен сайлов участкасига бориб, катта бобонг-бибинг, ўзим ва бибинг учун сайловдан ўтиб келардим. Қўлимизга бир даста қоғозни тутқазишарди, олиб қутига ташлаб кетавардик.

– Ие, сайлаётган номзодингизни танламасдингизми?

– Бир номзод учун овоз бериларди. У ҳам деярли юқоридан “тайинланган”, “сайланган” бўларди. Танишга-ку танимасдим, фақат сайловхона эшикларига қоқиб қўйилган расмига қарардик, таржимаи ҳолини ўқирдик. Баъзан номзод билан учрашувга бориб қолсак, қоп-қоп ваъдаларни эшитиб келардик. Бу ваъдалар навбатдаги сайловгача ҳам ваъдалигича қолиб кетарди. Шундай бўлгач, кимни сайладинг, ким учун овоз бердинг, нима фарқи бор эди, – деди бобо сал асабийлашиб.

– Йўқ, бобожон, энди фарқи бор, – бобонинг сўзларига эътироз билдирди неvara. – Ҳозир олтита номзод кўрсатилади. Уларнинг ичидан сиз айтгандек уни қиламиз, буни қиламиз, деган ваъдабоз номзодларни эмас, юрт равнақи, халқ бахти-саодати, тинчлиги, осойишталигини таъминловчи қарорлар чиқаришга лаёқатли, билимли, зукко кишилар танланади. Сизу мен танлашимиз лозим бўлган депутатнинг бири – Меливой амаки. Шу қишлоқлик, вилоят марказида ишлайди, ўқимишли, обрў-эътиборли. Сиз доим у кишининг оталари ҳақида гапириб юрасиз-ку.

– Раҳматли Аҳмад аканинг ўғли Меливойми? Унинг отаси меҳнаткашга жони қайишадиган, халқпарвар инсон эди. Юрт бошига тушган оғир йилларда, ундан кейинги даврларда у киши кўп ибратли ишлар қилганди. Илоҳо жойи жаннатда бўлсин, – дея бобо юзига фотиҳа тортди, сўнг: – Бундай одамларнинг фарзандлари ҳам юртга яхшилик келтириши аниқ, болам, – дея қўшиб қўйди.

– Шунинг учун айтаман-да, бобо, бирга сайловга борамиз деб.

– Гапинг маъқулку-я, саксонга кирган бобонгни ва бибингни овора қилгунча, тўдалаб ташлаб келсанг, ўзлари керак-кераксизини айириб олаверармиди, деяпман-да.

– Барибир, бобо, эскича ўйлайсиз-да. Биринчидан, бешта номзодни ўчириб, битгаси қолдирилмаса, у овоз берганга ўтмайди. Иккинчидан, комиссиядагилар бу ишни қилолмайдилар. Чунки, қути кузатувчилар иштирокида очилади. Яна биласизми, бобожон, чет эллик кузатувчилар ҳам бўлади. Шунинг учун албатта бирга боришимиз керак.

– Майли болам, бирга борамиз. Балки тарихга айланадиган ва сен билан мангу қоладиган қувончли лаҳзалар бўлар, умрингдан барака топ, болам. Сенларнинг бахтингга юрт ҳамиша омон бўлсин. Биз кўрган азоб-уқибатларни қайта ҳеч ким кўрмасин, – дея бобо юзини четга бурди, кўзида зоҳир бўлган намни неварасига сездирмай оҳиста чопонинг барига артди.

– Уре, бобом билан сайловга бораман! – дея Илёсжон ёш боладек ўрнидан сакраб туриб бобоси бағрига отилди. Бу лаҳзада икки сайловчининг ҳар бири ўз бахтидан масрур эди.

Фойдали “Ислоҳот”

Ироқ писмиқнинг ови юришмагандан кейин таъби тирриқ бўлиб қолди. Юрсаям, турсаям “энди нима қилдим, йўлини топиш керак”, деган ўй-хаёл миясида чарх урарди. Бу хаёлни калладан чиқариб ташлаш учун ислоҳот қилиш керак. “Ислоҳот” сўзи миясига келганда асаблари дош беролмайди, “э, падарингга”, дейди-ю зардасини сочади.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Газ печканинг ёнида бошининг тагига кўлларини маташтириб, чалқанча ётганча кўкнори хаёлларга берилаётган Ироқ ўзича гулдураб, асабийлашди. Унинг бу ҳолатини кўрган хотини Заринисо бехос:

– Ҳа, дадаси, чаён чақдим? – деб сўради.

– Чақди! Ишингни қилавер, – деди ўша зарда билан қўшиб қўйди. – Ҳаёт чархпалаги тескарисига айланди. Ислоҳот дегани чиқиб, ҳамма томонни ағдар-тўнтар қилгани нимаси?..

– Намунча жиғибийрон бўласиз! Соч-соқолингизга оқ оралаган бўлса, фарзандларингиз соғ-саломат атрофингизда гиргиттон бўлса, бало борми ичи қораликка? Сиз ҳам бундоқ атрофга яхши ният, тўғри кўз билан боқинг! – энди аёлнинг жаҳли чиқа бошлади.

— Гапирасан-да, оғзим бор деб. Бўлди, кўп валдирайверма, — дея яна оҳиста ёнбошлади Ироқ писмиқ. — Эссиз, у кунлар...

Ўша дамлар... Бу воқеага анча бўлди. Ироқнинг уйи хўжалик марказида жойлашган, омборга нима келди-кетди, молхонага қанча ем келди, емнинг қанчаси кимникига кетди, нечта мол хўжалик молининг ризқига шерик бўляпти, хуллас, барча-барчасидан хабардор бўлиб юрарди. Кўримсизгина, бировнинг овига ҳам, довига ҳам иши бўлмайдиган юмшоққина феълга эга бўлган Ироқдан ҳеч ким шубҳаланмасди. Ўзи тайинли бир иш қилмасди. Дам чорвачилик бригадасига, дам дончилик, полизчилик бригадасига табелчилик қиларди. Кўнимсизроқ эди. Оиласи тўрт-беш жонга етгач, топгани еб-ичишга, кийим-кечакка етмай қолди. Бир-икки бор омборчига, раисга йўлиқди. Ариза ёзиб, хўжаликдан ун, буғдой дегандек, у-бу нарса сўраб олди. Кўлдан берганга қуш тўймас, деган гап рост экан. Барибир оиласида барака кирмади. Яна бир-икки бор раисга йўлиқди. Натижа бўлмади. Қайтанга уни “ишёқмас”га чиқариб, ҳақоратлаб ҳайдашди. Омборчи ҳам, ферма мудури ҳам тўнини тескари кийди.

Бир куни уйда ўй суриб ўтираркан, кўзи ўғлининг дафтар-қаламига тушди. “Шошмай тур, сени” деди-ю, туман прокурори номига раис, омборчи устидан “ёзди”. Кўрганбилгани тўғри-нотўғрилигини ўйлаб ҳам ўтирмади. Орадан бир неча кун ўтгач, уни идорага чақиришди. Хонада икки-уч киши суҳбатлашиб ўтиришган экан. Ичкарига қадам қўйиши билан раис ўрнидан туриб:

— Ана ўзи ҳам келди, — дея Ироққа пешвоз чиқди. — Келинг, келинг, ака Ироқ. Сизни индамас деб юрсам, анчагина ичидан пишган писмиқ экансиз-ку! Қойил, қойил, — дея қўшқўллаб кўришиб, ўтиришга жой кўрсатди.

Иш бор жойда камчилик бор, дейдилар. Камчилик бўлмаса ҳам нуфузли комиссия келгач, унинг ташвиши бўлади-да. Келган ҳам умид билан келади. Бир нарса топса, бир нарса олади. Буни Ироқ жуда яхши биларди. Бегуноҳ мусичадай индамай ўтирди. Комиссиядагиларнинг бири қўйса, бири олди. Хуллас, пичоққа илинадиган нарса топилмади. Далиллар тасдиқланмади. Бироқ Ироққа илтифот кўрсатилди. “Нима керак бўлса, тортинмай келавер, ёрдам берамиз”, дейишди ва омборчига уни кузатиб қўйиш топширилди...

Биринчи қадамдаёқ олган “писмиқ” лақаби унга омад келтирди. Орадан икки-уч кун ўтказиб ферма мудирига йўлиқди.

– Ҳа, Ироқ ака, хизмат? — дея ўлганнинг кунидан мулозамат кўрсатди мудир. Хаёлидан “бу писмиқ яна бир балони бошлайди-ёв”, деган ўй ўтди.

– Энди биласиз, Кўпайсин ака, кўпчиликмиз. Болалар оғзи сут-қатикдан қуруқ қолди. Бир гунажинчамиз бор эди, шуни сутли сигир қилиб берсангиз. Биздан қайтмаса, худодан қайтар.

– Ука, бу иш бир оз қийин. Раисга бир йўлиқмабсиз-да. Билиб қолса, биз ҳам насибадан айриламиз, — деди мулозимгина қутулиш ҳаракатида мудир.

– Қаранг-да, акажон, молхонада ёш моллар кўпаяётганда қаторида юрар девдим...

“Вой писмиқ, хумпар-эй, кеча бозордан тўртта бузоқ келтириб қўшувдим, сезган экан-да. Ахир, унинг иккитасини раис сигир қилиб олди. Бунинг ҳиди чиқса, нақ фермадан айрилдинг деявер, Кўпайсинбой”, дея ўйга толди.

– Кўпайсин ака, жимиб қолдингиз?

– Ўйлаяпман. Ироқжон, сиз учун бирор бир йўлини топишим керак-ку. Майли, кечлатиб келинг, ҳеч ким сезмасин, — деди бўшашган ҳолда.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деган нақл Ироқ писмиқ феълига лойиқ келди. Юзсизлик билан кўзини лўқ қилиб ўтираверади. Бундан у роҳат қилади. Ҳатто, кейинги пайтларда юрган йўлида ҳам жиғибийрони чиқиб, бармоқларини санаётгандек, ёпиб-очадиган одат чиқарди. Четдан кузатган нечанчи гийбатга келибди, деган ўйга бориши табиий. Хуллас, “ёзувчилик” унга “шуҳрат” келтирди. Кўшни хўжалик, дўкон дейсизми, ишқилиб, қаерга қадам ранжида қилса, “ҳурмати”ни жойига қўйишди. Ўзини ҳақман, деб “жангга кирганлар” ҳам бўлди. Бироқ, ёз-ёздан, борди-келдидан безор бўлган баъзи текширувчилар “шу битта ифвогарнинг овозини ўчириб юролмайсизларми”, деган дошномларини эшитган раҳбарлар муросаи мадора йўлини тутишди. Баъзан ҳақоратларга ҳам чидади. Ширинидан роҳатлансанг, аччиғига тоқат қиласан-да. Дўстлар давраси бегоналашди. Баъзилар уни кўрганда йўлини четга бурса, баъзилар номигагина му-

лозамат кўрсатади. Яна ўйламанг, якка махов бўпти-да, деб. Кўр кўрни қоронғида топибди, деганини эшитмаганмисиз? Унга “иши” тушган бор, ҳамкор бор, ўзидан кўрққан бор, шогирд бор. Хуллас, тенг-тенги билан деганларидек... Эҳ, ўша дамлар, ўша дамлар...

– Ислоҳот, ислоҳот! – ўзича минғирлади. – Эй, хотин, мен қандай ислоҳот қилай, айт-чи? Калхўзни бошига етдилар, савдо дўкони қуриб битди. Уларга қўшилиб, колхўз, давлат мулкани сўриб ётганлар ҳам асфаласофилинга кетди ёки ўғирлаганларидан хусусий корхоналар қуриб олдилар. Ерларни фермерлар бўлиб олди. Мен қаерга борай? Фермерга борсам ҳам, дўкондорга борсам ҳам, энди вақтинг ўтди, бор тошингни тер, дейди. Тўғри-да, мулк уники, ўғирлаб ейдими, тўғрилаб ейдими, ихтиёрида. Яна давлат ҳам ўшалар тараф. Қани, сени бир тафтиш қилгани келдим, деб кўр-чи, онангни Учқўрғондан кўрсатишади. Эҳ, хотинжон, энди бир бало қилиб пенсияга чиқиб олмасам бўлмайди.

Шу пайт ҳовлига “Жигули” машинаси кириб келди.

– Дадаси, ана кенжатоимиз келди, – деди деразадан ташқарига қараган Заринисо қувонч билан.

Ироқ писмиқ ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Анчадан буён кўрмаган ўғли Содиқвойга қулоч ёзди. Ўғил ҳам ўзини ота бағрига отди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгач, Ироқ писмиқ машинага қаради.

– Ўғлим, ўзингникими?

– Ҳа, дада, янги эмас-у, минса бўлади.

Ота “яхши, яхши” дея ўйланиб қолди. “Ҳали ҳеч вақт бўлмади-ю ишга кирганига – машина опти. Бунча пулни қердан олдийкин?”

Содиқвой отасининг “қишлоқда қол, ҳовли-жойга ким қарайди”, деган хархашаларига қулоқ солмай чўл бағридаги янги шаҳарга ишга кетганди. Шаҳардаги обрўли корхоналардан бирига ишга кирди. Эпчиллиги, уддабуронлиги билан тез орада раҳбарлар эътиборига тушди. Топшириқларни бекаму кўст бажаришга интилди. Зарурат бўлганда, икки сменада ҳам ишлади. Тўғри, иккинчи сменада баъзан қинғир ишлар бўлиб тураркан. “Ҳали ёш, иш ўрганишинг керак”, дея “устоз”лари уни қинғир ишга яқинлаштирмасдилар. Бироқ топшириқларни вақтида бажараётгани учун чой-чақа бериб туришарди.

– Ўғлим, катта маошли иш топиб олибсанми, дейман? Дарров машинали бўлибсан?

Содиқвой ишлари, олаётган маоши, янги дўстлар ортиргани ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Бу пайтда Ироқ писмиқнинг бошида турли хаёллар чир айлана бошлади. “Хўш, шунча маош олса, еб-ичса, шунча пул бўларди. Машина бунча турса. Масалани бир ёққа суриш керак”. Яна бадфёъллиги кўзиди. “Пули бўла туриб, нега менга пул юбориб турмади, кўрнамак. Шошмай тур!”

Ўғли ишга кетгач, ортидан икки энлик хат жўнатди: “Содиқ Соддаевни текшириб кўриш керак. “Жигули”ни қандай ва қаердан топган маблағига олган? Пули бўлса, нега ота-онаси ҳолидан хабар олмайди, ёрдамлашмайди?”

– Дадаси, яна кимнинг устидан хат жўнатдингиз? – деди хотини эшикдан хуш кайфият билан кириб келган эрига.

– Ишинг бўлмасин!

Орадан бирор ҳафта ўтгач, юк сумкасини кўтарганча Содиқвой ҳовлида пайдо бўлди. Кучоқ очиб қаршилаган дадажонисини кўрган ўғил, кўзда ёш билан бир ўқрайиб қаради-да, ўз хонасига кириб кетди. Воқеа мағзини чаққан Заринисо сerraйиб турган эрига:

– Қандай одамсиз. Ота ҳам ўз ўғли устидан ёзадимми? Сизга шунча шармандалик камми? Энди қандай бош кўтариб юрасиз? – дея жаврай-жаврай ўғлининг орқасидан уйга кирди.

Ироқнинг илк “ислоҳот”идан кейинги воқеа билан қизиқшингиз табиий. Содиқвой билан олдинма-кейин корхонага кириб борган хат корхонани остин-устун қилиб юборди. Тунда содир бўлаётган ўғриликларни очолмай тузоқ қўйиб юрган назоратчиларга бу қўл келди. Топшириқларни вақтида бажараётганлиги учун бериб турилган чой-чақа Содиқвойнинг гирибонидан олди. Мутлақо гуноҳсизлигини билсада, “гувоҳлар, далиллар” қаршисида қадди букилди. Ёшлигини инобатга олиб, зарарни ундириш шарти билан енгил жазо берилди ва ишдан ҳайдалди. Қалбида орзулари лиммо-лим Содиқвой “ислоҳот”нинг биринчи қурбонига айланди.

Ироқ писмиқнинг эса парвойи фалак. Кайфияти чоғ. Буёғи нима бўлса бўлар. Мақсад яна ёза олди, йўлини топди. Номид шайтон, хушёрроқ бўлса, кейинги сафар ҳам бирорта-си қармоққа илинар.

ДИЛ ОЗОРИ

Тошдан кичик лаъл бўлурга лозим неча йил,
Тошга уриб бир нафасда синдирма чил-чил.

Саъдий Шерозийнинг ушбу сатрларини эсларканман, лаълни инсон қалбига менгзадим. Дарҳақиқат, инсон қалби тошдан ҳам қаттиқ, ипақдан мулойим, шу билан меҳр-муҳаббатга, яхши сўзга, яхшиликка ташна. Унга арзимас сўз билан озор бериш, ҳатто оддий хатти-ҳаракат билан уни чил-чил синдириш мумкин. Кишининг доимо ширин сўзли бўлиши яхши фазилатдир.

Яқинда икки воқеанинг гувоҳи бўлдим. Биридан дилдан яйраб қувондим, биридан ранжидим.

Даврада одоб, ахлоқ, миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳақида суҳбат борарди. Шунда суҳбатга Навбаҳор туманидаги “Зарафшон” жамоа хўжалигидан С. деган йигит аралашди:

– Баъзан атрофингга қарайсан: одамларнинг бир-бирига бўлган муносабати, муомаласи кишининг ғашига тегади. Нега шундай? Ахир инсон бир марта яшайди. Шундай экан, нега бир-бирига кўмак бериб, қўллаб-қувватлаб, меҳрибончилик кўрсатиб яшамайди? – деди у куйиниб, сўнг шу йил баҳорда ўзи гувоҳи бўлган воқеани айтиб берди.

Ўша кунни кучли ёмғир ёғарди. Қисқа муддатли сел ҳамма ёқни шалаббо қилиб юборди. Ишдан қайтаётган йигит “Восход” автобус бекатидан сал нарида ёмғирда узала тушиб ётган кишига кўзи тушди. Бекатдаги ўнлаб, юзлаб одамлар уни кўрса-да, ҳеч қайсиси эътибор бермасди. У дарҳол борди-да ётган кишини кўтариб панага олди. Ана-мана дегунча унинг ён-атрофини томошабинлар ўради. “Ичганнинг жазоси шу – ётаверсин эди”, деганлар ҳам бўлди. Ҳатто баъзилар “Сенинг қариндошингми, улфатингми?” деб ёрдам берган йигитни изза қилишди.

Йигит бўғилиб кетди. Баъзиларнинг ошкора тиржайиши, илжайиши, писандаси унинг жон-жонидан ўтди.

– Мен ҳам бошқалардек томошабин бўлишим керакми-ди? Балки у инсон ичмаган, касали тутиб қолган бўлса-чи? Ёмғирда ивиб, дардманд бўлиб қолиши ҳеч гап эмас-ку! Мен виждоним буюрганини қилдим. Лекин...

...Жума куни ишдан чиқиб рўзномалар сотиладиган дўкончадан икки дона газета сотиб олдим, автобекатга югурдим. Ҳаво иссиқ, автобусда одам кўп. Мен ўриндиққа ўтирдиму, газетага кўз югуртира бошладим. Рўпарамдаги ўриндиққа ўтирган йигит газетанинг бирини бериб туришимни илтимос қилди. Унга назар солдим: сочлари чиройли таралган, дид билан кийинган, истараси иссиққина йигит экан. Газетани узатдим, ўзим қўлимдаги газетани ўқишга тутиндим. Йигит эса мендан олган газетанинг у ёқ бу ёғига ҳам қарамай, уни буклаб ўзини елпий бошлади.

Қалбимда эса нимадир ғимирлар, ғашим келарди. Начора, бир нарса дейиш ноқулай. Битта газета деб йигитни ранжитиш одобдан эмас. Манзилимга яқинлашгач, ўрнимдан турарканман, йигитга юзланиб:

– Мен тушмоқчиман, – дедим.

– Акажон, газетангизни қолдириб кетинг? Елпиниб кетаман. Мана пулини олинг, – деди у ишшайиб.

Бу гап менга бир тарсакидай таъсир этди.

– Уни пулга сотиш учун олмайдилар, – дедим-у, автобусдан тушдим.

Бир неча кун кўнглимдаги ғашлик кетмади. Кўз олдимдан башанг кийинган йигит, ўқилмай елпиғичга айланган газета, таҳқиромуз нигоҳ нари кетмади. Баъзан нега тирранчанинг қўлидан газетани тортиб олмадим, деб ўз-ўзимдан ҳам ранжидим...

Икки воқеа. Биринчисида С. ҳақиқий олижаноблик қилган. Қалбида инсонийлик хислатларини йўқотмаган, жамиятимизга, унинг яратувчиси – инсонларга бўлган меҳр-муҳаббат, мурувват, одамийликни ўзида мужассамлаштирган ҳақиқий замондошимиздир. Баъзилар уни ранжитган, дилига озор етказган бўлсалар-да, у бундан хафа бўлмаслиги керак. Чунки, ундаги хислат – буюк фазилатдир. Яхши тарбиянинг натижаси.

Иккинчи воқеадаги йигит хусусида бир нарса дейиш қийин. Ким билади, балки беихтиёр, истиҳоласиз гапириб юборгандир, ҳавонинг иссиқлигидан ўқишдан кўра елпинишни аъло кўргандир. Балки истиҳоласиз гапиришга ёшлиқдан одатланиб қолгандир? Бу бизга қоронғи.

Сўз — дил озиғи, деб бежиз айтилмаган. Киши жамиятга аралашдими, ўзининг феъл-атворини, хулқини яхшилашни, сўзлашишни ўрганиши зарур.

Яхши хулқлилик, ширинзабонлик фақат шараф келтиради. Одамларга ёрдам, мурувват кўрсатиш ҳар бир кишининг виждон бурчи бўлиши керак.

ОТА НЕГА ТАЖАНГ?

Йўлда кетаётган “Дамас” автомашинасини ёши элликлардан ошган киши тўхтатди. Ҳайдовчи озроқ илгарилаб тўхтаганлиги сабабли, машинани озгина тислади. Ҳансираб келган отахон орқасига ўгрилди-да:

— Тезроқ бўлсанг-чи, ҳе лаллаймай кет, яна аскар бўлмоқчи, — дея ортидан келаётган ўғлига зарда қилди.

Отахон ҳайдовчи билан таниш эканми, ўрнашиб ўтириб олгач, ҳол-аҳвол сўради. Негадир, жиғи-бийрони чиққан, устига-устак тажанг.

— Тешавой ака, тинчликми, кайфиятингиз бузуқ?!

— Энди, шундай замонда инсофсиз, мунофиқлар кўпайиб кетганига куйинаман-да! Ўзим дўхтир бўлсам-да, дўхтир зотига ишинг тушмасин экан. Энг алам қилгани, илгари армияга бормаслик учун қинғир-қийшиқ йўлларни излардик, дўхтирига пора бериб бўлса-да, болани олиб қолардик. Энди-чи, ҳам куласан, ҳам йиғлайсан, ҳам фахрланасан. Мана бу кенжатой армияга бораман, деб бошимни қотириб ташлади.

— Борсин, қаранг, армиямиз қандай яхши бўляпти. Президентимиз ўн икки ойлик бўлишини айтдилар, телевизорда эшитмадингизми, — дея юпатмоқчи бўлди ҳайдовчи.

— Борсин, бормасин демайман, қолаверса, ўзи ҳам ҳоли-жонимга қўймаяпти. Гап бу ёқда эмас, ҳангомани эшитинг. Бундан олти ой бурун у комиссия текширувида соппа-соғ, ҳарбий хизматга яроқли, деб топилганди. Энди эса касали бор, деб қайтаришди. Бунга қаранг, касалга ўхшайдими, менга иккита келади, тоғни урса талқон қилади. “Касал” деб қайтаришгач, мени ҳоли-жонимга қўймай комиссияга олиб келди. Дўхтирга кирдим, у десам бу деди, бу десам у деди. Хуллас, ўзиникини маъқуллади. Сўнг ялинишга ўтдим.

“Дўхтиржон, мен ҳам шу соҳанинг нонини еб келаяпман. Боламни яхши биламан. Ахир армияга борса, дунёқараши кенгаяди, ҳарбий хизмат унинг келажагини тубдан ўзгартиради, тузук, ақл-фаросатли йигит бўлиб қайтади, бир иложини қилинг”, дея илтимос қилдим. У нима деди, денг: “Иложини қилса бўлади. Бироқ, — ўйланиб турди-да, — бўлмайди”, деди.

Дардимни ичимга ютиб кўчага чиқдим. Эшик ёнида турган бир киши:

— Ака, иш пишдимми? — деб сўради. Сал қолди унга ҳам бақириб беришимга?

— Йўқ, — дея жавоб бердим.

— Йўлини қилмабсиз-да, давоси, — атрофга олазарак қараб, бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғини бир-бирига ишқалаб кўрсатди-да: — ўн беш, — деди.

Ишонасанми, капалагим учиб кетди, хизматга юборишга-я? Илгариги замонга таққосласанг сира-сира ишонмайсан, шундай эмасми? Дўхтирнинг ўйлаб, “иложини қилса бўлади”, деганига ҳам жон бор шекилли, деган ўйга бордим. Энди бу ўғил “дўхтиринг қўйса-қўймаса, барибир армияга бораман, жўраларимдан қолмайман”, деб оёқ тираб олган.

Ҳақу ноҳақлигини билмайману, текширув комиссиясидаги дўхтирдан нафратландим. “Тоғни урса толқон қиладиган” норғул йигитга эргашиб юрган отахонга, кўринишидан бақувват, соғлом ўғлига ҳавасим, меҳрим ошди. Ана шундай Ватан учун фидойи фарзандлар камолга етаётганлигидан, осмонимиз мусаффолиги, элимиз тинчлиги учун жонфидо ёшлар борлигидан, буларнинг кўплигидан фахрландим. Қалбимда қандайдир илиқ туйғулар тўфони жунбушга келди, кўзим намланди. Аллоҳга шукрки, мустақиллик ўз мевасини берапти, ёрқин келажак ишончли қўлларда.

1999 йил

ХУНОБ БЎЛГАН АФАНДИ

— Шуюм вақтни тежаш бўлди-ю, — дея ўзича ғулдираб, хуноб бўлиб келаётган Афандининг қаршисидан чиққан Алдаркўса ҳазил аралаш:

– Ҳа, оғайни, кеча ҳотамтойнинг тўйидан бўккан киши-дек лаби-лунжинг осилиб, тажанг келяпсан? – деб сўради.

Афанди эски ошнаси билан қучоқ очиб кўришди: бор-майсан, келмайсан, қабилида гина-кудурат қилди.

– Далада иш қайнаб ётибди. Бу камлик қилгандай катталар мажлисга чақиришибди. Муҳокамада: “Баҳорги ишларни ўз муддатида ўтказиш учун ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланган ҳолда ишни ташкил қилиш”. Биласанми, вақтни тежайдиган раҳбар йиғилишни чақирган вақтидан роппа-роса бир соат ўтказиб бошлади. Шуюм вақтни тежаш бўлдимиз? – деди баттар хуноби ошган Афанди. – Янаям зарур юмуш чиқиб, кечикканлиги учун узр сўради. Мажлис чақирдингми, вақтингни шунга мосла, эртанинг ташвишида куйиб-пишиб юрган одамларни маҳтал қилганча гапни масаланинг пўсткалласидан бошламай, эътиборни ҳар бир йиғилиш қатнашчисидан ахборот эшитишга қаратди. Ажабланарлиси, у деса бу дейди, бу деса у дейди...

– Афанди, ҳунарни ишлатмабсиз-да, – дейди Алдаркўса айёрона кўз қисиб.

– Э, оғайни, сенинг алдар халтангдаги гапларинг ҳам камлик қилади, баъзи бюрократлар олдида. Гапга қулоқ сол. Баъзилар ишидаги муаммоларини тилга олиб дардини ёрса, “нима қилиб юрибсан, ишни эплолмасанг, кўзинг қаерда?” деган дашномларга рўбарў келади. Мен “ишимиз яхши, ҳаммаси жойида” девдим, балога қолдим. “Агар ишда муаммо бўлмаса, ҳаммаси силлиқ кетаётган бўлса, бу йиғилишни чақиришдан не ҳожат? Нима, сенинг ҳамма ишларинг “беш”ми? Камчилигинг йўқми?” дея каттанинг жаҳли чиқа бошлади. Дарҳол, “камчилик йўқ эмас-у” дея гап бошлагандим, “гапир!” деди иддао билан. Муаммоларни қатор қилдим. Биламан, уни бирдан тузатиш “катта”нинг қўлидан келмайди, аста-секинлик билан ўз ечимини топадиган ишлар.

“Мендан нима ёрдам керак?” деб ҳам сўрайди муттаҳам. Астафидуллоҳ, вақтни тежаш учун сарф қилинган вақт уч соатга чўзилди. Ана шунақа гаплар. Бу гапларни мен гапирмадим, сен эшитмадинг.

Афанди шундай дегач, бир пас тин олдида:

– Алдаркўса, узр! Ҳандақдаги чигит ҳам нишлаб кетди. Мен борай у ёқдаги ишлар ҳам вақтини кутиб “зерикиб” қолди.

ХУДО МЕҲРИБОН БЎЛДИ

У яхши касб эгаси эди. Келишган, қадду баста, гапга чечанлиги билан дилларни ўзига ром қиларди. Шу боис кўп ўтмай раҳбар ҳам бўлди.

Давраларда даврабоши, косагул эди. Май ҳақидаги шеърларни “сув қилиб ичиб юборганди”. Айтадиган ҳар бир тўртлиги ширакайфларнинг олқишларига кўмилиб кетарди. Баъзи давраларда гердаиб: “Май ичсанг оқилу доно билан ич” деса, баъзан майни хушламайдиган даврадошларига: “Ич, ичавер, худо меҳрибон” дея уларни ичишга ундарди. Ҳатто ўзи майни биринчи сипқориб, пиёлани тўнкариб кўрсатарди.

Кўпчиликнинг унга эътибори баланд, у ҳаётидан масрур эди. Умр куёш янглиғ чарақлаб, юқорига кўтариларди. Куёш юзини булут қоплашини, тиккадан қайтишини ўйламасди. Олқишлар уни кун сайин майхўрлик ботқоғига етакларди. Усиз давралар хувиллаб қоларди. Таассуфки, аста-секин мансаб пиллапоясидан пастга туша бошлади. Тўйиб олиб, “ол, ич, худо меҳрибон” дея даврадошларига шилқимлик қилар, дилларга озор етказарди. Кайфи тароқ бўлгач, кимгадир ортиқча юк бўларди. Энди даврадошлар у келаверса, “йўқотинглар уни” дея имкон қадар ўзларига йўлатмаслик йўлини қилишарди. Унга эса барибир эди. Тентираганча “х... меҳ...-бон” дея ўзича ғулдираб қўярди.

Уйидан файз кетди. Бор нарсасини сотиб тугатди, гулдек аёли фарзандини кучоқлаганча хонадонни тарк этди.

Қиш-қировли оқшомларнинг бирида “ич... ич... меҳ...-ри..” дея йўл четига йиқилди. Шу йиқилишда эрталаб уни қотиб қолган ҳолда кўрдилар. Кўплар “эссиз, ёш жони” деса, баъзилар “худо меҳрибон, уни бу дунё азобларидан қутқарибди”, дея ачиниб қўйди.

ЧОПҚИР БИЛАН ШОШМАС

Телевизорда мультфильм намоиш қилиняпти. Куён икки қўлини белига қўйиб, Тошбақага чопқирлигини мақтанаётир. Тошбақа ҳам бўш келмайди.

— Кўпам ҳовлиқаверма, пойгалашсак мен сендан, албатта, ўзаман.

– Ҳи-ҳи-ҳи, – дея масхараомуз кулди Қуён. – Шу юриш-туришингда-я? Менинг бир сакраганимга бир кунда зўрға етиб борсанг ҳам катта гап.

Тошбақага оғир ботди.

– Кел, кимўзарга беллашамиз, – деди у.

– Фу, сен билан-а? – дея менсимаи назар ташлади Қуён. Бироқ зум ўтмай, мийиғида кулганча: – Майли, ана у дарахтга ким биринчи етиб борса, ғолиб ўша, – деди.

Икки ошна гапни бир ерга қўйиб, белгиланган марра сари югуриб кетишди. Қуён ҳансираб келди-да, орқасига ўгирилиб: “Мен биринчи келдим”, дея овози борича бақирди. “Йўқ, мен биринчи”, деган овозни эшитиб ортига ўгриларкан, дарахтга суяниб турган Тошбақага кўзи тушди. У кўзларига ишонмасди. Сўнг жаҳли чиқиб, узоқроқ масофага югуриш шартини қўйди. Тошбақа рози бўлди. Чаққонвой чарчаб, сўллаиб манзилга етиб келди. Не кўз билан кўрсаки, Тошбақа дарахт соясида бамайлихотир “дам” олиб ўтирибди. “Қуён, тан бердингми”, дея Тошбақа Қуёнга қўл чўзди. Қуён гап-сўзсиз ғолибга қул берди...

Диспетчерлар хонасидаги телефон гўшагини навбатчи кўтарди.

– Алло, “Тез ёрдам” эшитади.

– Тезроқ дўхтир юборинг, аҳволи оғир...

– Ёшми, қари? – шундан сўнг зарур далилларни сўраб жавобини ёзиб олди. – Кекса экан, “Тез ёрдам” сал кейинроқ боради. Биз илгари ёшларга юборамиз. Шундай бўлса-да, сизнинг ҳурматингиз учун Чопқир исмли дўхтирни юборамиз.

– Раҳмат, болам, умрингдан барака топ, ишқилиб, кампир ўлиб қолмай, келсин-да.

– Боради, кутинг, – дея дастакни қўйгач “ажали етмаса ўлмас” дея ғулдираб ҳам қўйди ўзича...

Яна телефон жиринглади:

– Болам, икки ярим соат бўлди, Чопқир келмади-ку.

– Эй, отахон. Кўп бесабр экансиз-да, Чопқирнинг “чақируви” кўпайиб қолди. Ҳозир сизга Шошмас исмли ўта тажрибали шифокорни юбораман.

– Ишқилиб, исми ишига мос бўлмасин-да, болам.

– Боради, дедим, боради, кутинг. Сиз билан ади-бади айтиб ўтиришга вақтим йўқ...

Яна телефон жиринглади:

– Инсофинг борми ўзи, яна икки ярим соат ўтди-ку.

– Ие, кетганига анча бўлди-ку! Ҳозир бориб қолса керак.

Яна телефон жиринглади:

– Шошмасман, етиб келдим. Кампир... Фақат ғалаба нашидасини сал кейинроқ суришга тўғри келади, шекилли.

– Чопқирдан Шошмасвой дуруст-да, нима бўлсаям, етиб борибди. Борингга шукур-ей... – дея ўзича шивирлаб, навбатдаги қўнғироққа жавоб бериш учун телефон гўшагини кўтарди.



ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

* * *

Падару устозга шак келтирганларни кўрдим. Ҳарчанд уринса-да косаси оқармади. Қайтанга назардан қолди. Бас, шундай экан, Сени бугунги камолот чўққисига чиқаргунча аввал падаринг, сўнг устозинг қилган хизматга бепарво бўлма. Уларнинг ҳаққи — тириклигида ҳам, дунёдан ўтганидан кейин ҳам сен кўрсатадиган иззат-ҳурматинг, одоб-ахлоқинг, инсонпарварлигу қалбингдаги меҳр- муҳаббатинг эканлигини унутма.

* * *

Боболаримизга оталаримиз, оталаримизга биз қўлимиз кўксимизда “бир оғиз сўзингиз амри вожиб”, дея доимо хизматга шай турдик. Пиру бадавлатларга сўнги дамгача ҳурмат-эътибор кўрсатдик. Бундай эътибордан биз ҳам бенасиб қолмасмиз, иншооллоҳ. Бироқ, фарзандга қўл қовуштириб, той бўлиб кишнаб, айтганини муҳайё қилаётган, ўғилга тўрдан жой бераётган авлодлар кексайганларида қай ҳолатга тушаркан? Ўйласанг, этинг жимираб кетади. Бола тарбияси бошдан, деганлар. Бунга безътибор бўлманг. Юрт ва келажатингиз фарзандларингиз камолига боғлиқлигини унутманг.

* * *

Ширинтиллик яхши. Меъёрида бўлса янаям яхши. Ўта ширинтиллик қўлини кўксига қўйиб, ҳалимдек мулойимлик билан “жон-жон”лаб кўрсатилган мулозамат замирида шубҳасиз, манфаат туради. Тил “эгаси” илтифотга муяссар

бўлган кишидан кўмак сўрайди ё унга иши тушган ёки бир-икки кундан сўнг муддаога ўтишга замин яратяпти. Эҳтиёт бўл. Сен ҳам хуштавозеликни йўқотма. Акс ҳолда ширин тилдан отилган “заҳар” марваридга қиёсланган қалбингни музга айлантиради.



МУНДАРИЖА

Очерклар	3
Нурли излар	3
Ўргимчак чангалида	18
Устоз ёди	44
Саҳифаловчининг ҳаёт саҳифалари	54
Публицистик мақолалар	59
Ўзингни бек билсанг	59
Нафсинга эрк берма!	62
Истиқлол, сен менинг бахтимсан!	66
Бойчечак чиқибди, бугун Наврӯз экан!	68
Қалб кўзини очайлик	72
Меҳрингизни дариг тутманг	76
Боғ яратайлик	79
Умр лаҳзалари ёхуд садоқат	84
Разолат бандалари	87
Ҳаёт чорраҳаларида	93
Видолашув	93
Сайёд солиқчи	96
Сайлов	102
Фойдали “ислоҳот”	104
Дил озори	109
Ота нега тажанг?	111
Хуноб бўлган Афанди	112
Худо меҳрибон бўлди	114
Чопқир билан Шошмас	114
Журналист ён дафтаридан	117

Адабий-бадиий нашр

ИБРОҲИМ ЖУМАЕВ

МЕҲРДАН ЯРАЛГАН ДУНЁ

Очерк ва публицистик мақолалар

Муҳаррир *Илҳом Зойир*

Мусаввир *Рустам Зуфаров*

Бадиий муҳаррир *Анатолий Бобров*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусахҳиҳлар *Фотима Ортиқова, Доно Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

ИБ № 4509

Босишга 05.03.07 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 12,6 шартли босма тобоқ.
13,5 нашр тобоғи. Жами 600 нусха. ...рақамли буюртма.
57–2007 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

100128. Тошкент. Усмон Юсупов кўчаси, 86.

Иброҳим Жумаев 1948 йилда Навоий вилояти Навбаҳор тумани Арабсарой қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Дулдул маҳалласида туғилган. Оддий ҳарф терувчиликдан вилоят газетаси бош муҳаррири лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган. Айти кунда Навоий вилоят “Дўстлик байроғи” газетаси бош муҳаррири.

РАСМ ОСТИ СЎЗЛАРИ

1-расм. Меҳрибон онажоним Ситора Наврўз қизи.

2-расм. Умр йўлдошим Зубайда Султон қизи ва неварам Ситора билан. 1995 йил.

3-расм. Навоий вилояти “Дўстлик байроғи” газетаси жамоаси. 1987 йил.

4-расм. Тиббиёт фанлари доктори Аббор Мансуров билан.

5-расм. Республика ва вилоят газеталари бош муҳаррирларининг ўқуви. 2006 йил.

6-расм. Янги йил оқшоми. 2003 йил.

7-расм. “Дўстлик байроғи” газетаси жамоаси. 2003 йил.